



# АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 5(59)

Переяслав  
2021



## **АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ**

LVIX Международная научная конференция  
26-27 мая 2021 г.

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

ВЫПУСК 5(59)

Переяслав

УДК 001 (082)

ББК 72я43

А43

**Главный редактор:**

Коцур В.П., доктор исторических наук, профессор, академик Национальной академии педагогических наук Украины

**Редколлегия:**

<b>Базалук О.А.</b>	д-р филос. наук, профессор (Украина)
<b>Доброскок И.И.</b>	д-р пед. наук, профессор (Украина)
<b>Кабакбаев С.Ж.</b>	д-р физ.-мат. наук, профессор (Казахстан)
<b>Мусабекова Г.Т.</b>	д-р пед. наук, профессор (Казахстан)
<b>Смирнов И.Г.</b>	д-р геогр. наук, профессор (Украина)
<b>Исак О.В.</b>	д-р социол. наук (Молдова)
<b>Лю Бинцян</b>	д-р искусствоведения (КНР)
<b>Тамулет В.Н.</b>	д-р ист. наук (Молдова)
<b>Брынза С.М.</b>	д-р юрид. наук, профессор (Молдова)
<b>Мартынюк Т.В.</b>	д-р искусствоведения (Украина)
<b>Тихон А.С.</b>	д-р мед. наук, доцент (Молдова)
<b>Горашенко А.Ю.</b>	д-р пед. наук, доцент (Молдова)
<b>Алиева-Кенгерли Г.Т.</b>	д-р филол. наук, профессор (Азербайджан)
<b>Айдосов А.А.</b>	д-р техн. наук, профессор (Казахстан)
<b>Лозова Т.М.</b>	д-р техн. наук, профессор (Украина)
<b>Сидоренко О.В.</b>	д-р техн. наук, профессор (Украина)
<b>Егиазарян А.К.</b>	д-р пед. наук, профессор (Армения)
<b>Алиев З.Г.</b>	д-р аграрных наук, профессор, академик (Азербайджан)
<b>Партоев К.</b>	д-р с.-х. наук, профессор (Таджикистан)
<b>Цибулько Л.Г.</b>	д-р пед. наук, доцент, профессор (Украина)
<b>Баймухамедов М.Ф.</b>	д-р техн. наук, профессор (Казахстан)
<b>Хеладзе Н.Д.</b>	канд. хим. наук (Грузия)
<b>Таласпаева Ж.С.</b>	канд. филол. наук, профессор (Казахстан)
<b>Чернов Б.О.</b>	канд. пед. наук, профессор (Украина)
<b>Мартынюк А.К.</b>	канд. искусствоведения (Украина)
<b>Воловык Л.М.</b>	канд. геогр. наук (Украина)
<b>Ковальська К.В.</b>	канд. ист. наук (Украина)
<b>Амрахов В.Т.</b>	канд. экон. наук, доцент (Азербайджан)
<b>Мкртчян К.Г.</b>	канд. техн. наук, доцент (Армения)
<b>Стати В.А.</b>	канд. юрид. наук, доцент (Молдова)
<b>Цибулько Г.Я.</b>	канд. пед. наук, доцент (Украина)

Актуальные вызовы современной науки // Сб. научных трудов - Переяслав, 2021. - Вып. 5(59) – 250 с.

**Языки издания:** українська, русский, english, deutsche, español, polski, беларуская, казахша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, <шүбүрүтү

Сборник предназначен для научных работников и преподавателей высших учебных заведений. Может использоваться в учебном процессе, в том числе в процессе обучения аспирантов, подготовки магистров и бакалавров в целях углубленного рассмотрения соответствующих проблем. Все статьи сборника прошли рецензирование, сохраняют авторскую редакцию, всю ответственность за содержание несут авторы.

УДК 001 (082)

ББК 72я43

А43

## СОДЕРЖАНИЕ

## СЕКЦИЯ: АРХИТЕКТУРА

<b>Hojiyeva Shahribonu Doniyor qizi (Buxoro, Uzbekistan)</b> ISSIQ QURUQ IQLIM SHAROITLARIDA BINO FASADLARIDA EKO ARXITEKTURANING QO'LLANISH MASALALARI.....	8
--	---

## СЕКЦИЯ: БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

<b>Kamolov Usmon Mo'minboyevich,</b> <b>Farxodova Surayo Nizomiddin qizi (Urgench, Uzbekistan)</b> ORGANIK KISLOTALAR .....	10
---	----

## СЕКЦИЯ: ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

<b>No'monova Zulfira Iqboljon qizi (Toshkent, Uzbekistan)</b> ABDULLA ORIPOV IJODIDA TARIX HAQIQATINING BADIY IFODASI.....	12
---	----

## СЕКЦИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

<b>Munovarov Ne'matjon Choriyevich (Muborak, Uzbekistan)</b> НОСОВ НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ.....	15
<b>Ummatova E'zoza (Jizzax, O'zbekiston)</b> ZOMINNING QADIMGI TARIXI XUSUSIDA BA'ZI MULOHAZALAR .....	18
<b>Xolbo'tayeva Dilfuza Usmon qizi (Samarqand, O'zbekiston)</b> QADIMGI SO'G'D HUDUDIDA OLIB BORILGAN ARXEOLGIK IZLANISHLAR XUSUSIDA .....	23
<b>Жомонкулов Бегзод, Мардонов Асадбек Фарход ўғли</b> <b>(Самарқанд, Узбекистан)</b> АФРОСИЁБ ТОПОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН .....	28
<b>Мамадаминова Бахтигул Абдупаттаевна,</b> <b>Эшимова Зарифа (Тошкент, Узбекистан)</b> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ҲОЛАТИ .....	32
<b>Мирзакаримова Нодира (Тошкент, Узбекистан)</b> САБАБИ НУЗУЛНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ .....	34
<b>Хамидов Муҳиддин Дониёр угли (Ташкент, Узбекистан)</b> РЕАЛИЗАЦИЯ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА: АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ И ПРОБЛЕМЫ .....	40

## СЕКЦИЯ: КУЛЬТУРОЛОГИЯ

<b>Mahmudov Otabek Valijonovich,</b> <b>Adxamov Jasurbek Shuhratjon o'g'li (Farg'ona, Uzbekistan)</b> JAHON RAQAMLI KUTUBXONASIDAGI MAMLAKATIMIZGA OID ILMIY, TARIXIY ASARLAR VA ULARNING TAVSIFI .....	46
<b>Холмўминов Мўминмирзо Зокир ўғли (Тошкент, Узбекистан)</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛЛАРИНИНГ РЕПЕРТУАР ДАСТУРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ .....	49

**СЕКЦИЯ: МЕДИЦИНСКИЕ НАУКИ****G'aniyev Mirvorisjon Tulqunjon o'g'li (Toshkent, Uzbekistan)**

UMIYRQA POG'ONASI BEL QISMI POLISEGMENTAR DISK CHURRALARI FONIDAGI  
DEGENERATIV SPONDILOLISTEZDA JARROHLIK DAVOLASH TAKTIKASINI TANLASH 54

**Бахрамов Рустам Рахматуллаевич, Хамадамова Шахноза Сайидхон кизи,  
Чоршамбиев Абдималик Анвар ўғли (Самарқанд, Узбекистан)**

COVID-19 KASALLIGINI TARQALIISHINI  
OLDINI OLIQSH MAQSAIDIDA QILINAËTGAN SAMARALI IQLAP ..... 57

**Сафоев Б.Б., Рахимов А.Я., Рахматов Ш.Ш,  
Арашев Р.Р. (Бухара, Узбекистан)**

NAQI OPIY PRIMEENIYA 25% NEGO DIMETILSULFOKSIDA V KOMPLEKSE  
S ELEKTROAKTIVIROVANNOM VODNOM RASTVORE PRI LICHENIYA GNOYNYX  
ZABOLEVANIY MYAGKIY TKANEY V AMBULATORYNYX USLOVIYAX..... 60

**Шералиев Муродулла (Ташкент, Узбекистан)**

RASXIRIENIE VERXNEY CHELYUSTI U VZROSLYX ..... 64

**СЕКЦИЯ: ПЕДАГОГИКА****Abdurasulova Nilufar (Tashkent, Uzbekistan)**

DISCURSIVE COMPETENCE AND ITS ROLE IN VERBAL SPEECH ..... 69

**Kadirova Yakitjan Buvabaevna (Tashkent, Uzbekistan)**

ISSUES OF INCREASING CIVIL LITERACY OF SCHOOLCHILDREN ..... 73

**Madirimova Momajon Raximboyevna (Urganch, O'zbekiston)**

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA ELEMENTAR MATEMATIK TASAVURLARNI  
RIVOJLANTIRISHNI TASHKIL ETISH ..... 75

**Mamadaliyeva Shoxista Xudoyberdiyevna,  
Xudoyberdiyeva Halima (Sirdaryo, O'zbekiston)**

YANGI O'ZBEKISTONDA YANGI TA'LIM ..... 78

**Murodova Jamila Ne'matovna (Buxoro, O'zbekiston)**

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA PEDAGOGIK  
TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI ..... 83

**Yusupova Shaxnoza Abduxafizovna (Samarkand, Uzbekistan)**

O'ZBEKISTONDA ZAMONAVIY MASOFAVIY TA'LIM VA UNING RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI ..... 85

**Абдувалева Комила (Жиззах, Ўзбекистон)**

KIME TABLIMNI MODULY TIZIMIDA UQITIQA KEYST-STADI  
METODOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 88

**Ҳамидова Гулбаҳор (Жиззах, Ўзбекистон)**

EQSLARNI INTEKLUKTUAL SALOHIYATLI QILIB TARBIAQLASHNING MAZMUNI 98

**СЕКЦИЯ: ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****Nazarov Azamat Sottarovich (Tashkent, Uzbekistan)**

SOCIAL-PSYCHOLOGICAL ASPECTS AND ASSESSMENT  
OF THE IMPLEMENTATION OF MANAGEMENT DECISIONS ..... 100

<b>Umarov Bakhridin Mengboevich, Nazarov Azamat Sottarovich (Tashkent, Uzbekistan)</b>	
PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE ORGANIZATION OF THE EXECUTION OF MANAGERIAL DECISIONS ON PERSONNEL.....	105
<b>Акрамов Мирмухсин Рустамович (Ташкент, Узбекистан)</b>	
НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ.....	110
<b>Эгамбердиев Фарход Тухтаевич (Карши, Узбекистан)</b>	
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ ВОЛЕВЫХ КАЧЕСТВ В ЛИЧНОСТИ СПОРТСМЕНА .....	114

### СЕКЦИЯ: СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО

<b>Jo'rayeva Ozoda Toirovna (Buxoro, Uzbekistan)</b>	
SHO'RLANGAN TUPROQLARDA G'O'ZANING O'SISH FIZIOLOGIYASI .....	119
<b>Ташходжаева Гулноза Сайдамходжаевна (Ташкент, Узбекистан)</b>	
СОВРЕМЕННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ СОИ В РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА	122

### СЕКЦИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

<b>Kurbanova Feruza Choriyevna (Tashkent, Uzbekistan)</b>	
INFORMATION SECURITY. ATTACKS AND VIRUSES IN PRODUCTION.....	127

### СЕКЦИЯ: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

<b>Mo'yidinov Doniyorjon (Farg'ona, Uzbekistan)</b>	
ARXIV SOHASI BILAN BOG'LIQ KAPITAL QURILISH VA TA'MIRLASH ISHLARI.....	130
<b>Rahimova Munisa Bahodir qizi, Xadjayeva Muhabbat Akmal qizi, Axmedxodjayeva Aqida Nabixon qizi (Toshkent, O'zbekiston)</b>	
TEKTONIKA QOIDALARINI HISOBGA OLGAN HOLDA AYOLLAR LIBOSINI LOYIHALASH.....	133
<b>Rasulov Azizjon Rustamovich, Fayzullayev Ubaydulla Sagdullayevich, Imamova Gulchekhra Zoirovna (Tashkent, O'zbekiston)</b>	
QUYOSH PANELLARINI TOZALASH QURILMASI .....	138
<b>Shomirzayev Boburjon Urinbayevich, Xamrakulov Xotambek Hakimjon o'g'li (Andijon, O'zbekiston)</b>	
TABIIY GAZLARNI TASHISHGA TAYYORLASHDA GAZ SIFATINI OSHIRISH USULLARI	141
<b>To'laboyeva Shaxlo Sobirjon qizi, Xoliqov Qurbonali Madaminovich (Namangan, O'zbekiston)</b>	
KIYIM TIKISH TEXNOLOGIK KETMA-KETLIGINI ISHLAB CHIQRISH .....	147
<b>Жураев Мусурмон Авлакулович, Шерматов Сайдулло Салохидин угли, Акралов Акмалхон Аббосхонолович (Ташкент, Узбекистан)</b>	
УСТРОЙСТВА ДЛЯ РАЗМЕРНОЙ НАСТРОЙКИ РЕЗЦА ТОКАРНЫХ СТАНКОВ .....	150
<b>Усманов Саиджон Абдусубхон углы (Фергана, Узбекистан)</b>	
ПОЛУПРОВОДНИК ДЛЯ СРЕДНИХ ТЕМПЕРАТУР .....	156

**СЕКЦИЯ: ТУРИЗМ И РЕКРЕАЦИЯ**

<b>Bozarov Elyor Boboqulovich, Halimov Jovlon Halilovich (Qarshi, O'zbekiston)</b> IQTISODIY O'SISH KO'RSATKICHLARINI OSHIRISHDA TURIZM SOHASINING AHAMIYATI.....	159
---	-----

**СЕКЦИЯ: ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

<b>Isoqova Adiba Shamshidin qizi (Termiz, O'zbekiston)</b> CHIZIQLI BO'LMAGAN TENGLAMALARNI YECHISHNING STEFFENSEN (EYTKEN-STEFFENSEN) USULI.....	162
<b>Raxmonova Nilufarxon Vahobjon qizi (Qo'qon, O'zbekiston)</b> ELLIPTIK EGRI CHIZIQLARNING MOS SON (CONGRUENT NUMBER) ORQALI IFODALANISHI.....	166

**СЕКЦИЯ: ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ**

<b>Turapova Shoxsanam Holmurod qizi (Jizzax, O'zbekiston)</b> VOLEYBOL O'YINI TEXNIKASIGA DASTLABKI O'RGATISH USLUBI VA BOSQICHLARINI O'RGATISH PRINSTIPLARI.....	168
<b>Нигманов Бори Ботирович,</b> <b>Кривошеина Мария Сергеевна (Ташкент, Узбекистан)</b> ДУХОВНОЕ ВОСПИТАНИЕ В ФИЗКУЛЬТУРНО-СПОРТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ В ВУЗЕ.....	171
<b>Ўрмонов Шохрух Бобур ўғли (Тошкент, Ўзбекистон)</b> СПОРТДА ДОПИНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	174
<b>Хужомов Бобомурод Хайтмуротович,</b> <b>Ярбулов Бекзод Беккулович (Ташкент, Узбекистан)</b> СТРУКТУРЫ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ КУРАШИСТОВ.....	178
<b>Хужомов Бобомурод Хайтмуротович (Ташкент, Узбекистан)</b> СПОРТ И ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ СТУДЕНТОВ.....	181

**СЕКЦИЯ: ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**

<b>Daminova Xolisxon G'anisher qizi (Samarkand, Uzbekistan)</b> TILLARNING RIVOJLANISH TARAQQIYOTIDA FRAZEOLOGIZMLARNING TARJIMASINING O'RNI (O'ZBEK VA INGLIZ TILLARI MISOLIDA).....	185
<b>Islamova Aziza Hasan kizi (Samarkand, Uzbekistan)</b> MODERN REQUIREMENTS FOR SIMULTANEOUS INTERPRETER.....	188
<b>Jumaniyozov Atabay, Ozatova Nodira (Urganch, O'zbekiston)</b> NEMIS TILIDAN O'ZBEK TILIGA MA'NOSI KONKRETLASHIB O'TGAN AYRIM O'ZLASHMALARNING SEMANTIK TAHLILI.....	191
<b>Khojjeva Eldora Uktamovna (Tashkent, Uzbekistan)</b> ON THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES AND GENERAL GRAMMAR IN THE TEACHING OF ENGLISH.....	194
<b>Nasreiddinova Farzona Shuxratovna,</b> <b>Nasreiddinova Mehrangiz Shavkatovna (Samarkand, Uzbekistan)</b> ROLE OF MOTIVATION IN LEARNING A FOREIGN LANGUAGE.....	197

<b>Nazirova Navruza, Tukhtakhodjaeva Z.T. (Tashkent, Uzbekistan)</b> TYPOLOGICAL CHARACTERISTICS OF DISCOURSE.....	200
<b>Shukurova Nodira Bahtiyor qizi (Tashkent, Uzbekistan)</b> THEOLINGUISTICS .....	205
<b>Абдуқаҳхорова Хосият Абдурасул қизи (Чирчиқ, Ўзбекистан)</b> КУНДАЛИК ҲАЁТДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ЧЕГАРАЛАНГАН ЛЕКСИК ҚАТЛАМ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	208
<b>Абраева Шахноза Эсоновна (Тошкент, Ўзбекистан)</b> ЛОТИНЧА ВА ЮНОНЧА МОРФЕМАЛАРНИ СОЛИШТИРИШ МАҲСУЛДОРЛИГИДА СТАТИСТИК-КОМБИНАТОР МЕТОДЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ АСОСЛАШ....	213
<b>Комилова Нилуфар Абдылкадымовна (Фергана, Ўзбекистан)</b> “ГЕНДЕР” КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНИКАСИНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК АППАРАТИ МАСАЛАСИ.....	216
<b>Файзуллаев Холмўмин Намазович (Қарши, Ўзбекистан)</b> ҲИКОЯДА БОЛА ОБРАЗИ ИМКОНИАТЛАРИ .....	221

### СЕКЦИЯ: ФИЛОСОФИЯ

<b>Vogirova Mahfuza Furqatovna (Buhara, Uzbekistan)</b> XAYOL DENGIZIDA MAVJLANGAN KEMA.....	225
<b>Жумаев Абдимўмин Файзиевич, Холиқулов Аслиддин (Денов, Ўзбекистан)</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ .....	228
<b>Хайдаров Одил (Ташкент, Ўзбекистан)</b> ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛЬ-ФАРАБИ.....	231

### СЕКЦИЯ: ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

<b>Halimov Jovlon Halilovich, Bozarov Elyor Boboqulovich (Qarshi, O'zbekiston)</b> INSON KAPITALINI IQTISODIYOTNING BARQAROR O'SISH SUR'ATLARINI TA'MINLASHDAGI O'RNI.....	235
<b>Qoriyeva Aziza Olimjon qizi (Tashkent, Uzbekistan)</b> SECURITIES MARKET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	238
<b>Usmonova Sevara, Murtozaeva Zarnigor (Tashkent, Uzbekistan)</b> PRODUCTION COSTS IN A CLUSTER SYSTEM .....	241

### СЕКЦИЯ: ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

<b>Karimova Shaxzoda Sobitjonovna (Chirchiq, Uzbekistan)</b> JAMIYATDA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISH OMILLARI.....	244
<b>Nosirova Dilfuza Nabievna (Andijan, Uzbekistan)</b> GENERAL CONCEPTS ABOUT THE RIGHT TO VOTE .....	247
ИНФОРМАЦИЯ О СЛЕДУЮЩЕЙ КОНФЕРЕНЦИИ .....	249



## СЕКЦИЯ: АРХИТЕКТУРА

Hojiyeva Shahribonu Doniyor qizi  
(Buxoro, Uzbekistan)

ISSIQ QURUQ IQLIM SHAROITLARIDA BINO FASADLARIDA EKO  
ARXITEKTURANING QO'LLANISH MASALALARI

**Annotsatsiya.** Ushbu maqolada eko arxitektura, ekologik arxitektura tushunchasining paydo bo'lishida Paolo Soleri qarashlari, issiq quruq iqlim va issiq quruq iqlim sharoitida bino fasadlarida eko arxitekturaning qo'llanishi haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** eko arxitektura, Paolo Soleri, me'moriy kontseptsiya, Issiq quruq iqlim, bino fasadlari.

Eko arxitektura - bu inson atrofini loyihalashda, avvalambor, atrof-muhit omillarini hisobga oladigan maxsus me'moriy tushunchadir. Ushbu kontseptsyaning asosiy tamoyillari italiyalik me'mor Paolo Soleri tomonidan ishlab chiqilgan. Shuningdek, ekologik arxitektura ma'lum bir shahar aholisini o'z ichiga olgan puxta rejalashtirilgan giperstruksiyalar tufayli insonning atrof-muhitga salbiy ta'sirini sezilarli darajada kamaytirish mumkin degan g'oyani amalga oshirish deb tushuniladi.

Ushbu me'moriy kontseptsyaning asosiy elementi shahar aholisi egallagan maydonni uch o'lchovli giperstruksiyaga ko'chirish orqali kamaytirishdir. Shu bilan birga, g'oya muallifi Paolo Soleri o'zini faqat atrof-muhit masalalari bilan cheklamagan. U o'z loyihalasini ijtimoiy yo'nalishda rivojlantira boshladi. Uning fikriga ko'ra, yangi giperstruksiyalar jamoat transportidan eng samarali foydalanishda, rejalashtirishni samaraliroq qilishiga yordam berishi kerak edi. Oxir oqibat, bu aholi zichligining oshishiga olib keladi. Shu bilan birga, bu megapolislarga xos bo'lgan aksariyat muammolardan xalos bo'lishga yordam beradi.

Issiq quruq iqlim uchun havoning yuqori harorati, soyada – 400C va sutkalik harorat katta tebranishlari xos. Qum bo'ronlari davrida va quruq shamollar esgan paytda quyosh radiatsiyasining to'g'ridan to'g'ri va sochma nur taratishidan issiqlik miqdori oshadi, bunda nisbiy namlik juda kichik 15% dan 50%gacha bo'ladi, oz miqdorda (250 mm) yog'ingarchilik yog'adi. Bu hududlar termik holati yer yuzasida ko'p miqdorda quyosh nurlari aks etishi natijasida murakkablashadi. Ekvatordan janub va shimolga harakatlanganda haroratlarning mavsumiy o'zgarishi seziladi. Issiq quruq iqlim uchun musaffo osmon, juda issiq kunlar, qumli bo'ronlar, bulutsiz, ayrim hollarda chang bilan to'yingan osmon, yog'ingarchilikning minimal miqdori xos.

Bu hududlardagi binolarda katta sig'imli og'ir to'suvchi konstruksiyalar keng qo'llaniladi, ular vositasida kunduzgi issiqdan va yorqin quyosh nurlaridan himoyalanaadi. Aholi yashash punktlarini tarxlashda qurilishning oshirilgan zichligi va yopiq kompozitsiyasi qo'llaniladi, ular vertikal va gorizontal fazolarning soyada bo'lishini ta'minlaydi, ko'kalamzorlashtirish keng qo'llaniladi.

Bundan tashqari, issiq quruq iqlim sharoitida bino fasadlarida eko arxitekturaning qo'llanishida quyidagilarga e'tibor berish zarur:

1. Qurilish ishlarini olib borishda jadal quyosh radiastiyasi mavjudligini, gorizontalk tekisliklarni quyosh nurlari termik ta'siridan himoyalash choralari ko'rish, changdan ko'kalmazlashtirib, hududni suv bilan ta'minlab hamda soya joylarni yaratib himoyalani sh zarur.

2. Tabiiy omillar, harorat, namlik, shamollar, rel'ef va hokozolarning doimiy o'zaro ta'sirlashishi umumiy iqlimiy mintaqadan farqlanuvchi muayyan joy iqlim xususiyatlarini belgilab beradi.

3. Bino fasadlari tarkibi issiq quruq iqlim sharoitida issiqdan himoyalangan fazoda, ichki soya va salqinlik ta'minlangan holatda tuzilishi lozim.

4. Issiq quruq iqlim sharoitida issiq hududlar uchun suvsizlik xos bo'lganligi sababli suv bilan ta'minlash uchun suv resurslarini izlash, iqlimni yaxshilash va hududni suv bilan ta'minlash zarur.

5. Qum gruntlari ko'kalmazlashtirish uchun yaramaydi va qayta agrotexnik ishlov berishni yoki unumdor yer olib borib to'kishni talab etadi.

6. Qumli tuproq va harakatdagi qum havoning chang bilan ifloslanishiga olib keladi.

7. Bino fasadlariga asosan issiqqa chiday oladigan o'simliklarni qoplash va ularni qolgan iqlimdagiga nisbatan ko'proq parvarish qilish zarur.

8. Bino fasadlariga ishlatiladigan ekologik vositalardan unumli foydalanish lozim. Aks holda quruq issiq eko arxitekturaga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, hozirgi kunda issiq quruq iqlim sharoitlarida bino fasadlarida eko arxitekturaning qo'llanish masalalari dolzarb masala bo'lib turibdi. Albatta, bunday sharoitda binolar qurilish joyiga suv yetkazib berilishi, bino fasadlari uchun maxsus salqinlatuvchi arkalar o'rnatilgan bo'lishi lozim. Ana shunda bino fasadlaridagi ekologik muhit o'z jozibasini yo'qotmaydi.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Marakaev Rim Yusupovich, Sayfiddinov Sadriddin, Yusupov Usmonjon Turg'unalieovich, Hasanov Husniddin Tolibovich QURUQ ISSIQ IQLIM SHAROITIDA SHAHARSOZLIK Toshkent 2014
2. Маклакова Т.Г., Насонова С.М., Шапапенко В.Г. Проектирование жилых и общественных зданий. М.: 2004.
3. Косицкий Я.В., Благовидова Н.Г. «Основы теории планировки и застройки». М.: 2007г.
4. 24.www.lex.uz
5. 25.www.kodeks.uz

## СЕКЦИЯ: БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Kamolov Usmon Mo'minboyevich, Farxodova Surayyo Nizomiddin qizi**  
(Urgench, Uzbekistan)

## ОРГАНИК KISLOTALAR

**Annotatsiya.** *Organik kislotalarning ahamiyati, ularning biologik ro'li, qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat mahsulotlari sifatiga ta'siri haqida so'z boradi.*

**Kalit so'zlar:** *Kislotalar, oziq-ovqat mahsulotlari, uchuvchan organik kislotalar, glikoliz, yog' kislotalar.*

**Annotation.** *The importance of organic acids, their biological role, their impact on agriculture and food quality.*

**Keywords:** *Acids, food, volatile organic acids, glycolysis, fatty acids.*

**Аннотация.** *Важность органических кислот, их биологическая роль, их влияние на сельское хозяйство и качество продуктов питания.*

**Ключевые слова:** *кислоты, продукты питания, летучие органические кислоты, гликолиз, жирные кислоты.*

Organik kislotalar fermentativ reaksiyalarning oraliq yoki oxirgi metabolitlari hisoblanadi. Asosan organik kislotalar glikoliz (pirouzum, sut, fosfoenolpirouzum va boshqa kislotalar) jarayonida, uch karbon kislotalar siklida (oksaloatsetet, sitrat, izositrat, ketoglyutarat, yantarar, fumarar, olma kislotalari), glioksalat siklida (limon, olma, yantarar, fumarar kislotalar), askorbin kislota sintezi reaksiyalarida (glyukuron, gulon, askorbin kislota), yog' kislotalar sintezida (sirka, yog' kislotalari) va hokazolat da hosil bo'ladi. Organik kislotalar mahsulotlarning ta'mi va sifatini belgilaydi. Organik kislotalar monosaxaridlarning oksidlanish reaksiyalari spirtlar, aldegidlar mahsulotlari bolib, aldegidlardan farqi, ular kuchli polyarlangan qo'shbog'ga egaligidir, ularning erishi va qaynashi yuqori harorat talab qiladi. Hamma organik kislotalar nordon reaksiya beradi, suvli eritmaları dissotsiatsiyasi kichik darajada bolib, kuchsiz kislotalar qatoriga kiradi. Karbon kislotalari ichida chumoli, sirka va propion kislotalar kuchli maxsus hid beradilar, kislotalar o'rta qatori esa noxush hidga ega boladilar, ammo yuqori yog' kislotalari bolsa umuman hidsiz boladilar. Organik kislotalar tirik organizmlarda spirtlarni o'zgarishi (metanol, etanol, propanol va boshqalar) va aldegidlar (formaldegid, atsetaldegid va boshqalar) xususiy reaksiyalarida alkogoldehidrogenaza fermenti ishtirokida boradi, ularning ko'p miqdori donlarning murtagida kuzatiladi. Asosiy biogen sistemalardagi karbon kislotalar uglevodlarning aerob va anaerob oksidlanishi natijasida hosil boladilar (sirka, propion, va yog' kislotalari). Karbon kislotalari ichida keton guruhtutadiganlari uchraydi (pirouzum, oksaloatsetat, ketoglyutarar kislota).

Organik kislotalarning biologik roli va oziq-ovqat mahsulotlari sifatiga ta'siri. Organik kislotalarning ahamiyati ularning yuqori energetik qiymati va moddalar almashinuvidagi ishtiroki bilan belgilanadi. 1 gr limon kislotasining toliq oksidlanishida 2,5 kkal energiya, olma

kislotada esa 2,4 kkal, sut kislotasining toliq oksidlanishida 3,4 kkal energiya ajraladi. Organik kislotalarning asosiy biologik roli ularni ovqat hazm qilish jarayonidagi ishtirokidir. Organik kislotalar biologik aktiv moddalar qatoriga kiradi va organizmdagi oksidlanish-qaytarilish jarayonlarida ishtirok etadilar. Lipidlar alniashinuvida ijobiy ta'sir ko'rsatadi (limon kislota, olma kislota), natijada xolesterinning kamayishi va to'qimalarda pasayishi kuzatiladi. Insonning organik kislotalarga talabi sutkasiga 2 gr ni tashkil qiladi. Limon va olma kislotalari oziq-ovqat sanoatida keng qollaniladi. Ularni mevali ichimliklar va qandolat mahsulotlari tayyorlashda ishlatiladi. Limon kislotasining natriyli tuzi qon quyishda konservant sifatida qollaniladi. Vino kislotasi meditsinada hamda meva suvlari ishlab chiqarishda, xamimi yumshatuvchi kimyoviy tayyorlashda, tekstil sanoatida, bo'yoqlar ishlab chiqarishda qollaniladi. Tibbiyotda organik kislotalar to'plovchi obyektlar sifatida malina, qorag'at, o'rmon qlupnayi va olcha mevalari olinadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Alimova R.A. Qishloq xo'jalik o'simliklari biokimyosi fanidan laboratoriya mashg'ulotlari: O'quv qo'llanma. T.: ToshDAU, 2000. 95 b.
2. Alimova R.A., Sagdiyev M.T. O'simliklar fiziologiyasi va biokimyosi: O'quv qollanma. T., 2013. 320 b.
3. Zikiryoev A. O'simliklar biokimyosidan amaliy mashg'ulotlar: O'quv qollanma. T.: Mehnat, 2001. 243 b.
4. Bo'riyev X.Ch., Sagdiyev M.T., Alimova R.A., Enileev N.Sh. Sabzavot poliz ekinlari fiziologiyasi va biokimyosi: O'quv qo'llanma. T.: Navro'z, 2015. 179 b. 8.

## СЕКЦИЯ: ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ

No'monova Zulfira Iqboljon qizi  
(Toshkent, Uzbekistan)

## ABDULLA ORIPOV IJODIDA TARIX HAQIQATINING BADIY IFODASI

**Annotatsiya.** Abdulla Oripov o'zbek she'riyatining zukko bilimdonlaridan biri. Ijodkor she'rlari o'zbek adabiyotining xazinasida yuksak o'rin tutadi. Bugungacha shoir ijodi ko'p jihatdan adabiyotshunoslar tomonidan o'rganilib kelinmoqda. Ushbu maqolada shoir ijodida tarixiy shaxslarning tutgan o'рни va ifodasi haqida bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** ijodkor, mahorat, Navoiy, badiiyat, tarixiylik, she'riyat.

**Annotation.** Abdulla Aripov is one of the brightest scholars of Uzbek poetry. His poems occupy a high place in the treasury of Uzbek literature. To this day, the poet's work is widely studied by literary critics. This article describes the role and expression of historical figures in the poet's work.

**Key words:** artist, mastery, Navoi, art, history, poetry.

**Аннотация.** Абулла Арипов - один из самых ярких исследователей узбекской поэзии. Его стихи занимают высокое место в сокровищнице узбекской литературы. По сей день творчество поэта широко изучается литературоведами. В статье рассказывается о роли и выражении исторических личностей в творчестве поэта.

**Ключевые слова:** художник, мастерство, Навои, искусство, история, поэзия.

Abdulla Oripov deganda ko'z o'ngimizda tafakkur dengizining sohillari ufqqa tutash, ijod gulistonining chechaklari turfa rang, donishmandlik chinorining ildizi ziyo chashmalaridan suv ichgan siymo gavdalanadi. Ustoz Abudulla Oripov she'riyati nafaqat badiiylik, go'zallik, balki an'anaviylik, tarixiylik, ilmiylik jihatdan ham o'zbek adabiyotida alohida o'rin tutadi. "So'zda sehr, she'rda esa hikmat bor" hadisini o'z benazir ijodi bilan to'laqonli isbotlab bergan ustoz she'riyati so'zning qaddu bastini bor ko'rk-u jamoli, tarovati-yu jozibasi, fasohati-yu nafosati bilan ko'rsata olish bobida ham ibrat darsxonasidir."<sup>1</sup>

Abdulla Oripov she'riyati ko'plab adabiyotshunos ustozlar tomonidan har jihatdan o'rganilib, tadqiq etilib kelinmoqda. Jumladan, Matyoqub Qo'shjonovning "Onajonim she'riyat" nomli risolasi, Nodira Afoqovanning "Abdulla Oripov lirikasida badiiy san'at'ar" nomzodlik dissertatsiyasi, filologiya fanlari nomzodi Gulbahor Ashurovanning "Abdulla Oripov she'riyatida an'ana va badiiy mahorat" mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasi shoir ijodini o'rganishda asosiy yo'lchi yulduz bo'lib xizmat qiladi. Bundan tashqari, taniqli adabiyotshunoslar S. Mamajonov, N. Karimov, U. Normatov, B. Qosimov, B. Akramov, I. Haqqulov, A. Ulug'ov va N. Jabborovlar aynan Abdulla Oripov ijodiga bag'ishlangan maxsus ilmiy tadqiqot yaratmagan bo'lsalar-da, ularning qator maqolalari va kitoblarida shoir she'riyatidagi mahorat qirralari

<sup>1</sup> Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. Toshkent.: Sharq 2019 B 6

adabiyotshunosligimizdagi ilmiy-nazariy masalalar bilan bog'lab o'rganilgan qimmatli kuzatishlar mavjud.

Abdulla Oripov she'riyatida ona, Vatan, istiqloq, bag'rikeng xalq, odamiylik, muhabbat kabi mavzulardan tashqari tarixiy shaxslar, tarixiy voqea-hodisalar ham alohida o'rin tutadi. Xususan, shoir she'rlarida Alisher Navoiy shaxsiga juda ko'p murojaat qiladi. Ijodkor Navoiy shaxsiga ta'rif berar ekan:

Boyqaro irg'ishlab istak otida  
Jahonga boqqanda misli bola sher,-  
Hirotdarvozasin bir qanotida  
She'riy lashkarini tizgan Alisher,<sup>2</sup>-

deydi. Bolalikdan do'st bo'lgan Husayn Boyqaro sher bolasi kabi jahonni egallash istagida turganda Alisher Navoiy o'zining she'riy lashkarini tizib bo'lgan edi. Har qanday iste'dodli shoir badiiy tafakkur vositasida o'ziga xos san'atkor ekanini ko'rsatadi. Har qanday ijodkor his-tuygularini, voqelikka estetik munosabatini so'z vositasida ko'rsatadi, she'rda aks etgan badiiy ifoda esa so'zning qudratini namoyon etadi. Yuqoridagi misralar esa Abdulla Oripov qalamida so'zlarning naqadar sayqallanganligining yorqin dalilidir.

Ijodkor "Alisher va talaba" deb nomlangan she'rida Hirotdagi kichik bir voqelik, ya'ni Alisher Navoiy vazir bo'lgan vaqtlarida xalqning ahvolini bilish uchun yurt kezkani, vazirni ko'rish uchun madrasa talabalari ham chiqqani va hazrat bir talabani ko'rib qolib, otdan tushib talabani quchib ko'rishgani orqali hazrat Navoiyning naqadar buyukligi, ustozlarga hurmati falsafiy mushohada, donishmandona satrlar bilan ifodalagan:

...Oxir bir mulozim sabri tugab, lol  
Alisherga shundoq tashladi savol.

- Kimga shu asnoda baxt kuldi ekan,  
Ayting, ul talaba kim bo'ldi ekan?

O'ychan bir tabassum qildi-yu janob,  
Mulozimga sekin ayladi javob:

Esimda, yosh chog'im, ko'p yillar nari,  
Menga saboq bergan uning padari...

Abdulla Oripov she'riyat mulki sultoni Alisher Navoiy haqida ba'zan yuqoridagi kabi voqelikdan iborat o'nlab baytli she'rlar bitgan bo'lsa, ba'zan to'rt misra orqali Navoiy hazratlari shaxsining yana boshqa jihatlarini yoritib berishga harakat qilgan. Jumladan, quyidagi "Navoiy" deb nomlangan to'rt misrali she'rda Navoiy abadiyati haqida so'z yuritiladi:

Abadiyat bilan qay so'z egizak,  
Balki yaxshi orzu, yaxshi niyatdir?  
Mangulik anglanar Navoiy desak,  
Navoiyning o'zi abadiyatdir.

<sup>2</sup> Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. Toshkent.: Sharq 2019 B 89

Chindan ham, besh asrdan buyon nazmiy saroyini titratib kelayotgan, ijodi dur-u gavharlarga to'lib yotgan Alisher Navoiy nomi abadiyat bilan egizakdir.

Abdulla Oripov o'zining sermahsul ijodida nafaqat Alisher Navoiy haqida, Oyisha r.a, hazrati Biloldan tortib Abu Rayhon Beruniy, Bobur, Mashrab, Boyqaro, Abdulla Qodiriy, Mirtemir, Chingiz Aytmatov, Asqad Muxtor, Sharof Rashidov, Erkin Vohidov va yana juda ko'plab tarixiy shaxslar haqida ham asarlar yaratgan.

Xususan "Ulug'bek faryodi" deb nomlangan she'rini quyidagi misralar bilan boshlaydi:

Ming la'nat sen nihol o'tqazgan vaqtga,

Ossalar gar o'zing ekkani daraxtga.

Ulug'bek nomidan yozilgan bu so'zlar nimaga ishora qilayotganini bilish qiyin emas. Nihol bu-farzand. Otalar farzandlarni keyinchalik meva tugsin, tomir yoysin, ko'kka ko'tarilsin deb o'stiradi, oxir-oqibat o'zlari ekkani daraxtga osishlari uchun emas. Bu so'zlar hukmdorning so'zlari emas, bu so'zlar baxtiqaro otaning yuragidan otilib chiqqan faryoddir. Abdulla Oripov Ulug'bekning dardini shunday qalamga oladiki, uni o'qigan har bir qalbi uyg'oq insonning bo'g'ziga nimadir tiqilishi aniq.

Abdulla Oripov qaysi tarixiy shaxs haqida qalam tebratmasin, o'sha inson his qilgan tuyg'ularini boshdan kechiradi, ularning shaxsiyatini ochishda xolislik bilan, obyektivlik bilan, betaraflik bilan yondashadi.

Xulosa qilib aytganda, Abdulla Oripovning tarix haqiqatini badiiy ifoda etishda faol shaxs ekanligini ko'ramiz. Uning asosan tarixiy shaxslarga bo'lgan hurmat-ehtiromi asarlaridagi ruhdan ko'rinib turadi. Shoir she'rlarida eng serjilo, ta'sirchan va lo'nda, ipakdek mayin, xanjardek keskir so'z va ma'no uyg'unligi mujassamdir. Bunday she'riyat esa aslo o'lmaydi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. To'rt jildlik. Birinchi jild. She'rlar va dostonlar. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti 2000.
2. Afoqova N. Abdulla Oripov lirikasida badiiy san'atlar: Fil.fan.nomzodi.diss. – Toshkent: 1997.-B142
3. Ashurova G. Abdulla Oripov ijodida an'ana va badiiy mahorat. (obraz, g'oya va tasvir) Fil.fan. nomzodi.diss.avtoref. - Toshkent: 2008,- B 26
4. Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. Toshkent.: Sharq 2019

## СЕКЦИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Munovarov Ne'matjon Choriyevich**  
**(Muborak, Uzbekistan)**

### НОСОВ НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ

Николай Николаевич Носов родился 10 (23 ноября) 1908 года в Киеве, в семье эстрадного артиста, который в зависимости от обстоятельств работал и железнодорожником. Детство его прошло в небольшом городке Ирпене, недалеко от Киева, где мальчик и начал учиться в гимназии.

Николай был вторым сыном в семье. Ещё в семье был старший брат Пётр и младшие брат и сестра. Маленький Николай любил бывать на выступлениях отца, смотреть концерты и спектакли. Родители даже думали, что мальчик тоже хочет стать актёром. В школьные годы он хотел стать музыкантом и долго мечтал, чтобы ему купили скрипку. После покупки скрипки Николай понял, что учиться музыке нелегко, и скрипка была заброшена. Детство и школьные годы Николая Носова пришлось на тяжелейший период в российской истории: Первую мировую и Гражданскую войну. Недостаток продуктов, отсутствие тепла и электричества холодной зимой, болезни были обычным явлением того времени. Вся его семья переболела тифом. К счастью, никто не умер. Николай вспоминал, что, когда он выздоровел (он болел дольше всех), его мать плакала от радости, потому что все остались живы. «Так я узнал, что плакать можно не только от горя» [6].

Носов с гимназических лет увлекался музыкой, театром, шахматами, фотографией, электротехникой и даже радиолюбительством. Чтобы прокормить семью, Николай с 14 лет был вынужден работать: был газетным торговцем, землекопом, косарём и т. п. После 1917 года гимназия была реорганизована в школу-семилетку. Закончив её в 1924 году, он работал чернорабочим на бетонном заводе в Ирпене, потом на частном кирпичном заводе в городе Буче.

После Гражданской войны Николай увлёкся химией. Вместе со школьным товарищем он организовал химическую лабораторию на чердаке своего дома, где друзья проводили разные опыты. Носов вспоминал: «По окончании школы я был уверен, что должен стать химиком и никем другим! Химия мне представлялась наукой из наук». Николай хотел поступить на химический факультет Киевского политехнического института, но не смог, так как он не закончил профшколу, дающую законченное среднее образование. Николай стал обучаться в вечерней профшколе, готовясь к поступлению в политехнический вуз. Одновременно с этим он пошёл работать на Ирпенский кирпичный завод. Но перед поступлением Николай вдруг передумал и в возрасте 19 лет поступил в Киевский художественный институт. Николай тогда серьёзно увлёкся фотографией, а затем – и кинематографом. Это и повлияло на его выбор.

В Москве Николай Носов жил на Новокузнецкой улице, дом 8 (1950-е годы); на Киевской улице, дом 20 (1960-е годы); на Красноармейской улице, дом 21 (1970-е годы) [7].



Умер в Москве 26 июля 1976 года. Похоронен на Кунцевском кладбище в Москве. Семья и личная жизнь[править | править код]

Николай Носов был женат дважды. Его первая жена Елена умерла, когда их сыну Петру было 15 лет. От второй жены Татьяны Фёдоровны Серединой<sup>[8]</sup> детей не было. Николай Носов посвятил ей «Приключения Незнайки и его друзей».

- Сын писателя Пётр Николаевич Носов (1931–2002) стал фотожурналистом, классиком отечественной жанровой и репортажной фотографии. Около 30 лет он проработал в Фотохронике ТАСС, где возглавлял творческую секцию<sup>[9]</sup>.

- Внук – Игорь Петрович Носов (р. 1962) – фотограф, писатель, автор «Новых приключений Коротышек».

- Правнуки – Иван Игоревич Носов (1989–2014), Анастасия Игоревна Носова, Пётр Игоревич Носов, Варвара Игоревна Носова [*источник не указан 55 дней*].

Некоторые воспоминания о своём детстве Носов использовал в книге «Тайна на дне колодца» (см. напр.: Н. Носов. Собрание сочинений в 4 томах, т. 4. М.: Детская литература, 1982 г.).

С 1938 года начинает писать детские рассказы, но профессиональным литератором становится только после Великой Отечественной войны. Первый рассказ Носова был опубликован в 1938 году, назывался он «Затейники». Потом были опубликованы другие рассказы: «Живая шляпа», «Огурцы», «Чудесные брюки», «Мишкина каша», «Огородники», «Фантазёры» и др. Печатались они в основном в журнале для детей «Мурзилка». Эти рассказы вошли в первый сборник Носова «Тук-тук-тук», 1945<sup>[10]</sup>. Через год издательство «Детгиз» выпустило следующий сборник рассказов Носова – «Ступеньки».

Сам Николай Николаевич говорил, что начал писать для детей совершенно случайно – сперва просто рассказывал сказки своему маленькому сынишке и его друзьям.

*«Постепенно я понял, что сочинять для детей – наилучшая работа, она требует очень много знаний, и не только литературных...»<sup>[10]</sup>*

Николай Николаевич интересовался психологией детей, считал, что «к детям нужно относиться с самым большим и очень тёплым уважением», наверное, поэтому его книги находили и находят такой большой отклик у детской аудитории<sup>[10]</sup>.

В 1947 году вышел сборник «Весёлые рассказы». Широкую популярность завоевали и повести для подростков «Весёлая семейка» (1949), «Дневник Коли Синицына» (1950), «Витя Малеев в школе и дома» (1951). В 1952 году Николай Носов получил Сталинскую премию третьей степени за написание повести «Витя Малеев в школе и дома». В 1954 году по этой повести был снят детский художественный фильм «Два друга».

В 1953 году был опубликован сборник рассказов «На горке», в 1956 году – «Прятки», в 1958 году – «Весёлые рассказы и повести».

Короткие, порой отчётливо сконструированные, всегда весьма детальные, эти истории призваны воспитывать в детях честность, чувство товарищества, отзывчивость,

любовь к труду и т. д.; в них осуждаются такие постыдные качества, как зависть, тщеславие, грубость [11].



Монета Банка России – Серия: «Выдающиеся личности России», 100-летие со дня рождения детского писателя Николая Николаевича Носова, серебро, 2 рубля, реверс.

Наиболее известны и любимы читателями сказочные произведения Николая Носова о Незнайке. Первое из них – сказка «Винтик, Шпунтик и пылесос». Потом была написана знаменитая трилогия, в которую вошли повести «Приключения Незнайки и его друзей» (1953–1954), «Незнайка в Солнечном городе» (1958) и «Незнайка на Луне» (1964–1965) [12].

Одним из первых иллюстраторов «Незнайки» был Алексей Лаптев (1905–1965) – художник, который подарил литературному герою хорошо знакомый всем образ. Не менее известным иллюстратором Носова был Генрих Вальк. Также книги Носова иллюстрировали художники: Иван Семёнов, Д. Бисти, Е. Афанасьева, Аминадав Каневский, Виталий Горяев, Герман Огородников и другие [12].

Николай Николаевич Носов писал не только для детей. В 1969 году выходит сборник сатирических рассказов «Иронические юморески», которые затрагивали вопросы современной литературы («О литмастерстве», «Поговорим о поэзии», «Трактат о комедии»), русский алфавит («А, Б, В...»), отношения учителя и ученика («Второй раз в первый класс»), социальные темы – мещанство («Ещё об одном, всем надоевшем вопросе»), взаимоотношения родителей и их детей («Нужно ли называть родителей предками и конями и о других подобных вопросах»), вредные привычки («Об употреблении спиртных напитков») и т. д. [13]

Автобиографические произведения писателя – это «Повесть о моём друге Игоре» (1971–1972), написанная в форме дневниковых записей из жизни дедушки и внука (1-я ч. – «Между годом и двумя», 2-я ч. – «От двух до двух с половиной лет» и т. д.) и художественно-мемуарная повесть «Тайна на дне колодца» (1977), вышедшая уже после смерти писателя; два её первоначальных варианта – «Повесть о детстве» и «Всё впереди» – изданы в 1976 году.

**ZOMINNING QADIMGI TARIXI XUSUSIDA BA'ZI MULOHAZALAR**

Tarix va madaniy meros millatning asosiy boyligi. Tarixni obyektivlik, xolislik tamoyillari asosida bilish yangitdan milliy davlat barpo etayotgan xalq uchun g'oyat zarur. Zamonamizning ilg'or millatlari o'z tarixini tanqidiy ko'z bilan mushohada qilish orqali o'z milliy mentalitetlarini shakllantirganlar. XXI- asrga rivojlanishning zamonaviy taraqqiyot yo'li bilan kirib kelgan, boy madaniyati va bebaho ma'naviyatiga ega bo'lgan o'zbek xalqi o'zining ming yilliklar qa'riga kirib borgan tarixiy o'tmishi bilan alohida o'rin tutadi. O'lkamiz hududlarida bo'lib o'tgan tarixiy-madaniy jarayonlar, ijtimoiy-iqtisodiy yuksalishlar, turli davrlarda xalq farovonligi va taraqqiyotini ko'zlab o'tkazilgan ko'plab islohotlar, shuningdek, yuksalish va inqiroz holatlari, chet el bosqinchilariga qarshi ozodlik kurashlari yurtimizning nihoyatda rang-barang tarixidan dalolat beradi.

Darhaqiqat, shaxs jamiyatda o'z o'рни va vazifalarini tushunib olishida, hayotiy mo'ljalarni o'zining maqsadi va ehtiyojlariga, imkoniyatlariga mos tarzda to'g'ri belgilashida ijtimoiy fanlar, xususan, tarix fani muhim o'rin tutadi [7:6]. Xalqimizning insoniyat sivilizatsiyasiga qo'shgan hissasiga, jahon xalqlari orasida tutgan o'rniga baho berishda, uni boy hayotiy va tarixiy tajribalaridan foydalanishda, oliyanob fazilatlarini va an'analarni o'rganish hamda boyitishda O'zbekiston tarixi beqiyos kata ahamiyatga ega.

Suning uchun ham bu tarix eng qadimgi davrdan boshlab ko'p ming yillar davomida ajdodlarimiz va xalqimiz tarixi sifatida nafaqat o'zbekistonluik, balki xorij olimlari tomonidan ham tan olib o'rganildi, tadqiq etildi va ayni paytda ham shu yo'nalishdagi ilmiy tadqiqotlar izchillik bilan davom etmoqda [8:25].

Bizga ma'lumki, buyuk foh Aleksandr Makadonskiy vafotidan so'ng u tuzgan davlat parchalanib ketdi. Mil. avv. 312 yilda Salavka Suriyadan Sirdaryogacha bo'lgan hududlarda o'z davlati- Salavkiylar podsholigiga asos soldi. Bu davlat tarkibida Ustrushonaning tarkibiy qismi sifatida biz ushbu maqolamizda ko'rib chiqmoqchi bo'lgan Zomin ham bor edi. Davalat asoschisi Salavka va Antiox I davrlarida mamalakatning shimoli sharq tomonidan xavf solayotgan ko'chmanchilarga qarshi kurashlar natijasida Sirdaryo bo'ylarida Antioxiya shahri bunyod etildi.

Bir-birlari bilan o'zaro ichki kurashlar natijasida Salavkiylar davlati mil. avv. III- asrning o'rtalarida zavo'lga yuz tutib, uning takibidan birin- ketin mustaqil davlatlar ajralib chiqq boshladi. Ana shunday davlatlardan biri mil avv. 250 yilda Baqrtiya hokimi Diodot boshchiligida tashkil topgan Yunon-Baqrtiya davlati edi. Shuningdek, bu davrda Salavkiylar davlatidan hozirgi Eron hududida Arshak boshchiligida Parfiya davlati ham mustaqillikka erishdi. Qolaversa bu holat sak qabilalarini birlashib, Sirdaryoning o'rta havzalarida o'zlarining Qang' davatiga asos solishiga imkon hozirladi va ular buni amalga oshirdilar ham.

Milodiy IV asrgacha mavjud bo'lgan, ikkita qishgi va yozgi qarorgohlarga ega bo'lgan Qang' davlati sharqda Farg'ona (Davan), shimoli sharqda Usun davlatlari, shimoli g'arbda Sarisu, g'arbda Sirdaryoning quyi oqimi bilan chegaradosh bo'lgan [3:34-35]. Bu davlat

tarkibida Iskandariya Esxata, Dizak (G'azo) [4:43] bilan bir qatorda Zomin hududlari ham bo'lgan.

Shunday qilib, Qang' davlati mavjud bo'lgan asrlarda Zomin hududi o'troq aholi va ko'chmanchi chorvadorlar makoni bo'lib, o'troq aholi asosan yirik suv manbai bo'lmish Zominusvning atrofida hayot kechirgan. Chunonchi, Zominsoy manbaining chap tomonida joylashgan Qo'rg'ontepada mil.avv. II-I- asrlarda ham hayot bo'lganligi isbotlandi [3:71]. Ko'chmanchi chorvadorlar esa tog' va tog' oldi joylarda tirikchilik qilishgan. Bu haqida yunon tarixchilarining asarlarida ham ma'lumotlar uchraydi. Bu haqida yirik tarixchi olim Karim Shoniyozov, "Ptolemey asarida shunday deydi: "Sug'd tog'ining orqasida oksidranklar, dribaktlar va qandarlar, tog' etagida esa mardienlar yashaydilar". Bu yerda "Sug'd tog'lari" deb Amu va Sirdaryo oralig'idagi (Zarafshon, Turkiston, Nurota, Morguzar) tog'lari nazarda tutilmoqda va yuqorida nomlari keltirilgan qabilalar Turkiston, Molguzar tog'laridan Sirdaryo bo'ylarigacha bo'lgan cho'llarda joylashgan" [4:68].

Ma'lumki, mil. avv. II asrning oxirida Xun xoqonligi hujumlariga uchragan tarixda yuehji nomi bilan tanilgan turkiy qabilalar Sug'diyona orqali Baqtriyaga o'tib, u yerdagi Yunon Baqtriya davlatini qulatadi va Kushon podshohligiga asos soladi. Keyingi asrlarda Qang' davlatining asosiy eng yirik viloyatlaridan bo'lmish Shi (Chirchiq daryo vodiysi)ning janubi g'arbida joylashgan Suyduyshani (Ustrushona) viloyati tarkibidagi Zomin hududlariga ham o'z tasirini o'tkazdi [5:51]. Ayniqsa bu jarayon milodiy I-II- asrlarda kuchaydi. Jumladan, milodiy 25- 265-yillarda Sug'diyona Kushon davlati tarkibiga qo'shib olinadi va shu vaqtdan boshlab Kan (Sug'diyona, yanada aniqrog'i Samarqand va uning atrofidagi yerlar), Mimo (Kan viloyati, ya'ni Samarqandning janubida joylashgan bo'lib, arab-fors manbalarida Maymurg' nomi bilan mashhur) hokimlari Kushaniyada asosiy ro'l o'ynagan yuehji qabilasiga mansub kishilardan (hukmron xonadon kishilaridan) tayinlana boshlanadi [5:53]. Ular esa umumiy Kushon davlatining Qang' davlatiga nisbatan munosabatiga qarab o'ziga chegaradosh viloyatlar bilan munosabat olib bordi. Chunonchi, Mimo viloyati shimoli sharqda Ustrushani (Xo'jand bilan Jizzax orasidagi viloyat, uning tarkibida Zomin hududlari ham bo'lgan) bilan chegaradosh edi [5:56].

Markaziy Osiyo tarixida muhim ro'l o'ynagan, asosiy markazi hozirgi Surxondaryo viloyati Termiz atrofida bo'lgan bu davlat O'rta Osiyoda milodiy IV- asrgacha hukm surdi [6:6].

Tarixiy dalillarga murojaat qiladigan bo'lsak, IV-asr o'rtalarida O'rta Osiyoga Yettisuv va Sharqiy Turkistondan ko'chmanchi chorvador xion nomli turkiy qabilalar kirib kela boshlaydi. Ular o'z hukmdori Grumbat boshchiligida Sug'diyona, Ustrushona hududlarini egallaydi va shu asrning 70-yillarida Sirdaryodan Amudaryogacha bo'lgan hududlarda o'z davlatiga asos soladi. Bu davrda Ustrushona, shu jumladan uning tarkibidagi Zomin hududiga ko'chmanchi turkiy qabilalar sezilarli ta'sir etgan holda, ko'pchiligi vohada yashab qoladi.

Keyingi V-asrning o'rtalarida tarixda eftaliylar nomi bilan mashhur Vaxshunvar ismli shoh boshchilik qilgan yana bir turkiy qabilalar Sirdaryodan o'tib, bir qancha hududlarni, shu jumladan Ustrushonani egallab, bu yerda mavjud bo'lgan Xioniyalar davlatiga barham beradi. Ular o'z davlatlarini tuzub, chorvachilik, o'troq aholi bilan qorishib, dehqonchilik, hunarmanchilik va boshqa yumushlar bilan mashg'ul bo'ladilar.

Xoqon Bumin tomonidan VI- asrning o'rtalarida (552 yil) Janubiy Sibir va Oltoy hududida asos solingan Turk xoqonligi kuchayib, eftaliylarga qarshi yurish boshlaydi va 563-

yildagi Parak (Chirchiq) daryosi bo'yida bo'lgan hal qiluvchi jangda g'alaba qozonadi. Butun Choch vohasini egallagan Turk xoqonligining Istami boshchiligidagi qo'shini, Ustrushonaning katta – kichik shaharlarini birin–ketin egallaydi. Shundan so'ng ular Samarqand, Naxshab, Kesh, Buxoro kabi yirik shaharlarni ham qo'lga kiritib, eftaliylarning hukmronligiga chek qo'yadi.

Janubi Sibir, Yettisuv, Sharqiy Turkiston va Movarounnahr hududlaridan iborat bo'lgan Turk xoqonligi ma'lum sabablarga ko'ra VI-asrning 80-yillariga kelib ikkiga: Sharqiy va G'arbiy xoqonlikka bo'linib ketadi. Tarkibida Zomin hududlari bo'lgan Ustrushona G'arbiy Turk xoqonligi tarkibiga kiradi va xoqonlikning hukmronligi O'rta Osiyoga arablarning hujumlarigacha davom etadi.

Umuman xioniylar, eftaliylar va Turk xoqonligi davrida hukmdor shaxslar mahalliy hokimliklarning ichki ishlariga aralashmadilar, aksincha ularning siyosiy va iqtisodiy boshqaruvini o'zlariga topshirdilar va faqat soliqlar olish bilan cheklandilar xolos. Oqibatda arablar bosqinigacha bo'lgan vaqtda Movarounnahr hududida 15 dan ortiq, ichki va tashqi siyosatda deyarli mustaqil ish yuritadigan hokimliklar tashkil topdi. Ana shunday yirik mahalliy hokimliklardan biri Xitoy manbalarida IV-V- asrlarda mustaqil hokimlik deb tilga olingan Ustrushona muzofoti bo'lib, uning tarkibida bugungi Zomin hududlari ham bor edi.

Tarixiy manbalarda turlicha, Surushana, Shurushana, Asrushana, Osrushana kabi nomlar bilan tilga olingan Ustrushona g'arbda Samarqand, shimolda Shosh, Janubda Kesh, sharqda esa Farg'ona bilan chegaradosh bo'lgan. Arab muarrixlarining ma'lumot berishicha, Ustrushona 18 ta: Bunjikat, Zomin, Savat, Xovas, Shovkat, Fankat, Harakana, Mink, Asbanikat, Biskar, Bankar, Vakir, Shagar, Maschog, Buttam, Burnakan kabi rustoqqa bo'linib idora qilingan. Ana shunday tekislik rustoqlaridan eng yiriklaridan biri Zomin rustoqi bo'lgan. Shaharni, yana o'sha davrda Sarsanda, Susanda, Sabza deb ham atashgan, shaharda o'sha davrda ko'plab sayyohlar va savdogarlar to'xtashgan. Ular asosan, Sug'd va Farg'onaga turli xil tovarlar olib o'tishgan. Bu vaqtlarda Zominda oqarsuvning seroblighi natijasida bog', uzumzor, bug'doyzor va chorva mollari serob bo'lgan. Yer haydab, erkin ekish bo'yicha Zomin Ustrushona davlatida yetakchi o'rinni egallagan [7:53].

Ustrushona hokimiyati bu yillarda deyarli mustaqil bo'lib, u yerda 600 – 720 yillarda quyidagi mahalliy podshohlar hukmronlik qiladi:

Chirdmish Satachari III

Satachari I Raxanch II

Raxanch I Raxanch III [7:53]

Satachari II

VII asrning 30-yillarida tashkil topgan Arab xalifaligi keyingi yillarda atrofidagi Eron, Iroq, Misr, Suriya kabi hududlardagi boshboshdoqliklardan foydalanib mazkur davlatlarni bosib oladi. 651- yilda arablar Xurosoning markazi Marv shahrini ham qo'lga kiritib, Movarounnahrda ilk marotaba asosan boylik maqsadida o'z yurishlarini amalga oshira boshlaydi. Arablarning bunday talonchilik maqsadida amalga oshirilgan yurishlariga qarshi kurashda mahalliy hokimlarning o'zaro birlasha olmasliklari oqibatida bir necha yillar davomida mahalliy aholi talanib, bosqinchilar juda ko'plab o'ljalari bilan ortga qaytadilar.

Arablarning Movarounnahrda asosiy yurishlari 704-yili Qutayba Ibn Muslimning Xurosonga noib etib tayinlanishidan boshlanadi. U 705-yilda Balxni, 707-yilda ellik kunlik

qamaldan so'ng Poykandni, 710-yilda Kesh va Naxshabni, 712-yilda Sug'd(Samarqand)ni egallab, 713 yilda Ustushona hududlariga bostirib kiradi. Shunday qilib ular Ustrushonaning yirik rustoqlaridan biri Zominni ham egallaydi. Shu tariqa Ustrushona tarkibidagi Zomin hududlarida ham arablar hukmronligi o'rnatiladi.

Arablar butun Movarounnahrda bo'lgani kabi Zominda ham mahalliy xalqqa Islom dinini singdirishga harakat qiladilar. Yerli xalq dini bo'lgan zardushtiylik ta'qiqlab qo'yiladi, otashparastlar sig'inadigan joylar va tosh sanamlar yo'q qilinadi. Islom dinini qabul qilganlarga imtiyozlar ham yaratib beriladi.

Arablar davrida Ustrushonada mahalliy hokimlik tizimi saqlanib qolgan bo'lib, Afshinlar hukmronligi davom etdi:

Harabugra 720 -738 yillar

Xanahara 738- 800 yillar

Kavus 800 – 825 yillar

Haydar (al – Afshin) 825 -840 yillar

Xasan 840 – 869 yillar

Abdallax 860 -880 yillar

Sayr 880 – 893 yillar [7:54].

Sulola vakillaridan ayrimlari butun xalifalik bo'yicha ulkan obro'ga erishadilar. Ana shunday afshinlardan biri Haydar ibn Kovusdir. U Mamun (813-833) davrida poytaxt Bog'dodga taklif etiladi. Unga katta iltifotlar qilinib, lashkarboshilik darajasi berildi.

Shu tariqa Haydar uchun shuhrat va qayg'uga to'la yillar boshlanadi. Bu vaqtda Ustrushonada uning o'g'li Hasan noib –hokim etib tayinlangan edi. Haydar ibn Kovus 831-yilda Vizantiya imperatori Feofil bilan bo'layotgan urushda hamda Misrdagi qo'zg'olonlarni bostrishda eng nufuzli lashkarboshilardan biri sifatida qatnashadi.

Bu vaqtda xalifalik tarkibida bo'lgan Ozarboyjonda Bobek boshchiligida qo'zg'olon ko'tarilgan edi. Qo'zg'olonning kuchayishi natijasida xalifa Muta'sim (833–842) Vizantiya bilan yarash bitimi tuzib, o'z kuchlarini qo'zg'olonn bostrishga tashlaydi. Arab qo'shiniga xalifaning eng yirik qo'mondoni Ustrushona hokimi Haydar ibn Kovus sarkarda etib tayinlanadi. Haydar ibn Kovus 835-838- yillarda Bobek boshchiligida qo'zg'olon ko'targan Xuramiylar harakatini bostiradi. Bu g'alaba Haydar Ibn Kovusning o'z davrida Islom dunyosida xalifa Muta'simdan keyingi ikkinchi shaxsga aylanishiga olib keladi. Lekin xalifa saroyida uning shuhratiga hasad bilan qarovchilar tomonidan fitna uyushtirilib, "xalifalika qarshi kayfiyat yuritganlik, otashparastlik dinini saqlab qolish niyatida Islom dinnini yolg'ondakam qabul qilganlikda ayblanib hibsga olinadi.

Bosib olingan hududlarda sodir bo'layotgan doimiy qo'zg'olonlar, toju taxt uchun tez-tez yuz beradigan kurashlar natijasida xalifalik zaiflashadi, natijada uning tarkibidan 822-yilda Xurosonda hirotlik yirik zamindor Tohir inb Husayn boshchiligida Tohiriylar davlati ajralib chiqadi. Zomin ham Ustrushonaning takibiy qismi sifatida to Somoniylar davlati tashkil topgunga qadar bu davlat tarkibida bo'ldi.

O'sh paytda Ustrushona tarkibida bo'lgan Zomin vohasidagi ijtimoiy-iqtisodiy hayot manzillari haqida yozma manbalar bilan bir qatorda arxeologik ma'lumotlar ham bizga xabar beradi, ularning o'rganilishi va joylashuvi haqida respublikamizda keyingi yillarda salmoqli ishlar qilindi.

Xulosa qilib aytganda, istiqloql yillarida qadimiy Ustrushona hukmdorligining o'tmish tarixini moddiy madaniyat asosida o'rganib ommalashtirishda A.A. Gritsina, M. Ishoqov, M.H. Pardayev, A. Berdimurodov, F.E. Toshboyev, T.O. Omonjulov, S.S. Qudratov, B.B. To'ychiboyev, T.U. Salimov, A. Otaxo'jayev, G'. Boboyorov, B. G'oyibov kabi tadqiqotchi olimlarimizning u yoki bu darajada salmoqli hissasi bor. Ular orasida ayniqsa Yu.F. Buryakov, A.A. Gritsina, M. Pardayev, F. Toshboyevlarning arxeologik izlanishlari ancha keng va izchilligi bilan ajralib turadi.

Qadim va ilk o'rta asrlar Ustrushona tarixining bilimdoni, arxeolog A.A.Grisinaning o'nlab tadqiqotlari vohadagi davlatchilik tarixiga qaratilgan. Voha tarixini arxeologik qazishmalarda qo'lga kiritilgan moddiy buyumlar, numizmatik materiallar va yozma manbalar asosida o'rganib kelayotgan tadqiqotchi Islomdan oldingi davrda Ustrushona hukmdorlari, Afshinlar sulolasining kelib chiqishi masalalari bo'yicha o'z qarashlarini bildirgan. U rahbarlik qilgan arxeologik guruh Zominda Azlartepa, Qo'shtepa, Oqteta, Qo'rg'ontepa, Xitoytepa va Jartepada qazishlar olib bordi. 1995-yilgacha ular tomonidan Pishag'orsoy havzasida o'rta asrlarga oid 31ta zich joylashgan yodgorliklar aniqlandi. Ustrushonaning poytaxti Bunjikat va yirik qal'a Zominda turli davrlarda pul zarb qilingani va maxsus qurilgan zarbxonalar bo'lishi hududning siyosiy-iqtisodiy salohiyatini ko'rsatadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Shoniyozov K. Qang davlati. T.: "Fan", 1990.
2. Xaydarov H., Usmonov Q. Jizzax tarixi. T.: "O'qituvchi", 2009..
3. Suyunov S. Shimoliy –g'arbiy Ustrushonaning sug'orish tarixi. T.f.n. ilmiy darajasi uchun tayyorlangan diss. Samarqand. 1999.
4. Shoniyozov K. Qang davlati. T.: "Fan", 1990.
5. Pidayev Sh. Sirli kushonlar saltanati. T.: "Fan", 1990.
6. Грицина А. А. Уструшанские били. Т.: 2000. b.
7. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси.-Т.,1996.
8. Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов. Ўзбекистон тарихи. 1-жилд. Т.: "Янги аср авлоди", 2014.

**Xolbo'tayeva Dilfuza Usmon qizi**  
**(Samarqand, O'zbekiston)**

## **QADIMGI SO'G'D HUDUDIDA OLIB BORILGAN ARXEOLGIK IZLANISHLAR XUSUSIDA**

Markaziy Osiyoning eng qadimiy, mahalliy aholisi vakillaridan bo'lgan sug'diylar O'rta Osiyo ikki daryosi oralig'ida vujudga kelgan ko'hna sivilizatsiyalar tarixiga to'g'ridan-to'g'ri daxldor va uning ijodkorlaridan biridir.

Zardushtiylikning muqaddas kitobi Avestoning Videvdat bo'limida, Eron ahamoniylari tarixiga tegishli Behistun qoyatosh yozuvlarida Sug'd va sug'diylar haqida ma'lumotlar qayd etilgan. Sug'diylarning Buyuk Ipak yo'li bilan bog'liq faoliyati tufayli Kaspiy dengizi va Tinch okeani oralig'ida sodir bo'lgan siyosiy, iqtisodiy, madaniy o'zgarish, yangilanish, o'zaro hamkorlik munosabatlari kabi tarixiy jarayonlarda Sug'd va sug'diylarning ishtiroki va amaliy sa'y-harakatlari, albatta katta bo'lgan. Sug'diylarning bu faoliyati nafaqat o'zlarining tarixiy vatanlari Sug'd mamlakatida yashab turgan holatda, nafaqat O'rta Osiyoning ikki daryosi oralig'i o'ramidagi o'lkalarda, balki Buyuk Ipak yo'lining G'arb bilan Sharqni tutashtirgan ko'plab yo'nalishlari, tarmoqlari, shahobchalari doirasida amalga oshirilgan. Shu sababli, uzoq Hindistondan, yiroq Xitoy, Koreya, V'etnamgacha bo'lgan o'lkalarda sug'diylarga tegishli moddiy madaniyat namunalari, xususan, qabr-mozorqo'rg'onlari, yozma yodgorliklari, chizma tasvirlari singari noyob topilmalar qayd etilgan.

Qadimgi So'g'd hududida katta-kichik shaharlar, qo'rg'onlar ko'p bo'lgan. Ularning har birining o'z husn-tarovati, go'zalligi, jozibasiga bo'lgan. Ular orasida eng qadimiysi Samarqand shahri bo'lib, bu shaharning nomi tilga olinganda ko'z o'ngimizda doimo uning o'tmishi, buguni va kelajagini ifodalaydigan osori-atiqalari namoyon bo'ladi. Tarixchilarning fikricha, Samarqand shahar sifatida juda erta mashhur bo'lgan. Bunga sabab, avvalo uning sahovatli tabiati, dunyoning to'rt tarafini bog'lab turgan savdo yo'llari kesishgan chorrahada joylashganligi, aholisining tadbirkorligi, hunarmandchilik va savdoda tengi yo'qligi va afsonalarga aylanib ketgan boyligi bo'lgan.

Boy tarixi, betakror ma'naviyati va ma'rifati, madaniyati bilan dunyo ahli diqqatini o'ziga tortgan Samarqand – jahonning eng qadimiy shaharlarining oldingi qatorlaridadir. Olimlar uni qadimda Rim, Vavilon, Afina va dunyoning boshqa shu kabi ko'hna shaharlari bilan teng yoshda, deb hisoblaydilar. Yevropa sivil- zatsiyasining shakllanishida Rim qanday rol o'ynagan bo'lsa, Markaziy Osiyo tamaddunida, ma'naviyat va ma'rifat tarixida Samarqand shunday yuksak o'rin tutadi. Shu bois o'rta asrlardan Sharqda ommalashib ketgan maqollardan birida "G'arbda Rim, Sharqda Samarqand" deyiladi. Samarqand va Rim insoniyat taqdiridagi buyuk xizmatlarini nazarda tutib "Boqiy shaharlar" nomini olganlar. Xalq iborasi "Samarqand sayqali ro'yi zamin ast" (Samarqand Yer yuzining sayqali) behuda aytilmagan [1].

"Samarqand" so'zining kelib chiqishi to'g'risida bir qancha taxmin va gipotezalar mavjud. Haqiqatga yaqinrog'i esa Marokanda - Samarqandning yunoncha nomi. Aslida Samarqandning qadimiy nomi So'g'd yozma manbalarida "Smarakansa" (Smarakansa) bo'lib, uni yunon tarixchilari Marokanda deb yunonchaga ag'darib olganlar. Samarqandning Marokanda nomi XVII asrdan so'ng Yevropa tarixchilarining asarlari orqali kirib kelgan. Yunon mualliflari Arrian, Strabon va Kvint Kursiy Rufflarning ma'lumotlariga ko'ra, miloddan avvalgi



329 yilda Aleksandr Makedonskiy qo'shinlari Hindikushdan oshib o'tib, Marokandani zabt etib, vayron qilgan.

Kvint Kursiy Ruf jumladan, bunday yozadi: "Tog'li qabiladan shikast egan Iskandar to'rtinchi kuni Marokand (Samarqand) shahriga etdi. Shahar devori etmish stadiy uzunlikda bo'lib, Shahriston (ichki qal'a) boshqa devor bilan o'ralgan edi. U shahar mudofaasi uchun ming nafar jangchini qoldirib, atrof-tevarakdagi qishloqlarga hujum qildi: ularni taladi va yondirdi. So'ng u Tanais daryosi sari yurdi va to'rt kun o'tib Marokandga qaytdi... U go'zal shahar bo'lib, atrofdan aylanib oqadigan daryo tufayli yaxshi muhofaza etilgan edi..." Diadorning yozishicha, Iskandar 120 ming so'g'diyonalikni qatl etgan. Bu yerda behisob boylik to'plab, yurtiga jo'natib turgan. Masalan, bir galgi talangan boylikni yuklash uchun o'n ming juft qo'tos va uch ming tuya kerak bo'lgan. So'g'diylar ibodatxonasidan bir olishda 50 ming talant tillani qo'lga kiritgan...

Marokanda mil.avv. VIII asrdan to milodning IX asrigacha so'g'diycha Smarakansa, so'ng forsiycha Samarqand, IX asrdan turkiycha Semizkent nomi bilan manbalarda uchraydi. Keyinroq Samarqand nomi shaharning mutloq nomiga aylandi. Uning Afrosiyob nomi esa shaharning qadimiy Qal'ai Hisor – Ko'hna qal'a qismiga nisbatan XVII asrdan boshlab mahalliy aholi tomonidan ishlatila boshlangan.

Samarqandni arxeologik jihatdan o'rganish ishlari XIX-asrning oxirlarida boshlangan. 1895-yilda sharqshunos olim V.V.Bartoldning tashabbusi bilan tuzilgan "Turkiston arxeologiya havaskorlari to'garagi" a'zolari Samarqanddagi Afrosiyobni ko'p asrlar xazinasi deb qarab, unda keng ko'lamdagi arxeologik qazilma ishlarini olib bordilar. V.L. Vyatkin, N.I. Veselovskiylar o'tkazgan arxeologik qazilmalar natijasida turli holdagi qadimiy buyumlar topilib, muzeyga berildi. 1908-yilda V.L. Vyatkin Samarqand chekkasida joylashgan Ulug'bek rasadxonasining o'rnini aniqladi va qazish ishlarini o'tkazdi. Natijada rasadxona xarobasi hamda uning er ostidagi butun qolgan qismi qazib ochildi [2].

Ikkinchi jahon urushidan keyin O'zbekiston FA ning Tarix va arxeologiya instituti olimlaridan A.I. Teryonjkin tomonidan Afrosiyobda jiddiy dala tadqiqotlari o'tkazildi. Natijada uning eng pastki qatlamidan miloddan avvalgi VI-V asrlarga taalluqli buyumlar, uy-joy xarobalari topildi. V.A.Shishkin va Ya.G'. Gulomovlar rahbarligida olib borilgan keng ko'lamli arxeologik qazishlar natijasida qadimiy madaniy qatlam materiallari Afrosiyobning boshqa joylaridan ham topildi. 1966-yil 13-iyulda Afrosiyobni arxeologik jihatdan kompleks o'rganishni tashkil etish maqsadida Respublika hukumatining maxsus qarori qabul qilindi. Unga ko'ra, Afrosiyob "arxeologik qo'riqxonasi" deb e'lon qilinib, uni o'rganish ishiga Toshkent (hozirgi O'ZMU) va Samarqand davlat universitetlari hamda San'atshunoslik instituti ham safarbar etildi. Aniq ilmiy rejalar asosida boshlangan arxeologik tadqiqotlar tufayli nafaqat shaharning ko'p asrlik yoshi, balki uning turli davrlardagi tarixiy topografiyasi, shahar tarkibi, shahar hayotining rivojlanish bosqichlari, bosqinlar tufayli yuz bergan bo'ronlar davri aniqlandi. Samarqand ixshidlarining shohona saroyi ochildi.

1970- yilda Samarqandda O'zbekiston FAning mustaqil Arxeologiya instituti tashkil etildi. Arxeologik qazishmalar natijasida Samarqandning yoshi aniqlandi va 1970- yilda shaharning 2500- yillik yubileyi keng nishonlandi.

Mustaqillik yillarida Afrosiyobdagi eng quyi madaniy qatlamlarni o'rganish jarayonida yer sathidan 10-15 m. chuqurlikda mil. avv. IX-VII asr o'rtalariga oid ashyolar topildi. Bular

qo'lda yasab rangli naqsh berilgan sopol idishlarning parchalari, 7 metr qalinlikdagi guvaladan tiklangan mudofaa devori qoldiqlari edi. Arxeologik qazish va ilmiy tadqiqot ishlarining samaradorligini oshirish maqsadida fransiyalik akademik, sharqshunos arxeologlar Pol Bernar va Frans Grene, o'zbek arxeolog olimlaridan professor M. Isomiddinov, A. Anorboyev va tadqiqotchi A. Otaxo'jaevlar bu savobli ishga hamkorlik qildilar. Topilgan ushbu namunalar Fransiyada radiokarbon tadqiqot usulida o'rganildi va ular miloddan avvalgi VIII- asrga, ya'ni 2750 yoshga taalluqliligi isbotlandi [3].

Endi e'tiborimizni Qashqadaryo vohasiga qaratamiz. Voha uzoq o'tmishga ega. Arxeologlar tomonidan olib borilgan izlanishlar natijasida bu yerdan tosh davriga oid makonlar topilgan. XX-asrning 50-yillaridayoq vohada qadimgi odamlar yashaganligi V. Lev va S.K. Kabanov tomonidan taxmin etilgan edi. 2001-2004-yillarda professor R.H. Sulaymonov boshchiligidagi O'zMU arxeologiya kafedrası va Kolorado Universiteti Antropologiya Departamenti (AQSh) a'zolari tomonidan Kitob tumani tog'li va tog' oldi hududlaridagi kuzatuv ishlari jarayonida paleolit davrining muste bosqichiga taalluqli Oyoqchisoy vohasida joylashgan Angillak, Quruqsoy vohasida joylashgan Qorakamar g'orlari va ibtidoiy surat aks etgan Siypantosh yodgorligi topildi. Angillak va Qorakamar g'orlaridagi qazuv ishlarida topilgan tosh qurollarining ishlov berish texnologiyasi qo'shni Samarqand viloyatida joylashgan Omonqo'tondagi tosh qurollariga o'xshash hamda olimlarning fikriga ko'ra xom ashyo ham o'sha yerdan olib kelingan bo'lishi mumkin.

Mezolit va bronza davrlari oralig'ida chizilgan Siypantoshdagi suratlar asosan markazda buqa tasviri va turli geometrik shakllardan iborat.

So'nggi eneolit va bronza davriga oid yodgorliklar asosan Poykent majmuasi (Buxoro bilan chegradosh hududlarda, Qashqadaryoning qurib qolgan o'zanlarida XX-asrning 60-yillarida Ya.G'ulomov rahbarligidagi Mohandaryo arxeologik ekspeditsiyasi tomonidan topilgan) va To'rtko'ltepa (Yuqori Qashqadaryo, M.Isomiddinov) topib o'rganilgan.

Ilk temir davrida urbanizatsiya jarayoni kuchayib, So'g'dning janubiy qismi hisoblangan Qashqadaryo vohasida ham ilk shaharsozlik madaniyati vujudga keladi. Buni Podayotoqtepa, Sangirtepa, Uzunqir va Yerqo'rg'on misolida ko'rish mumkin. Podayotoqtepa, Sangirtepa va Uzunqir yodgorliklari XX asrning 80-yillaridan boshlab hozirgi O'zMU arxeologiya kafedrası bazasida tashkil etilgan Kesh arxeologik-topografik ekspeditsiyasining A.Sagdullayev boshchiligidagi otryad tomonidan o'rganila boshlangan.

XX-asrning 20-yillaridan turli tadqiqotchilar nazariga tusha boshlagan Yerqo'rg'on yodgorligida tadqiqot ishlari asosan Ikkinchi jahon urushidan keyingi yillarda S.K. Kabanov va M.Y. Massonlar tomonidan olib borilgan bo'lsa, 1973 yildan O'zR FA Arxeologiya institutining R.H. Sulaymonov rahbarligi ostida tuzilgan Qashqadaryo ekspeditsiyasi tomonidan deyarli 30 yil davomida o'rganildi. Natijada vohada shaharsozlik madaniyati bundan 2700 yil avval paydo bo'lganligi aniqlandi [4].

Buxoro – butun Sharqning ma'naviy va diniy markazi sifatida ming yillardan buyon dunyoga mashhur qadimiy shaharlardan biridir. O'tmishda savdo-sotiq va madaniy markaz sifatida Turon-Turkistonda Balx, Hirot, Marv (Mari), Samarqand, Termiz, Nasaf (Qarshi), Choch-Shosh (Toshkent) va Xorazm-Xiva va Urganch kabi shaharlar orasida o'z o'rniga ega.

Ilk o'rta asrlar Xitoy manbalarida Buxoro turlicha (An, Ansi, Ango, Buxo, Buku, Buxe, Buxaer, Buxuaer, Buxala, Buxuala, Fuxo, Puxuala va b.) atalgan. Bu atamalarning avvalgi

uchtasi Buxoroning xitoycha nomlari bo'lib, qolgani "Buxoro" so'zining xitoy tilidagi talaffuzidir. O'rta asr arab manbalarida esa Buxoro Numijkat, Navmichkat, Bumichkat (Yangi qo'rg'on), al-Madina as-sufriyya (Mis shahar), Madinat at-tujjor (Savdogarlar shahri), Foxira (Faxrli shahar), kabi nomlar bilan tilga olingan. Buxoro atamasi sanskritcha "vixara" so'zining turkmo'g'ulcha shakli – "buxor" ("ibodatxona") dan kelib chiqqan deb taxmin qilinadi. Keyingi tadqiqotlar natijalariga ko'ra bu atama so'g'diycha "bug" yoki "bag" ("tangri") hamda oro ("jamol") so'zlaridan iborat bo'lib, "tangri jamoli" degan ma'noni bildiradi, degan fikr ilgari surilmoqda. O'rta asrlarda Buxoro Movarounnahrda yirik savdo, hunarmandchilik va ma'muriy markazlaridan bo'lgan. Aynan shu shahardan Yaqin va O'rta Sharqni Hindiston va Xitoy bilan bog'lovchi xalqaro karvon yo'li o'tgan [5].

Zero, O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A. Karimov e'tirof etganidek: "Bizning qadimiy va go'zal diyorimiz nafaqat Sharq, balki jahon sivilizatsiyasi beshiklaridan biri bo'lganini xalqaro jamoatchilik tan olmoqda va e'tirof etmoqda...

Bu ko'hna tuproqda milodgacha bo'lgan davrda va undan keyin qurilgan murakkab suv inshootlari, hali-hanuz o'zining ko'rku tarovatini saqlab kelayotgan osori atiqalarimiz qadim-qadimdan o'lkamizda dehqonchilik va hunarmandchilik madaniyati, me'morchilik va shaharsozlik san'ati yuksak darajada rivojlanganidan dalolat beradi" [6:30].

Buxoro vohasini arxeologik jihatdan o'rganish XX asrning 30-yillaridan boshlagan. Uni turli yillarda yirik arxeolog olimlar o'rganishgan: Ya.G'. Gulomov, A.R. Muhammadjonov, V.A. Shishkin, V.A. Nilsen, A.A. Asqarov, O'.Islamov, M.R. Qosimov, M.Bulatova, X.Muhammedov, R.H. Suleymanov, I.Axorov, T.Mirsoatov, O.V. Obelchenko, S.K. Kabanov, G.V. Shishkina, J.K. Mirzaahmedov, N.B. Nemseva, Sh.Odilov [7] va boshqalar. Buxoro va uning atrofida olib borilgan ko'p yillik arxeologik tadqiqotlar natijasida vohaning qadimgi tosh, bronza davriga odi yodgorliklar tadqiq etilib, bu erda yashagan aholining o'troqlashishi, chorvachilik va dehqonchilik xo'jaligining tarkib topishi, katta va kichik shaharlarning paydo bo'lishi, shuningdek Zarafshon daryosining quyi oqimida shaharsozlik va davlatchilik tarixi bilan bog'liq urbanizatsiya jarayonining rivojlanishiga doir ko'plab ma'lumotlar to'plandi.

Buxoro vohasida mil. avv. birinchi ming yillikda sun'iy sug'orish tarmoqlari va mustahkamlangan qishloq manzilgohlari vujudga kela boshlagan. Zarafshon daryosining qadimgi tarmog'i – Shohrud bo'ylaridagi dastlabki qishloqlarning, jumladan hozirgi Buxoro o'rnida bo'lgan qishloqning barpo bo'lishi aynan shu davrga to'g'ri keladi.

XX- asrning 70-yillarida Buxoroning eski shahar qismida olib borilgan arxeologik qazishmalar natijasida shaharni arxeologik jihatdan o'rganish tarixida birinchi marta materik qatlama qadar yetib borishga va madaniy qatlamlanish chuqurligi 20 m dan ortiq ekanligini aniqlashga muvaffaq bo'lindi. Mir Arab madrasasi yaqinida olib borilgan qazuv ishlari jarayonida materik qatlam ustida to'q jigarrang torf qatlami (40-70 sm) borligi, uning ichida esa yovvoyi va xonaki hayvonlar suyaklari qoldiqlari hamda sopol idish va buyumlar parchalari ko'p ekanligi aniq bo'ldi. Torf qatlami madrasa tomon tobora qalinlashib borib, bino ostiga kelganda qalinligi 7,5 m.ga yetgan. Bu esa qadimda Buxoro hududidan Zarafshon daryosi tarmoqlaridan biri – ilk o'rta asr manbalarida qayd etilgan "Rudi zar" ("Oltin irmoq") ning o'tganligini tasdiqlaydi. Arxeologik tadqiqotlar keyinchalik qurib qolgan mazkur tarmoqning haar ikki qirg'og'i bo'ylab bir qancha mustahkamlangan qishloqlarning vujudga kelgani va ular Buxoroning eng qadimgi shahar o'zagini tashkil qilganini tasdiqlaydi. Shahar o'zagi 3 qism –

“Oltin irmoq” ning o'ng qirg'og'ida joylashgan ark, ya'ni qal'a hamda uning o'ng va so'l qirg'oqlaridagi qishloqlaridan iborat bo'lgan. Bu erdan topilgan ko'plab ashyoviy dalillar, xususan sopol idishlar va buyumlar Buxoro tarixining turli davrlari (mil. avv. I-ming yillikning 3-choragidan XX-asr boshlariga qadar) ga oid bo'lib, ulardan ikkitasi mil. avv. V asrga taalluqli ekanligi aniqlandi.

XX-asrning 80-90-yillarida shaharning tarixini aniqlash borasida keng ko'lmi arxeologik tadqiqot ishlari yirik yodgorliklarda – Poykend, Qo'r'honi Vardonze, Romitan, Varaxsha, Xoja Bo'ston, Qo'zimontepa, Oqsochtepa va boshqa shahar xarobalarida olib borildi. Natijada 1997-yilning oktyabr oyida Buxoro shahrining 2500 yilligi keng nishonlandi [8].

Shunday qilib, xulosa qilish mumkinki, O'rta Osiyo xalqlari, xususan sug'diylar Xitoy va Sharqiy Turkiston xalqlari bilan azaldan ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy aloqalarni o'rnatganligi yozma manbalar, ashyoviy dalillar bilan o'z tasdig'ini topmoqda. Yuqorida biz alohida to'xtalib o'tgan ko'pdan ko'p arxeologik qazuv ishlari fikrimizning yaqqol tasdig'idir.

Mustaqillik yillarida Sug'dning boshqa yirik shaharlari kabi Buxoroda ham arxeologik tadqiqot ishlari davom ettirilib, bugungi kunda asosan o'zbek arxeologlari Davlat Ermitajii arxeologlari bilan birga qazuv ishlarini olib borishmoqdaki, natijada voha tarixiga oid juda qiziqarli ma'lumotlar topilib, keng jamoatchilikka yetkazilmoqda.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Samarqand- 2750. T., 2007.
2. Azamat Ziyov. O'zbek davlatchiligi tarixi. T., 2001.
3. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. T., 2002.
4. Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). T., 1984; Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья. T., 1977; Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III-VI вв. T., 1981; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. T., 1973
5. Muhammadjonov A. Qadimgi Buxoro. T., 2002.
6. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T., 2008.
7. Muhammadjonov A.R. Qadimgi Buxoro. T., 1990; Temur va temuriylar saltanati. T., 1994; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Б. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973; История Бухары. T., 1976; Булатова М. Мавзолей Саманидов - жемчужина архитектуры Средней Азии. T., 1978;
8. Muhammadjonov A.R. Qadimgi Buxoro. T., 1990; Temur va temuriylar saltanati. T., 1994; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Б. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973; Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы Средней Азии. Самарканд, 1993; Бухара – жемчужина Востока. T., 1997.

Жомонқулов Бегзод, Мардонов Асадбек Фарход ўғли  
(Самарқанд, Ўзбекистан)

### АФРОСИЁБ ТОПОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИДАН

**Аннотация.** Самарқанд Сўғдининг бош шаҳри Афросиёб – нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда энг машҳур археологик ёдгорлик ҳисобланади. Айнан шу ерда маданияти ва иқтисоди қўшни ҳудудларга катта таъсир кўрсатган қадимги ва ўрта асрлардаги шаҳар ҳисобланади ва ушбу шаҳар тарихини археологик манбалар асосида ёритиш долзарбдир.

**Калит сўзлар:** Самарқанд, Афросиёб, урбанизация, топография, шаҳар харобалари, мудофаа деворлар, арк, пахса, пишиқ ғишт.

Зарафшон воҳаси жуда қадимги даврларданоқ Ўрта Осиёнинг тарихий маданий марказларидан бири ҳисобланади. Воҳада дастлабки урбанизация жараёнлари илк темир давридан бошлаб юз берган.

Зарафшон воҳаси ўрта аср шаҳарлари орасида Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб ёдгорлиги муҳим ўрин тутди. Самарқанд шаҳрининг ёнида жойлашган бу улкан археологик ёдгорликка қизиқиш XIX асрданоқ бошланган. Тарихшуносликда Самарқанд ва унинг ёдгорликлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар Россиянинг 1841 йилда Бухоро амирлигига жўнатилган инженерлари К.Ф. Бутенев ва Ф.Богословскийлар бошчилигидаги миссия аъзолари томонида берилган. Ушбу миссия олдига кон ишларидан ташқари Ўрта Осиё тўғрисида илмий маълумотлар тўплаш вазифаси ҳам қўйилган. Ушбу миссиянинг аъзоларидан бири шарқшунос олим Н. В. Хаников (Ханыков, 1943) қадимий шаҳарнинг топографиясига оид айрим умумий маълумотлар келтиради. Н. В. Ханиковнинг Бухоро хонлиги тавсифи китобига ўша ҳамроҳ бўлган А.Яковловнинг шаҳар режасига қилинган иловада Афросиёб харобалари ҳам ўз аксини топган.

Афросиёбнинг илк археологик ўрганилиши илмий нуқтаи назардан амалга оширилмаган. XIX асрнинг 70-йилларида айрим чор зобитлари ва амалдорлари шаҳарда қазиш ишларини амалга оширганлар. Бу қазиш ишларидан мақсад асосан қадимий осори атиқаларни тўплаш бўлган. XIX асрнинг 80 йилларида келиб яна бир рус тадқиқотчиси, ёзувчи В.В. Крестовский биринчи марта Афросиёб шаҳар харобалари топографияси бўйича илмий иш қилган.

Зарафшон воҳаси ўрта аср шаҳарлари тарихий топографияси ўрганилишида Н. И. Веселовский илмий тадқиқодлар диққатга сазовор. Унга Туркистон генерал губернаторлиги Археология комиссияси берган топшириқлардан муҳимлари Афросиёбни систематик жиҳатдан тадқиқ қилишни бошлаш ва Зарафшон воҳасидаги харобаларини кузатиш кабилар бор эди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё қадимий шаҳарларини топографик жиҳатдан ўрганишга жиддий киришилади. Самарқанднинг қадимги қисми бўлган Афросиёб харобаларида дастлабки археологик ишлар 1945 йилдан бошланган. Ушбу қадимий шаҳарда биринчи бўлиб А.И. Тереножкин системали равишда қазиш ишларини

бошлади. У Афросиёбни илк кушон, кушон ва хунн-эфталий, турк хоқонлиги ҳамда араблар босқинидан кейинги маданий қатламлари мавжудлигини таъкидлайди (Шишкин, 1969. с. 125.).

Афросиёб шаҳрининг топографияси ва стратиграфиясини ўрганишда 1958-1966 йилдаги экспедиция ишлари муҳим аҳамият касб этади. Экспедиция давомида 26 та жойда археологик қазиш олиб борилиб унда Г.В. Шишкина, О.В. Обельченко, Л. Г. Брусенко, Е. Б. Пругер, М. Пачос каби археологлар фаолият кўрсатишган. Тадқиқотлар мобайнида Афросиёбнинг деярли барча қисмларида қазиш ўтказилиб шаҳар ва арк мудофа деворлари, ҳар хил ҳунармандчилик кварталлари, шунингдек жоме масжиди харобалари аниқланган.

Зарафшон воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги маданиятининг энг йирик намунаси ҳисобланган Афросиёбнинг ўрганилишида В.А. Шишкиннинг тадқиқотларини муҳим аҳамиятга эга. В.А. Шишкин томонидан 1957 йилдан бошлаб шаҳарнинг 1885 йилда тузилган топографик харитаси бўйича белгиланган барча қисмлари тизимли ўрганила бошланди. Шу билан бирга 1885 йилги топографик харитадаги айрим ноаниқ нуқталарга тузатишлар киритилди. 1958 йилда шаҳарни тизимли ва илмий жиҳатдан ўрганиш борасида археологик экспедиция олдига қуйидаги масалалар қўйилди:

1. Шаҳарнинг даврий шаклланиш босқичларини аниқлаш;
2. Шаҳарнинг пайдо бўлиш санасини аниқлаштириш;
3. Сув таъминоти тизимини ўрганиш;
4. Шаҳар мудофаа деворлари стратиграфиясини тадқиқ қилиш;
5. Шаҳарнинг умумий маданий қатламлари стратиграфиясини ўрганиш;
6. Шаҳарнинг қадимий кварталларини ўрганиш;
7. Шаҳар атрофини ўрганиш.

Мана шу тариқа Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган илмий йўналиш Самарқанднинг қадимий тарихини моддий манбалар асосида ўрганишга асос бўлди бу бу йўналиш асосида тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Афросиёбда 1950 йилларнинг охири -1960 йилларнинг биринчи ярмида қўлга киритилган илмий далиллар асосида Яхё Ғуломовнинг ташаббуси билан 1967 йилда археолог олимлар ва самарқандлик топографлар ҳамкорликда Афросиёбнинг янги топографик харитасини ишлаб чиқдилар.

В. А. Шишкин Афросиёбнинг IX-XIII асрларга оид қатламларида кўплаб археологик тадқиқотлар олиб борди. У Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги кварталлардаги 7 та жойда қазиш ишларини ўтказди.

Маълумки, Самарқанд қадимданоқ Ўрта Осиёнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. Шу боис ҳукмдорлар шаҳарнинг мудофа деворларига катта эътибор қаратишган. Афросиёбнинг мудофаа тизимини ўрганиш ишлари М.К. Пачос томонидан системали тарзда амалга оширилган. У томонидан олиб борилган қазишма ишлари натижасида шаҳар мудофаа деворларида XIII аср бошларида, яъни хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида бир мунча таъмирлаш ишлари ўтказилганлиги маълум бўлди. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар давомида

Хоразмшоҳдар сулоласи даврида Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида шаҳарларнинг мудофаа тизимини таъмирлаш борасида катта қурилиш ишлари ўтказилганлиги маълум бўлмоқда.

Хоразмшоҳлар сулоласи даврида Бухорода ҳам катта қурилишлар бўлганлиги тўғрисида тарихчи Наршаҳийда ҳам куйидаги маълумот бор. «... Масыд Қилич Тамғочхоннинг буйруғи билан Бухоро шаҳри эски деворининг ташқарисидан девор урдилар (ҳижрий 560 - милодий 1164-1165 йиллар), у ҳам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (1207-1208 йиллар) Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгилادилар. Олти юз ўн олтинчи йили (1219-1220 йиллар) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди» (Наршаҳий, 1991, 113-бет). А.А. Раимқуловнинг фикрига кўра Хоразмшоҳлар даврида Кеш-Шаҳрисабзнинг мудофаа деворлари бунёд этилган ва Насафнинг мудофаа деворлари таъмирланган.

М.К. Пачос 1969-1970 йилларда Афросиёб аркининг шимолий – ғарбий мудофаа минораларида қозиш ишларини ўтказди ва бу ерда бир нечта қўшимча таъмирлаш изларини топди. Шунингдек, арк деворлари пахса ва пишиқ ғишт билан таъмирланганлиги ҳам аён бўлди (Шишкин, 1981).

Афросиёда ўтказилган 1967-1968 йиллари ўтказилган археологик тадқиқотлар давомида кўплаб топографик маълумотлар олинди. Афросиёб археологик экспедицияси шаҳарнинг 4-чи деворларининг ғарбий қисми ва биринчи мудофаа деворлари ёнида ўтказилди. Экспедиция таркибида Л.Г. Брусенко, Т. А. Аъзамхўжаев, М. Жўракулов, Я. Крикис, Ю. Ф. Буряков, Я. Аминов, М.К. Пачос ва Г.В. Шишкина каби археологлар бор эди. Археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг V-VI асрлардан то XIII аср бошларигача бўлган қатламларга тегишли ҳар хил материаллар топилди. Экспедиция томонидан қўлга киритилган муҳим илмий натижалар Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги бир қатор кварталлар ва мудофаа деворларининг ўрганилиши бўлди.

Мана шу даврда ҳукумат томонидан Самарқанднинг шаҳар сифатида шаклланиши санасини нишонлаш масаласи қўйилган ва 1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллик юбилеи нишонланган. Чунки XX асрнинг 70-йилларигача қўлга киритилган археологик моддий манбалар ва тарихий маълумотлар мана шундай илмий хулоса чиқаришга асос бўлганлар. Археологик материалларнинг етарли эмаслиги боис узоқ йиллар давомида тарихшунослик ва археология фанларида «Ўрта Осиёда қадимда шаҳарлар қурилмаган, шаҳарсозлик маданияти бизнинг юртимизга Аҳмонийлар империяси ҳукмронлиги даврида Яқин Шарқ ва Эрон томонидан кириб келган деган» хулоса ҳукмронлик қилиб келган. 2500 йиллик сананинг нишонланиши ҳам мана шу хулосанинг тасдиғидек эди. Лекин кейинги йилларда, айниқса мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятидаги Жарқўтон, Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёб, Челак шаҳрининг қадимий ўрни бўлган Кўктепа, Қарши шаҳри яқинидаги Ерқўрғон, Кеш-Шаҳрисабзнинг қадимий ўрни Подаётоқтепа-Узунқир ёдгорликларида қадимий шаҳарлар қолдиқларининг ўрганилиши Ўзбекистонда шаҳар маданияти ўзининг маҳаллий илдизларига эга эканлигини илмий жиҳатдан исботлади ва мустақиллигимизнинг шарофати билан Самарқанднинг 2750 йиллик, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик саналари кенг нишонланди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти қошида 1971 йилда Афросиёбни ўрганиш бўлимининг ташкил этилиши ушбу қадимий шаҳарнинг археологик жиҳатдан ўрганилишида муҳим босқич бўлди (Ташходжаев, 1974, с.3).

Кўҳна шаҳарни ўрганиш бўйича бўлим ташаббуси билан ташкил этилган экспедиция томонидан дастлабки археологик қазималар 1973 йилдан бошлаб амалга оширилди. Экспедицияда И. Аҳроров, Ш.С. Тошхўжаев, Л.Г. Брусенко, Э.Ю. Бурякова, Г.В. Шишкина, Н.Б. Немцева каби археологлар иштирок этишган.

Афросиёбдаги тадқиқотлар 1980 йилларда ҳам муваффақият билан давом этди.

1990 йиллардан, айниқса мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар Самарқанднинг қадимий ва ўрта асрлар даври маданий қатламларини ўрганиш бу даврга келиб халқаро миқёсга чиқди. Афросиёбда Ўзбекистон-Франция қўшма халқаро экспедицияси иш бошлади. Бир неча йиллар давомида олиб борилган археологик тадқиқотлар Самарқанднинг дастлабки шаклланган даврига аниқлик киритди ва у милoddan аввалги VIII-VII асрлардаёқ шаҳар маданиятига эга бўлганлиги аниқланди (Исамиддинов, 2002).

Экспедициянинг яна бир муҳим кашфиётларидан бири Афросиёб аркининг шарқ томонида Абу Муслим даврида қурилган маҳобатли сарой қолдиқларининг ҳамда унинг яқинидан қорахонийлар даврига оид сарой ва унинг деворларида маҳобатли рангтасвир суратларнинг топилиши бўлди (Карев, 2009, с. 25-42).

Хуллас, Афросиёбда ҳозирги кунларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар Самарқанднинг тарихий топографиясига йилдан-йилга янги-янги маълумотлар киритишда давом этмоқда.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Ташкент, 2002.)
2. Карев Ю.В. Открытие караханидской настенной живописи в Самарканде. Вестник истории культуры и искусства, М. 2009,
3. Наршахий, 1991. Бухоро тарихи // Мерос. Тошкент.
4. Средневековый город Средней Азии. Л. 1973.
5. Ташходжаев Ш. С.. Археологические исследования древнего Самарканда в 1973 год. Сб. Афрасиаб. Вып. 3. Ташкент, 1974.
6. Ханьиков Н. Описание Бухарского ханства, Спб. 1843
7. Шишкин В. А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. Афрасиаб. Вып. I. Т-1969.
8. Шишкин В. А.. Кала и Афрасиаб. Сб. Афрасиаб. Вып I. Ташкент, 1969. Стр. 125.
9. Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969.
10. Шишкина Г. В. Материалы первых веков до нашей эры и раскопок на северо-западе Афрасаба. Сб. Афрасиаб. Вып. 1. Ташкент, 1969.



Мамадаминова Бахтигул Абдупаттаевна, Эшимова Зарифа  
(Тошкент, Узбекистан)

## ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ҲОЛАТИ

*Мазкур мақолада Хоразм Халқ Совет Республикасида қишлоқ ҳўжалик соҳасида юз берган ўзгаришлар ҳамда вақф мулклари ҳолати таҳлил қилинган. Мақола XX аср 20-йилларидаги архив ҳужжатлари ҳамда даврий матбуот материаллари асосида ёзилганлиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.*

**Калит сўзлар:** *Хива хонлиги, ХХСР, республика даври, вақф мулклари, вақфнома, молия нозирлиги, зироат нозирлиги, диний ташкилотлар, мадраса, қорихона.*

Янги ҳукуматнинг “Вақф ерларини бошқариш тўғрисида”ги декретига мувофиқ дастлаб вақф ерлари тортиб олинмади, бироқ вақф мулкидан фойдаланиш давлат назоратига олинди. Вақфдан келадиган даромад ва уни тақсимлаш ишлари билан ХХСР Маориф халқ нозирлиги (нозир – Бекжон Раҳмонов) шуғулланган.

ХХСР ҳукумати ташкил бўлган дастлабки кунлардан бошлаб, Туркистон АССР тажрибасидан фойдаланиб, вақф мулкларидан тушадиган даромадни ишлатишни назорат қилиш, ундан совет мактаблари учун фойдаланиш чора-тадбирларини кўрди. Шу мақсадда вақфларни бошқарадиган давлат ташкилоти – ХХСР Маориф халқ нозирлиги қошида вақф бўлими ташкил қилинди. Ёш республика ҳукумати томонидан бу бўлимга вақфларни бошқариш бўйича масъулиятли вазифалар юклатилди. Бутунхоразм халқ вакилларининг II қурултойи (1921 йил май) ҳукуматининг диний сиёсатини такомиллаштирди ва вақф масаласига аниқлик киритилди. [1]

ХХСР Марказий Ижроия Комитетининг II чақириқ 1-сессияси (1921 йил 9 октябрь)да қабул қилинган қарорда вақф ерларидан олинадиган ижара ҳақидан фойдаланиш тартибига қисман аниқлик киритилди. Бу ҳужжатда кўрсатиб ўтиладики, маориф халқ нозирлигининг вақф бўлими ХХСР Конституциясининг 25-моддасига асосан, вақф ерларидан вақфнома бўйича ижара ҳақи ундириб олади ва унинг шартларига биноан тақсимлайди, шунингдек, у масжид, мадраса, корхоналарининг шикастланган биноларини таъмирлаш ишларини ташкил қилади. Диний муассасалар йўқ бўлган тақдирда ортиқча маблағлар Маориф халқ нозирлигига тушади. Қарорнинг охириги жумласида шундай дейилади: “Масжид, мадраса, корхона ва бошқа диний ташкилотларнинг вақф ерларидан олинадиган даромадни улар эҳтиёжидан ортиқча қисмини мактаб, техникум ва бошқа маориф шахобчаларига сарфлаш назарда тутилган” [2]

ХХСР ҳукумати диний ташкилотларнинг вақф мулкларидан тушадиган даромадларнинг бир қисмини бўлса, совет мактабларини ривожлантириш учун фойдаланишга бекорга ҳаракат қилинмаган. Чунки республикада вақф мулклари катта миқдорда бўлган ва улардан тушадиган даромад ҳажми ҳам салмоқли эди.

ХХСРнинг дастлабки Конституциясида шундай ёзилган эди: “Вақф мулклари бутунлай маориф ва маданият билан боғлиқ бўлганлиги учун Маориф нозирлиги ихтиёрига берилади”. [3]

XXСР Конституциясининг РСФСР ва Туркистон АССР конституцияларидан фарқи шундаки, унда ишлаб чиқариш воситаларига, шунингдек, ерга хусусий мулкчилик бекор қилинмади. Бу Хоразмни ўзига хос тарихий шароитлари билан боғлиқ аграр ўзгаришларнинг муҳим жиҳати эди.

XXСРда кўпгина мадраса ва қорихоналар фаолият кўрсатарди. Хива хонлигида 132 та мадраса бўлганлиги маълум. 1922 йилдиги маълумотларга қараганда, XXСР ҳудудига 89 мадраса бўлиб, уларда 189 нафар мударрис, 101 нафар имом, 89 нафар муаззин, 338 нафар хизматчилар ишлаган ҳамда 1395 нафар талаба ўқиган. [4] Бу мадрасаларга қарашли вақф ерларининг ўзи фақат 328054 танобни ташкил қилган. Бундан ташқари мадрасаларга қарашли кўплаб саноат ва савдо вақф корхоналари бўлган. 1924 йилдаги маълумотларга қараганда, XXСРда 126 та мадраса мавжуд бўлиб, улардан 61 та мадраса пойтахт Хива шахрида бўлиб, улардан 45 та мадраса доимо фаолият кўрсатиб келган. [5]

XXСРда қорихоналар ҳам кўп бўлган. 1922 йилда уларнинг миқдори 195 та бўлиб, бироқ уларнинг ярмидан ортиғи ишламас эди. Корхоналарда ҳаммаси бўлиб 172 нафар қорилар ўқиган. Қорихоналарга қарашли вақф ерлари 35164 танобни ташкил қилган. [6] Ерлардан ташқари қорихоналарнинг ҳам бозор майдонлари, карвонсаройлари, дўконлари, тегирмон ва бошқа вақф мулклари мавжуд эди.

XXСР ҳукуматининг 1921 йил июндан 1922 йил июнигача ўтган даври фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида диний соҳада олиб борилган сиёсат тўғрисида шундай дейилган: “Дин ва вақф мулкига нисбатан бутунлай аралашмаслик тамойили амалга оширилди ва масалалар энди ҳеч қийинчилик туғдирмайди. Руҳонийлар раҳбарлари билан муносабат ўрнатилди”. [7] Шу билан биргаликда партия ва совет идораларининг расмий ҳужжатларида айтилишича, мадраса корхона ва бошқа диний ташкилотларни ички ишларига аралашмаслик йўли тутилмоқда. XXСР Конституциясида расман ёзилганки, руҳонийлар томонидан ташкил қилинган, диний фанлар ўқитиладиган мактаблар хусусий маблағлар ҳисобига фаолият кўрсатади. Давлат бу мактабларга ёрдам бермайди, шунингдек, уларни эркин ишлашига тўсқинлик қилмайди. [8] Амалда эса диний ташкилотларнинг барча ишларига партия ва совет идоралари аралашар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини чекларди.

1921 йил 26 декабрда XXСР Марказий Ижроия Кўмитаси масжид ва мадрасаларнинг хизматчиларини иш ҳақини тартибга солиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлайди. Бу ҳужжатга асосан руҳонийларни вақф мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган.

Хулоса қилиб айтганда, Хива хонлиги тугатилгандан сўнг янги ташкил қилинган Хоразм Халқ Совет Республикасида қишлоқ хўжалик соҳасини ислоҳ қилишда муайян натижаларга эришилди. Ёш хиваликлар бошқарган XXСР ҳукумати қисқа муддат ичида аҳолининг катта қатламига собиқ хон ва унинг амалдорларидан мусодара қилинган ерларни бўлиб берди. Республикада мавжуд бўлган вақф ерлари дастлаб ўз ҳолича қолдирилди. Бу ҳолат ҳам ёш республика раҳбарияти билан руҳонийлар ҳамда аҳолининг диний қатлами ўртасида ортиқча муаммолар туғдирмаслигига сабаб бўлди.

Мирзакаримова Нодира  
(Тошкент, Узбекистан)

## САБАБИ НУЗУЛНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада сабаби нузул илмининг ривожланиш тарихи, тараққиёт босқичлари, манбалари таҳлили ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек сабаби нузул илмининг Қур'он илмлари тизимида тутган ўрни ҳам ёритилиб берилган.

**Калит сўзлар:** Оят, носих, мансук, ваҳий, маккий, маданий, муфассирлар, ривоят, фақиҳ

Қуръони карим маъноларини тўлиқ англашда унга оид барча илмлар хусусан, араб тили ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Қуръон тарихи, қироатлар, ваҳийнинг нозил бўлиши, сабаби нузул, Маккий ва Маданий, носих ва мансук, муҳкам ва муташоҳих қабиларни билиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур илмлар ичида сура ва оятларнинг нозил қилиниш сабаблари яъни, “сабаби нузул” илми ҳам ўзининг беқиёс ўрнига эгадир.

Қуръони карим нозил бўлган вақтдаги ҳолат ва унга оид барча тафсилотларни билиш, оятларнинг мазмун-моҳиятини тўғри талқин этиш ва шарҳлашда асосий ўрин тутди. Муфассирлар оятнинг нозил бўлиш сабабига оид ривоятларни келтириб, қийин ўринларни тушунарли қилиб, маъноларни кенгроқ очиб берадилар. Шунга кўра, оятларнинг нозил бўлиш сабаби, яъни унинг мазмунини ифодаловчи воқеа ҳодисаларни билиш лозимлиги, акс ҳолда уларни ўзгача шарҳлаб тўғри йўлдан адашиб кетиш мумкинлиги уламолар тарафидан таъкидланган.

Қуръони карим сура ва оятлари асосан бирор сабабга боғлиқ бўлмаган ҳолда маълум бир масалани баён қилиб келган бўлса, гоҳида инсонларнинг саволларига жавоб тарзида ёки бирон воқеа-ҳодисанинг шаръий ечими сифатида нозил бўлди. Мана шунинг натижасида оятларнинг тури сабабини ўрганувчи “Сабаби нузул” илми келиб чиқди ва у Қуръон илмларининг ажралмас бир қисмига айланди.

Сабаби нузул илми саҳобийлар давридаёқ шакллана бошлаган эди. Саҳобаи киромлардан Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Оиша, Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)лар, тобейилардан Мужоҳид, Иқрима, Абул Олия, Абу Ҳанифа ва бошқа кўплаб олимлар оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақида кўплаб ривоятлар келтирганлар<sup>3</sup>.

Х аср охири XI аср бошларига келиб ислом илмлари жумладан, “Улум ал-Қуръон” яъни, “Қуръон илмлари”, хусусан сабаби нузул илми ҳам алломалар томонидан чуқур ўрганилди ва ушбу илмга бағишлаб кўплаб асарлар ёзилди. Масалан, Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Воҳидий Найсобурий (ваф. 1036 й.) ва унинг “Асбоб ан-нузул” асари, Бурҳониддин Иброҳим ибн Умар Жаъбарийнинг (ваф. 1332 й.) Воҳидий асарига ёзган “Мухтасар”и, Шайхул-ислом Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 1448 й.) ва унинг “Асбоб ан-нузул” асари, Жалолиддин Абдураҳмон Суютийнинг (ваф. 1505 й.) “Лубоб ан-нуқул фи асбоб ан-нузул” ва “ал-Итқон фи улум ал-Қуръон”, Абу Бакр ибн Мунзир Найсобурийнинг (ваф. 930 й.) “Асбоб ан-нузул” қабиларни айтиш мумкин.

<sup>3</sup> Mehmet Paçacı. Kur'an'a giriş. – İstanbul: İsam yayinlari, 2013. – Б 127.

Муфассир уламоларимиз оятларнинг нозил бўлиш сабабларини алоҳида илм сифатида ўрганганлар ва бу илмнинг жуда катта фойда ва ҳикматлари борлигини таъкидлаганлар. Масалан:

1. Бу илм оятларни тафсир қилиш ва шарҳлашда жуда муҳимдир. Чунки сабаби нузул оятнинг мазмунини очиб берувчи зарур жиҳатларни ўз ичига олади.

2. Бирор оятдан ҳукм олишда унинг сабаби нузулини билиш зарурдир. Бу фақиҳ ва мужтаҳид олимларга жуда қўл келади.

3. Қуръони карим оятларининг мазмунини англашда юзага келадиган турли ихтилофларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир<sup>4</sup>.

Сабаби нузул илми муфассир олимлар томонидан қуйидагича таърифланган: “Сабаби нузул илми – Қуръони карим сура ва оятларининг нозил қилиниш сабабини ўрганувчи илмдир. Аллоҳ таоло бирор воқеа ҳақида ёки кишилар Пайғамбар (алайҳис-салом)дан савол сўраганларида унга жавобан оят нозил қилса, ўша ҳодиса ёки савол “сабаби нузул” яъни ваҳий нозил бўлишининг сабаби деб, аталади”<sup>5</sup>.

Ўтган барча уламолар оятларнинг сабаби нузулини билишда Пайғамбар (алайҳис-салом) ёки у зотнинг саҳобийларидан етиб келган саҳиҳ ривоятларга таянганлар. Имом Абул Ҳасан Воҳидий айтади: “Қуръони карим оятларининг сабаби нузулини билишда ваҳий тушишини кўриб унга бевосита гувоҳ бўлган кишилар (саҳобийлар)дан қилинган ривоят ва улардан эшитилган хабарлардан кўра тўғрироқ йўл йўқ”. Муфассир олимлар мана шулардан келиб чиқиб сабаби нузулни икки қисмга бўлганлар:

1. Набий (с.а.в.) даврларида содир бўлган маълум бир воқеа юзасидан оят ёки сура нозил бўлган<sup>6</sup>. Масалан: Муқотил (р.а.)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (с.а.в.) кишиларни Аллоҳнинг борлигига, Жаннат ва Жаҳаннам каби бу дунёда кўз билан кўриб бўлмайдиган “Ғайб олами”нинг борлигига имон келтиришга чақирганларида Валид ибн Муғйра, Абу Жаҳл ва Уқба каби Макка мушриклари у зотни сеҳргар, шоир ва фолбин деб ёлғончига чиқардилар”. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг бу сўзларига жавобан “Ҳоққа” сурасининг 38-39-40-оятларини нозил қилди:

**“Қасамёд этаман, сизлар кўрадиган нарсалар билан ва сизлар кўрмайдиган нарсалар биланки, у (Қуръон), албатта, мукаррам элчининг (Аллоҳ номидан айтган) сўзидир!”.**

2. Расулulloҳ (с.а.в.)дан бирор нарсанинг ҳукми ҳақида сўралганида унга жавобан ваҳий нозил қилинган. Масалан: Убода ибн Сомит (р.а.)нинг биродари Авс ибн Сомитнинг хотини Ҳавла бинти Саълаба (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.) хузурларига келиб, эри уни “зиҳор” қилганини айтади. Зиҳор киши ўз хотинига: “Сен менга онамнинг қорни ёки бадани кабисан” дейишдир. Бу тўғрида шаръий ҳукм ҳали нозил бўлмаган эди. Пайғамбар (с.а.в.) талоқ тушади деганларида, у аёл норози бўлиб, Аллоҳга шикоят

<sup>4</sup> Муҳаммад Абдулазим Зарқоний. Маноҳил ал-ирфон фи улум ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий. 1995. Ж 1. – Б 91.

<sup>5</sup> Ал-Ҳофиз Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий. Ал-итқон фи улум ал-Қуръон. – Ал-Қоҳира: Дор ал-ҳадис. 2004. Ж 1. – Б 108.

<sup>6</sup> Муҳаммад Абдулазим Зарқоний. Маноҳил ал-ирфон фи улум ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий. 1995. Ж 1. – Б 89.

қилади. Шунда масаланинг ечими сифатида Аллоҳ таоло “Мужодала” сурасининг 1 ва 2-оятларини нозил қилди:

**“Эй, Мухаммад!) Аллоҳ Сиз билан ўз эри ҳақида баҳслашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшитди. Аллоҳ сиз иккингиинг сўзлашувингизни эшитур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир. Ораларингизда ўз хотинларини “зиҳор” қиладиган кимсаларга улар (хотинлари асло) оналари эмасдирлар. Уларнинг (чин) оналари уларни туққан (аёл)лардир. Улар, ҳақиқатан, номақбул ва ёлғон сўз айтурлар. (Лекин) Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчидир”**

“Сабаби нузул” илмини ўрганишнинг аҳамияти борасида куйидаги оят ҳам ёрқин мисол бўла олади. Аллоҳ таоло шундай дейди:

**“Машиқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг “юзи” мавжуддир. Албатта, Аллоҳ (фазли) кенг, доно зотдир”** (Бақара, 115). Ушбу оятдан бир қарашда мусулмон киши хоҳлаган тарафига қараб намоз ўқиши мумкин, сафарда ҳам, сафарда бўлмаганда ҳам Каъбага юзланиши шарт эмасдек кўринади. Аслида эса, бу оят улуғ саҳобий Абдуллоҳ, Ибн Умар (р.а.)нинг сўзига кўра, мусофирнинг намози ҳақида нозил бўлган<sup>7</sup>.

Омир ибн Рабиъа (р.а.)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (алайҳис-салом) билан қоронғу кечада сафарда эдик. Қибла қайси тарафда эканини била олмадик. Биздан ҳар бир киши ўз билганича маълум тарафга қараб намоз ўқиди. Тонг оттирганимиздан кейин буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдик. Шунда: “Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг “юзи” мавжуддир” ояти нозил бўлди”. (Имом Термизий ривояти).

Имом Абу Ҳанифа ва кўпчилик уламолар сафар асносида ҳавони булут қоплаши ёки қоронғулик каби сабаблар туфайли қиблани ҳеч аниқлай олмадан юқоридаги оятга биноан хоҳлаган тарафга юзланиб намозни адо қилиш жоиз деганлар

Юқорида келтирилган мисоллар оятларнинг нозил бўлиш сабабини билиш қанчалик муҳимлиги, бу илми ўрганмай, билмай туриб бирор оятнинг маъносини тушуниш қийин эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олиб, ўзларича инсонлар устидан гўеки Қуръони карим асосида илмсизларча фатволар чиқараётган залолатга юз тутган турли бузғунчи экстремистик оқимлар Қуръони карим оятларини ҳеч бир эътироф этилган манбага асосланмай, унинг сабаби нузулини келтирмай, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида шарҳламоқдалар<sup>8</sup>. Бунинг оқибатида турли мамлакатларда яшовчи мусулмонлар ўртасида кўплай ихтилоф ва фитналар келиб чиқмоқда. Шулардан, мутаассиб оқимлар кўп истифода этадиган “Тавба” сураси 5-оятда шундай дейилган:

**“Муширларни топган жойингизда ўлдингиз, тутингиз (асир олингиз), камал қилингиз ва ҳар қандай пистирмаларда уларни кузатиб турингиз! Агар тавба**

<sup>7</sup> Ал-Ҳофиз Жалолиддин Абдураҳмон ас-Суютий. Асбоб ан-Нузул. – Ал-Қоҳира: Мактаба ас-сақофия ад-диния. 2004. – Б 3.

<sup>8</sup> Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) / Масъул муҳаррир О.Юсупов; Тузувчилар: К.Шермухамедов, Ж.Каримов. – Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2014. – Б. 93.

**қилиб, намозни баркамол адо этсалар ва закот берсалар, уларни қўйиб юборингиз! Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир”.**

Мазкур оятда ислом дини нозил бўлган Макка ва Мадина ҳудудидан бутпарастлик, жоҳилият қолдиқлари қолмаслиги учун мушриклар билан курашиш ва уларни у ердан чиқариш масалалари ҳақида сўз боради. Аммо мутаассиб оқимлар ушбу оятнинг маъносини юзаки талқин этиб, уни ер юзидаги барча бошқа дин вакиллари, ҳатто ўзларига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан татбиқ қилиб, ватандошларига қарши қурол кўтармоқдалар, бу эса, уларнинг адашган, жоҳил кимсалар эканини яна бир бор исботлайди.

Мисрлик йирик олим Имом Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий (1911-1998) мазкур оят тафсирида шундай дейди: “Маълумки, мушриклар билан мусулмонлар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида энг кўп сўз юритилган сура “Тавба” сураси ҳисобланади. Мазкур оятда Аллоҳ таоло Маккаи мукаррама ҳудудида исломдан бошқа дин қолмаслигини буюриб, у ердан мушрикларни чиқаришга ҳамда уларни Макка ҳудудида қолдирмаслик учун қарши курашишга чақирган. Бироқ бутун инсониятни ёппасига ислом динига киритишни иддао қилаётган мутаассиб гуруҳлар шу каби оятларни нотўғри талқин қилиб, бошқа дин вакилларига нисбатан ўта тоқатсиз бўлмоқдалар”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари ўзларининг савол-жавоб тарздаги “Сўраган эдингиз...” китобларида шундай дейдилар: “Қуръон ва ҳадисга маъно бериш ва ундан ҳукм чиқариш учун киши бир қанча илмларни ўзида мужассам қилмоғи шарт. Жумладан, у биринчи навбатда араб грамматикасини (наҳв, сарф), Қуръон ва ҳадис илмига оид фанларни ўзлаштироғи, ундаги оятнинг нозил бўлиш ёки ҳадиснинг айтилиш сабабларини билмоғи, носих-мансух, мутлақ ва муқайяд, ом ва хос каби қонун-қоидалардан бохабар бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, Қуръон ёки ҳадисдан ҳукм чиқармоқчи бўлган киши муайян масалага тааллуқли бўлган барча оят, ҳадис, саҳобийларнинг ўша масалага муносабатлари ҳамда мужтаҳид уламоларнинг фикрларини яхши билмоғи шарт. Шуни унутмаслик лозимки, Қуръон ва ҳадис – оддий сўзлар эмас. Қуръоннинг мўъжизакорлиги, балоғат ва фасоҳатнинг ниҳоят даражада юқорилиги, жумлаларнинг тузилиши ва бошқа жиҳатлари шу вақтгача одамзотни ажаблантириб келган. Агар араб тилини билган ҳар қандай киши Қуръондан ўзича ҳукм чиқарса, Қуръоннинг ҳурматини оёқ ости қилган бўлади ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг: “Ким Қуръонни ўзича тафсир қилса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин”, деган таҳдидларига лойиқ бўлиб қолади”<sup>9</sup>.

Сабабун-нузул Қуръон нозил бўлаётган вақтда бирор саволга жавоб, ёки бирор воқеа-ҳодисага боғлиқ бўлиб, ундан кейин нозил бўлган ҳолатда вужудга келади ҳамда тафсирга оид асарлар ва ҳадис тўпламларида саҳобий ёки тобиийлардан ривоят тарзида келади. Оятни тафсилотлар ва уни нозил бўлиш вақтидаги ҳолатни билиш Қуръонни тўғри талқин этиш ва шарҳлашда асосий ўрин тутати. Муфассирлар оятнинг нозил бўлиш сабабини очиб берувчи ривоятларни келтириб, қийин ўринларни тушунарли қилиб, маъноларни кенгроқ очиб берадилар. Шунга қўра, оятларнинг нозил

<sup>9</sup> Алимов У. Сўраган эдингиз... 1-жилд. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 15-16.

бўлиш сабаби, яъни унинг мазмунини очиб берувчи воқеа-ҳодисаларни билиш лозимлиги, акс ҳолда ўзгача шарҳлаш мумкинлиги уламолар тарафидан таъкидланган. Айниқса, фирқа ва оқимлар томонидан сабабун-нузул илмининг эътиборга олинмаслиги оятнинг муродини ўзгача шарҳлашларига олиб келган. Буэса, ўз-ўзидан маънони чеклаб турувчи омиллардан тобора узоқлаштирган. Ҳозирда ҳам турли экстремистик ва террористик оқимларнинг фаолиятларида бу ҳолат мавжуд. Қуръонда турли мавзуларда жумладан, фикҳий ҳукмларни қамраб олувчи оятларнинг бирор масалага жавоб тарзида, ёки воқеа кетидан тушиш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли Қуръон оятлари нозил бўлиш сабабига эга ва эга бўлмаганларга бўлинади. Шу каби сабабун-нузул бўйича олиб борилган тадқиқотларда уни билишнинг моҳияти, бир нечта нозил бўлиш сабабига эга оятлар ва унга муносабат, бир сабаб учун нозил бўлган оятлар масаласи, лафз умумий тарзда баён этилган ҳолатда сабабнинг махсуслиги каби мавзулар ўрганилиб, ойдinлик киритишга ҳаракат қилинган. Сабабун-нузулга доир ривоятларни қуйидаги асосий 3 турга бўлиш мумкин: 1. Оятнинг мақсади ўша ривоят, уни билмай оятни шарҳлаб бўлмайдиган қисм. Масалан: Мужодала сураси 1-оятда: “Аллоҳ эридан баҳс-мунозара қилаётган ва Аллоҳга шикоят қилинаётган сўзни эшитди. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи билгувчи” жумласини очиб берувчи воқеани билмай, уни тўлиқ тушунилмайди. Бухорий ривоятига кўра, Авс ибн Сомит исми саҳобий умр йўлдоши Хавла бинт Саълабани “менга онам кабисан”, деб арабларга хос сўз ифодаси билан “зихор” қилган. Бу ибора билан исломгача бўлган даврда араблар ўз аёлларини талоқ қилганлар. Шундан сўнг Хавла Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб, эрининг бу қилмишидан шикоят қилган. Сўнг оят тушиб, аёлларнинг эрларига она бўлмасликлари, балки бу сўздан қайтиш лозимлиги каби ҳукмлар туширилади. 2. Мужмал мазмундаги оятларни тушунтириб берувчи ривоятлар бўлиб, турлича маънолар келиб чиқишини олдини олади. Аниқ бўлмаган оятнинг муроди сабабун-нузул зикр этилган ривоят асосида бошқа тахминлардан ажралади. Бу аввалги турга яқин ва ўхшашдир. Масалан: “Кимларки, Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм чиқармас эканлар, бас улар кофирдирлар” (Моида: 44) оятда “ман” (“ким”) мавсул исми маънони умумий, мужмал қилган бўлиб, шунга кўра оятнинг аҳли китоблар ҳақида нозил бўлгани ёки умумий барчага тегишли эканлиги ажратилмаган. Агар оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоят келтирилса, унинг насронийлар ҳақида нозил бўлгани билинади ҳамда “ман” сўзи “қайсики” маъносида бўлиб, “нозил қилинган Инжил билан ҳукм юритишни тарк этганлар, Муҳаммадга ҳам куфр келтиришлари ажабланарли эмас” деган маъно келиб чиқади. Бу маънони ушбу оятдан олдинги ва кейинги келганлари ҳам қўллаб-қувватлайди. 3. Оятнинг маъносини янада кенгроқ тушунишда кўмак берувчи ривоятлар. Масалан: “Дарҳақиқат, Сафо ва Марва (тепаликлари) Аллоҳнинг шиорларидан. Кимки, Аллоҳ уйига Ҳаж ёки Умра қилганида, улар орасида тавоф (саъй) қилса, унга гуноҳ йўқдир” ояти сабабун-нузулга оид ривоятсиз ҳам тушунарли мазмунни касб этса-да, лекин қуйидаги ривоят оятни янада кенгроқ тушунишда кўмак беради. Оишадан қилинган ривоятга кўра, исломдан аввал Сафо тепалигида Исоф бути, Марва тепалигида Ноила бути турган ва араблар уларга илтижо қилишган. Шунинг учун мусулмонлар у

иккиси орасида саъй қилишни гуноҳ санашган, шундан сўнг ушбу оят тушиб, уларнинг орасида саъй қилиш кераклиги баён этилган<sup>10</sup>. Қуръон башарият тарихининг сўнги ўн тўрт асри мобайнида муҳим аҳамият касб этган, ислом таълимотининг марказий қисмини эгаллаган манбадир. Айтиш мумкинки, мазкур китоб шарқ ва ғарб мамлакатларида танила бошлаган даврлардан то бугунги кунга қадар турли тарзда талқин қилинди ва ўрганилди. Ўтган асрларда инсоният кўплаб ғоявий тўнтарилишлар ва маданий инқилоблар даврида яшаб, оммавий равишда бир-бири билан ўрин алмашган диний-сиёсий ҳаракатлар, шон-шухрат қозонган ва таназулга юз тутган фалсафий концепция ва мактаблар, ўзгариб турувчи маданиятларга гувоҳ бўлди. Мазкур жараёнларга эътиборимизни қаратсак, Қуръонга бўлган муносабатлар ҳар бир даврнинг ғоявий таъсири остида ўзгариб борганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Mehmet Paçacı. Kur'an'a girish. – Istanbul: Isam yayinlari, 2013. – Б 127.
2. Муҳаммад Абдулазим Зарқоний. Маноҳил ал-ирфон фи улум ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий. 1995. Ж 1. – Б 91.
3. Ал-Ҳофиз Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий. Ал-итқон фи улум ал-Қуръон. – Ал-Қоҳира: Дор ал-ҳадис. 2004. Ж 1. – Б 108.
4. Муҳаммад Абдулазим Зарқоний. Маноҳил ал-ирфон фи улум ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий. 1995. Ж 1. – Б 89.
5. Ал-Ҳофиз Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий. Асбоб ан-Нузул. – Ал-Қоҳира: Мактаба ас-сақофийя ад-динийя. 2004. – Б 3.
6. Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) / Масъул муҳаррир О.Юсупов; Тузувчилар: К.Шермухамедов, Ж.Каримов. – Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2014. – Б. 93.
7. Алимов У. Сўраган эдингиз... 1-жилд. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 15-16.

---

<sup>10</sup> А. Ғ. Абдулаев “Қуръоншунослик”. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. Б.92



Хамидов Мухиддин Дониёр угли  
(Ташкент, Узбекистан)

## РЕАЛИЗАЦИЯ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА: АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ И ПРОБЛЕМЫ

**Аннотация.** В статье исследуется Мусульманский Ренессанс, аналитический анализ Тимуридского Ренессанса, их влияние на историю народов Узбекистана. А также основные направление, проблемы и перспективы реализации в Республике задач Третьего Ренессанса.

**Ключевые слова:** Возрождение, управляемый ренессанс, реставрация, Европа, народы Востока, Амир Темур, Темуриды, Алишер Навои, социально-экономический, экономический, религиозно-идеологический, региональный.

В своей поздравительной речи по случаю 29-летия Независимости Республики Узбекистан Президент Шавкат Мирзиёев подчеркнул, что целью развития Узбекистана должен быть Третий Ренессанс. Эта великолепная стратегическая идея во всем своем величии показывает общую цель национального развития во всех ее аспектах. Практически на современном этапе развития глава государства выражает новое и уточненное содержание национальной идеи Узбекистана.

«Идея Третьего Ренессанса должна быть сначала глубоко осознана нашим обществом. Во всем, наша работа на местах, наши планы и программы на будущее, образовательная и кадровая политика, инвестиционная политика - все должно быть направлено на создание условий и среды для этого» [1].

«Ренессанс» буквально означает «возрождение» на французском языке. Как термин он имеет гораздо более широкое значение: он возрождается и стремительно развивается после длительного периода застоя в культуре, науке, искусстве, образовании и обществе в целом, а система общественного сознания и ценностей выступает в качестве новой силы. Этот термин впервые был использован в средневековой Европе XV-XVI веков.

В 1909 году выдающийся австрийский востоковед Адам Мец опубликовал фундаментальный труд «Мусульманский Ренессанс». С тех пор появляется все больше исследований о том, что Ренессанс был не только европейским феноменом, но и что народы Востока дознали его раньше, чем европейцы. Великий русский востоковед Н. Н. Конрад указывает, что Возрождение началось в Китае в VII-VIII веках и продолжилось в Индии в VIII веке. Он прослеживает возрождение Мусульманского Востока до времен Алишера Навои. Джавахарлал Неру, в частности, считал Бобура типичным представителем эпохи Возрождения.

Наши предки-джаиды первыми сделали глубокие исторические выводы из истории Мусульманского Ренессанса. Предлагаемые ими реформы были направлены на возрождение нации и ее духовное развитие.

После обретения Независимости руководством Респудилики разрабатывались программы национального возрождения. Сегодня, когда мы перешли от национального

возрождения к национальному подъему, глава государства поставил стратегической задачей достижение Третьего Ренессанса. Действительно, исторически мы пережили два Ренессанса: первый в IX - XII веках, второй в последней четверти XIV века - первой четверти XVI века. В эпоху Первого Ренессанса такие великие гении, как Фергани, Хорезми, Фароби, Беруни, Ибн Сино, Юсуф Хас Хаджиб, Махмуд Кашгари, Махмуд Замахшари, великие знатоки хадисов - Бухари, Термизий, мутакаллим – Мотуриди и Насафи и другие известные светские и религиозные ученые были яркими представителями своей эпохи.

Во время Второго Ренессанса (Темуридского) Улугбек, Гиёсиддин Джамшид Каши, Казизода Руми, Али Кушчи, Лугфи, Джами, Навои, Бехзод, великие архитекторы, композиторы, художники, историки и создали произведения, которые сегодня поражают мир.

Ренессанс был периодом особого культурного и интеллектуального развития в Центральной Азии, Иране, Китае (9-12 и 15 века) и Западной Европе. Термин «Возрождение» первоначально использовался для обозначения культурного и духовного подъема в Италии (14-16 вв.), который рассматривался как переход от средневекового застоя к новой эпохе. Основными чертами Возрождения были: прославление человека (см. Гуманизм), раскрытие его талантов и интеллектуального потенциала, прорыв через догматизм, невежество и фанатизм в мысли и науке; вернуться к культуре древних времен (греческой), восстановить ее, обогатить; избавиться от церковной схоластики, петь песни мирской красоты и жизни в литературе и искусстве; борьба за свободу человека, фанатизм. В результате были продемонстрированы великолепные произведения искусства, великолепные здания и достижения науки, продемонстрировавшие силу творчества и мышления. В Италии поэт Петрарка и Данте, художник Джотто, писатели и мыслители Боккаччо, Ариосто, Тассо и Бёме выступали как вестниками Возрождения. Позже Микеланджело, Рафаэль, Шекспир, Сервантес продолжили это в разных странах Европы. Но Возрождение - это не только европейское явление. Работа ученых, изучающих мировую культуру в целом, показала, что Мовароуннахр, Хорасан и Иран, расположенные в Центральной Азии, пережили большой культурный подъем на несколько веков раньше, чем Италия (IX-XII века), и что наука, философия, процветала литература, была занята, умственно и творчески активна. Этот период известен в мировой науке как «Мусульманский Ренессанс» (А. Мец) или «восточное пробуждение» (Н. И. Конрад). Восточный Ренессанс воплотил в себе основные черты Европейского Ренессанса: активную творческую деятельность, большой творческий труд, создание несравненных шедевров.

В Ренесанс развивался за пределами Италии (условно называемой «северной») в XV веке. Мастера готической традиции освоили некоторые явления на практике. Архитектура эпохи Возрождения в Нидерландах и Германии восходит к периоду поздней готики (мэрия Антверпена, 1561-65, архитектор К. Флорис; Гейдельбергский дворец, Германия, 1556-59). В середине XVI века во Франции сформировался уникальный архитектурный стиль, основанный на античности и архитектуре итальянского Возрождения (замок Шамбор, 1519-40, архитекторы Т. и Д. Сурдо, П. Нево и др.). Испания, Чехия, Польша и Венгрия. Архитектура эпохи Возрождения имела свои

национальные особенности (Летний дворец Бельведер в Праге, 1535-63, архитектор Й. Спатсио и др.) [2].

Ярко выразились великие идеи Ренессанса, особенно в изобразительном искусстве: любовь к жизни, большое доверие к человеку, его воле и разуму. Итальянские художники, творчески освоившие наследие древности, старались максимально точно изобразить человека и окружающую его среду, опираясь на научные достижения своего времени. Они описывают искусство с точки зрения перспективы, пропорций, нурсойи, ритма, цвета, объема, угла и так далее. и обогащенная четким знанием строения человеческого тела, переход от иконы к живописи, скульптура стала самостоятельным жанром, и искусство фрески процветало. Первые черты новой эпохи наблюдались в творчестве художников 13-14 веков (живописец Йотто, скульптор Н. Пизано), а в начале 15 века новое художественное мировоззрение нашло отражение в творчестве художника Мазаччо и скульптор Донателло. Высокий Ренессанс - относительно короткий период в итальянском искусстве, но его содержание настолько велико, что считается «золотым веком» итальянского искусства. Этот период отражен в психологически влиятельных работах Леонардо да Винчи, гармоничных полотнах Рафаэля, картинах и скульптурах Микеланджело в духе борьбы, Георгоне, красочных картинах жизни Тициана и многом другом. Экономический и культурный кризис в Италии, начавшийся во второй четверти XVI века, положил начало краху и исчезновению гуманистических идей. Светское яркое искусство и культура эпохи Возрождения сменилось глянцевым, но надуманным искусством (маньеризмом), которое способствовало распространению депрессивных идей.

Темуридский Ренессанс совпал с Европейским Ренессансом. Он описывается как эквивалент Quadrocento Италии с точки зрения славы. Пик Темуридского Ренессанса пришелся на XV век, после окончания монгольских нашествий и завоеваний.

Темуридский Ренессанс, основанное на персидско-исламских идеях, включает реконструкцию Самарканда, открытие шахмата Темура Амиром Темуром, правление Шахруха Мирзы и его жены Гавхар Шодбегим в Герате (известном как соперник Флоренции, центра Итальянского культурного ренессанса) [3] [4] и период математика Мирзо Улугбека, а также строительство ряда учебных заведений меценатом Хусейном Бойкаро. [6] В период правления Амира Темура возродился интерес к классическому персидскому искусству. Мавзолей, медресе и библиотеки строились как крупные строительные объекты. Возродились математические и астрономические исследования, к началу XVI века освоено огнестрельное оружие.

Основными строительными работами в жизни Темура были Летний дворец в Шахрисабзе, мечеть Биби-Ханум и мавзолей Ахмада Яссави. В этот период город Герат стал важным центром научной и художественной жизни мусульманского мира. Самарканд стал центром Возрождения и культуры в результате реконструкции города и повышенного внимания.

Темуридский Ренессанс отличался от культурного и художественного развития предыдущей династии Буидов тем, что это было не прямое возрождение классической культуры, а добавление новых диалектов к персидскому, таких как более распространенные тюркские и официальные языки. Темуриды унаследовали эпоху

Ренессанса от Монгольской империи и имели значительное влияние на другие государства во времена исламских пороховых империй (Османская Турция и Сефевидский Иран).

Необходимо констатировать, что во времена первого и второго Ренессансов мы были одними из самых передовых народов в мире и если мы хотим снова достичь этого уровня, нам необходимо реализовать задачи построения Третьего Ренессанса.

Национальная идея - это, по сути, концепция или лозунг, в нескольких словах или фразах выражающий конечную цель конкретной нации. Она объединяет и мобилизует людей для этой цели. Люди координируют все свои усилия, стремления и творческую деятельность. При необходимости она радикально реформирует свои экономические и социальные отношения, правовые, политические и идеологические основы страны и систему образования. Одна из главных задач национальной идеи - это, прежде всего, сохранение и укрепление единства народа, территориальной целостности страны. Во-вторых, она определяет высшие цели, задачи развития и задачи нации в целом. Национальную идею можно выразить по-разному. Однако, независимо от формы выражения, он должен показывать людям будущее, социальную цель [5].

Сегодня, чтобы возродить национальную идею, необходимо обогатить ее идеями Третьего Ренессанса. Только осознав Третий Ренессанс, мы сможем построить свободную и благополучную жизнь на свободной и процветающей Родине. Или, что более удобно, наступление Третьего Ренессанса уместно объявить новым выражением национальной идеи.

Национальная идея представляет собой стратегическую цель, а не текущую. В этом смысле идея Третьего Ренессанса очень подходит для реализации концепции будущего развития страны.

Мобилизующая сила этой идеи в целом имеет очень высокий идеологический потенциал. В то же время, славные страницы нашего прошлого связаны с творческим потенциалом наших великих предков. Это напоминает нам о том, чьими наследниками мы являемся. На пути к Третьему Ренессансу наш народ не должен отвлекаться на различные мелкие временные проблемы: сектанство, местничество, сепаратизм, идеологического фанатизм и т.д. Мы не имеем права забывать уроки истории.

Идея Третьего Ренессанса близка нашему национальному духу и чаяниям нашего народа.

Реалии настоящего времени заставляет задуматься с чего начать, превращение идеи Третьего Ренессанса жизненно важную и влиятельную национальную идею?

Ренессанс просто не происходит. Для этого необходимо проводить продуманную политику, поднимать моральный дух людей и прилагать решительные усилия.

Прежде всего, необходимо уточнить содержание концепции, довести ее до сведения всех слоев населения, особенно молодежи. Необходимо суммировать то, что наши предки достигли колоссальных успехов в эпоху Ренессанса, их вклад в мировую цивилизацию, достижения других народов и регионов, одну из ведущих мировых культур, науку, искусства и литературу, а также передовые социальные идеи.

Также необходимо объективно проанализировать причины кризисных явлений разных периодов нашей истории. Хотя Великий Шелковый путь пришел в упадок из-за

Великих Географических открытий, он и ранее подвергался внутренним и внешним конфликтам, спорам, разделениям, а также отсутствию внимания и социально-экономическому развитию общества, что являлось основной причиной кризиса. Чтобы извлечь уроки из истории, сделать соответствующие выводы, их необходимо довести до сведения молодежи, населения. Мы больше гордимся достижениями нашего предыдущего Ренессанса и почему-то не любим говорить о причинах их кризиса.

Целесообразно оценить исторические условия и требования Первого и Второго Ренессанса, а также обосновать и доказать, что исторические условия и требования Третьего Ренессанса совершенно другие.

Третий Ренессанс совпал с Четвертой промышленной революцией. В свою очередь, переход к цифровой, умной экономике требует постепенной модернизации, автоматизации и роботизации производства. Этапы, на которых будет происходить этот процесс в Узбекистане, конкретные и перспективные комплексные программы его материального, финансового, человеческого, научного и технологического обеспечения должны быть идеологически увязаны с идеей нового Возрождения. В связи с необходимостью научно-технической и технологической поддержки все уровни образования должны постоянно реформироваться [6].

Два предыдущих Ренессанса были основаны на прочной духовной и идеологической основе, прежде всего на основе высокой морали, справедливости, тяги к знаниям и толерантности. Ислам ставит честность и правдивость, справедливость, знания и практическую деятельность превыше всего.

Из вышесказанного ясно, что Третий Ренессанс требует от нас более глубокой интеграции в международное сообщество в областях науки, технологий, информации, культуры и экономики. Но мы должны сохранить нашу идентичность, наш язык, нашу национальную идентичность, нашу духовность. Это означает, что нужно уделять пристальное внимание системе образования.

Человек - создатель Нового Возрождения. Каждое общество воспитывает нужного ему человека. Он имеет ряд этических, религиозных, профессиональных, юридических и других требований в зависимости от уровня его развития и тенденций. Конечной целью развития общества также является человек, его благополучная, свободная и безопасная жизнь. Человека, полностью отвечающего потребностям общества, в разное время называли по-разному. Юсуф Хас Хаджиб называл его «совершенным человеком», Фароби - «благородным человеком», а мистики - «совершенным человеком». Также употребляются термины «всесторонне развитая личность» и «гармонично развитая личность».

После обретения Независимости мы стали использовать термин «гармонично развитое поколение» для молодого поколения. Воспитывая будущего человека, мы должны в первую очередь учитывать тенденции общественного развития и в то же время особенности нашей национальной духовности. Поэтому нам необходимо заранее смоделировать требования «четвертой промышленной революции», основанной на искусственном интеллекте и высоких технологиях, и адаптировать к ним систему образования.

Задачи промежуточного этапа идеи Третьего Ренессанса должны быть определены. Например, в 2030 году, в 2040-2050 годах, какой объем ВВП мы будем производить на душу населения и каково будет наше положение в мировых рейтингах? Какие у нас достижения в образовании, культуре и науке? Для них должны быть поставлены цели. Тогда мобилизующий эффект этой идеи будет конкретным и сильным. Однако мишени не должны быть воздушными и не должны состоять из определенных цифр. Не стоит пренебрегать задачами в области новых ИКТ, нанотехнологий, биотехнологий, искусственного интеллекта и так далее.

Любой великий план, любая великая идея становится жизнеспособной и реальной только в том случае, если она напрямую связана с человеческими потребностями, улучшением жизни, увеличением свободы и духовной зрелостью. В противном случае он останется воздухом желания.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 29-й годовщине независимости Республики Узбекистан.
2. Гафурбеков А., Интерпретации образа Амира Темура: правда и искусство // Амир Темура: оценка личности современниками, Т., 1997.
3. Конрад Н. И., Запад и восток, М., 1992;
4. Сулаймонова Ф. Восток и Запад Т., 1997;
5. Хайитметов А., Из истории творческого метода восточной литературы [10-15 вв.], Т., 1970;
6. Камилов Н. Караваны мысли, Т., 1999;

## СЕКЦИЯ: КУЛЬТУРОЛОГИЯ

Mahmudov Otabek Valijonovich, Adxamov Jasurbek Shuhratjon o'g'li  
(Farg'ona, Uzbekistan)

JAHON RAQAMLI KUTUBXONASIDAGI MAMLAKATIMIZGA OID ILMIY, TARIXIY  
ASARLAR VA ULARNING TAVSIFI

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada Jahon raqamli kutubxonasi tizimida saqlanayotgan O'zbekistonga oid ilmiy-madaniy boyliklar va ularning tavsifi batafsil yoritilgan bo'lib, ular mamlakatimizning boy madaniy tarixi, ilmiy va tarixiy asarlari hamda O'zbekistonda yashab o'tgan qomusiy olimlar va allomalarning jahon madaniy sivilizatsiyasi rivojiga qo'shgan ulkan hissasi haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** jahon madaniy sivilizatsiyasi, Muhammad Muso al-Xorazmiy, "Al-kitob al-muxtasar fi hisob al-jabr va al-muqobala", Muhammad Tarag'ay Ulug'bek, "Zij al-Jadidi Ko'ragoniy", Abulg'oziy Bahodirxon, "Shajarayi turk".

Buyuk tarix shunga guvohki, O'zbekiston hududi o'tmishda ulug' allomalar, olim-ufuzalolar yurti, bir so'z bilan aytganda, tamaddun beshigi sifatida dunyoga tanilgan. Jahonga mashhur Muhammad Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Ibn Sino, Abu Nasr Forobiy, Ahmad Farg'oniy, Mirzo Ulug'bek, Ali Qushchi singari qomusiy olimlar yashab ijod qilgan va dunyoda "birinchi renessans" davrini boshlab bergan fozil-olimlar maskanidir. Shu o'rinda Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning quyidagi fikrlari buning yaqqol isboti bo'la oladi, ya'ni "O'zbek nomini, o'zbek ilm-fani va madaniyatini, bir so'z bilan aytganda, xalqimizning yuksak salohiyatini, uning qanday buyuk ishlarga qodir ekanini dunyoga namoyish qilishda yurtimiz zaminidan yetishib chiqqan yuzlab ulug' zotlar fidoiylilik namunalari ko'rsatib kelgan. Bunday insonlar diyorimizda hozir ham ko'plab topiladi va bundan keyin ham ularning saflari kengayib boraveradi"<sup>11</sup>.

Yurtimiz hududidan yetishib chiqqan allomalar o'zlarining ilmiy faoliyati davomida minglab ilmiy asarlar yozib qoldirgan va bu asarlar oradan bir necha asrlar o'tsa hamki o'z ahamiyatini yo'qotmay jahon hamjamiyati tomonidan katta e'tirof bilan o'rganib kelinadi. Shuni ham aytib o'tish joizki, ular qoldirgan ilmiy asarlar nafaqat O'zbekiston xalqining madaniy mulki bo'libgina qolmay, balki jamiyki insoniyatning nomoddiy merosi hisoblanib, dunyoning turli nufuzli kutubxonalarida saqlanib kelinadi. Tabiiyki, ushbu madaniy boyliklar Jahon raqamli kutubxona tizimida ham saqlanadi. Muhammad Muso al-Xorazmiy (783-850-yillarda yashagan)ning arab tilida bitilgan va uch qismdan iborat "Al-kitob al-muxtasar fi hisob al-jabr va al-muqobala" ("المقابلة و الجبر كتاب") asari bo'lib, bu asar Seviliya (Ispaniya)da 1145-yilda Robert Chester tomonidan lotin tiliga tarjima qilingan<sup>12</sup>. 1342-yilda ko'chirilgan arab tilidagi yagona qo'lyozma nusxasi esa Buyuk Britaniyaning Oksford universiteti kutubxonasida

<sup>11</sup> Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: "Ma'naviyat", 2008, 121-b.

<sup>12</sup> Xayrullayev M. Ma'naviyat yulduzlari. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999, 41-bet.

saqlanadi. Shuningdek, mazkur asarning arab tilidagi asl varianti 1831-yilda Londonda ingliz olimi F.Rozen tomonidan chop ettirilgan. Asarning arabcha qo'lyozmalari va lotincha tarjimalari XIX va XX asr olimlari tomonidan chuqur o'rganilgan. Xorazmiyning bu asari matematika va arifmetikaga oid bo'lib, jami 106 betni tashkil etadi va yaratilgan sanasi aniq emas. Bu asar Qohiradagi Paul Barber nashriyotida ham arabchada chop etilgan bo'lib, Jahon raqamli kutubxona tizimiga Misrning Aleksandrina kutubxonasi tomonidan taqdim etilgan.

O'rta Osiyodan yetishib chiqqan va o'rta asrlar "musulmon renessansi"da o'zidan katta iz qoldirgan buyuk astronom olim Muhammad Tarag'ay Ulug'bek (1394-1449 yillarda yashagan) bo'lib, u o'zidan astronomiyaga oid "Zij al-Jadidi Ko'ragoniy" ("Astronomik jadvallar") asarini qoldirdi. Olim mazkur asarda o'zining kuzatishlariga tayanib 1018 ta qo'zg'almas yulduzlarning joylashuv o'рни va kordinatlarini yaxlit jadval asosida ilmiy asoslab berdi va astronomiya ilmi rivojiga ulkan hissasini qo'shdi. Mazkur ilmiy astronomik asar Ulug'bekning qariyb 30 yillik izlanishlari samarasi natijasida 1444-yilda fors tilida qora siyoh bilan bitilgan va G'iyosiddin Jamshid al-Koshiy tomonidan arab tiliga tarjima qilingan, jami 239 sahifani tashkil etadi va har bir sahifani o'lchami 25 santimetrdan iborat.

Mirzo Ulug'bekning "Zij al-Sultoni" asari XVII asrda lotin tiliga tarjima qilingan. Masalan, ingliz sharqshunos olimi Jon Grivz va Tomas Xayd tomonidan 1655-yilda tarjima qilinib, Londonning Oksford universiteti matbuotida bosib chiqarilgan. Ayni paytda Mirzo Ulug'bekning ushbu asari Qatar Milliy kutubxonasida saqlab kelinadi<sup>13</sup>. Bundan tashqari kitobning qo'lda ko'chirilgan nusxalari Buyuk Britaniya, Fransiya, Turkiya va Hindiston Respublikasi kutubxonalarida, fors tilida ko'chirilgan eng eski nusxalaridan biri O'zbekiston Fanlar Akademiyasining Sharqshunoslik institutida saqlanadi<sup>14</sup>.

Jahon raqamli kutubxonasi tizimidagi O'zbekistonga oid eng noyob madaniy boylik Xiva xoni Abulg'oziy Bahodirxon (1603-1663 yillar) tomonidan turkiy tilda bitilgan "Shajarayi turk" asaridir. Abulg'oziy Bahodirxon mazkur asarini 1659-yilgacha o'zi yozgan va shu yili vafot etganligi tufayli bu asarni uning o'g'li Anush ibn Muhammad Bahodir 1665-yilda yozib tugatgan va Odam Atoning yaratilishdan boshlab 1663-yilgacha bo'lgan davrdagi turklarning umumiy tarixi va nasl-nasabi bayon etilgan. Bundan tashqari, bu asarda Buxoro xonligini 1500-1598-yillarda boshqargan Shayboniylar sulolasi vakillari batafsil yoritib berilgan. "Shajarayi turk" asari dastavval 1726-yilda fransuzchaga tarjima qilinib Leydenda "Histoire genealogique des Tatars" nomi bilan chop etilgan. Keyinchalik kitobning 1726-yilgi fransuzcha tarjimasi asosida 1768-yilga kelib Rossiya Fanlar akademiyasi akademigi Vasiliy Krillovich Trediakovskiy rus tilida nashr ettirgan. Kitob 2 jildli bo'lib, 1-jild 483-bet, 2-jild 480-betdan tashkil topgan va asarning har bir jildi boshida Shimoliy Osiyo mintaqasining geografik xaritalari tasvirlangan. Hozirda mazkur tarjima asarning original varianti Rossiya davlat kutubxonasida saqlanadi.

Global raqamli kutubxona tizimida saqlanayotgan O'zbekistonga oid yana bir yirik tarixiy asar Buxoro amiri Said Mir Muhammad Olimxon (1880-1944 yillar yashagan)ning "Buxoro xalqining hasratli tarixi" yoxud "Millatlar iztirobi" deb nom olgan asaridir. Amir Said Olimxon o'z asarida 1920-yil Buxoro amirligi rasmiy hukumatini Qizil Armiya tomonidan

<sup>13</sup> Кари Ниязов Т.Н., *Астрономическая школа Улугбека, Избранные труды*, 6-том, - Т.: 1967, стр. 115.

<sup>14</sup> Ahmedov A. *Ziji jadidi Ko'ragoniy*, - Т.: 1996, 97-b.



ag'darilishi, Buxoro xalqining sovetlar tomonidan asoratga solinishi, amirlikning nohaq tugatilib kommunistik tuzumdagi davlat tuzish jarayonlari batafsil bayon etilgan. "Millatlar iztirobi asari" 1921-1926-yillarda atrofida yaratilgan bo'lib, to'liq forsiy matnlardan iborat. Asardagi forsiy matn 1921-yilga oid, ammo kitobda Buxoro va uning Afg'oniston bilan chegarasi xaritasi keltirilgan. Amir Said Olimxonning ushbu asari 1925-yilda fransuz tiliga ham tarjima qilinib, tarjima variant bir nechta illyustratsiyalar va amirning fotosuratlari bilan to'ldirilgan. Mazkur asarning fransuz tilidagi tarjima versiyasi jami 102 bet, illyustratsiyalar, rangli xaritalar, Buxoro amiri fotosuratlaridan iborat bo'lib, kitobning har bir sahifasi o'lchami 19 santimetрни tashkil etadi va hozirda ushbu asarning fransuz tilidagi original tarjima varianti AQSHning Kongress kutubxonasida saqlanadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, O'zbekiston o'zining qadimiy va boy tarixiy merosi, yuksak darajadagi ilmiy-madaniy salohiyati hamda yurtimizdan o'rta asrlarda va undan keyingi davrda yetishib chiqqan buyuk allomalarning dunyo ilm-faniga qo'shgan beqiyos hissasi va ular tomonidan yaratilgan noyob va nodir qo'lyozma asarlar dunyo tamaddunida o'z o'рни, yuksak qadri va beqiyos ahamiyatiga egadir.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: "Ma'naviyat", 2008.
2. Xayrullayev M. Ma'naviyat yulduzlari. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999.
3. Кари Ниязов Т.Н., Астрономическая школа Улугбека, Избранные труды, 6-том, - Т.: 1967.
4. Ahmedov A. Ziji jadidi Ko'ragoniy, - T.: 1996.

Холмўминов Мўминмирзо Зокир ўгли  
(Тошкент, Узбекистан)

### ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛЛАРИНИНГ РЕПЕРТУАР ДАСТУРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Аннотация.** Ушбу мақолага Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фольклор жамоаларининг репертуар дастурларини шакллантиришдаги ўзига хосликлар ва ижро этиш маҳоратини мукамаллаштириш воситалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** Folklor, jamoa, qo'shiq, repertuar, urf odat, an'ana, marosim

**Аннотация.** В этой статье описаны особенности в формировании репертуарных программ фольклорных коллективов, осуществляющих деятельность в Республике Узбекистан и средства совершенствования мастерства исполнения.

**Ключевые слова:** фольклор, коллектив, песня, репертуар, обычай, традиция, церемония.

**Annotation.** This article describes the features in the formation of repertoire programs of folklore groups operating in the Republic of Uzbekistan and the means of improving the performance skills.

**Key words:** folklore, collective, song, repertoire, custom, tradition, ceremony.

Халқ ижодиётини асраш ва ривожлантиришда фольклор-этнографик ансамбллар раҳбарларининг бу соҳадаги ижодий иқтидори муҳим амалий аҳамиятга эга. Ижодий жамоада олиб бориладиган амалий ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг бадиий сўз қадрини, мусиқийлигини чуқур ҳис қилишга, халқ кўшиқларининг энг яхши намуналарини танлай олиш ва тарғиб қилиш қобилиятига, шунингдек шахснинг камол топишига, ўзбек халқ кўшиқчилиги ва рақс санъатининг нафини қанчалик теран тушунишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ансамбллар учун керакли асарларни саралашда, халқ ижодиёти бўйича дастурлар тузишда қимматли маслаҳатлар бериб келмоқда. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архивларида сақланаётган матнлар ва айтилган халқ кўшиқлари тўпламларидан (манбаларидан) фойдаланиш, фольклор ансамблларининг кенг қамровли репертуарини таъминлаш имконини яратмоқда. Чунки халқнинг аъъанавий қушиқлари қадимий тарихга эга бўлиб, у жонли оғзаки ижрода кўпроқ қишлоқ жойларида яхши сақланган. Бирок бундай кўшиқларнинг энг сара ижрочиларини излаб топиш, улар куйлаган кўшиқлар матнини ёзиб олиб, жамоа аъзоларига ўргатиш ҳамиша ҳам осон кўчавермайди. Бу йўлда тинмай изланиб, тарғиб қилиш лозим бўлади. Халқнинг энг сара кўшиқларини ансамблга жалб қилинган

ижрочиларнинг ўзларидан ёзиб олиш мумкин. Бундан ташкари, муайян ҳудуддаги кекса авлод вакилларидан ўрганиб олинган кўшиқларни ижро этган ёш ижрочиларни ёки шундай кўшиқларни билган қариндош-уруғ ва таниш-билишларни шу кўшиқларни ижро этиш учун ансамблга жалб этиш мумкин. Қадимий анъанадаги кўшиқларни халқ орасида танилган ижрочилар гуруҳи ёки хонандалардан ҳам ёзиб олса бўлади.

Ансамбль репертуарини янги халқ кўшиқлари билан бойитишда фольклор экспедицияларида тўпланган матнлар муҳим манба ҳисобланади. Чунки экспедициялардаги жамоа иштирокчиларининг кўшиқларни ижро этиш борасидаги маҳорати, тажриба ва ижодий малакалари, халқ ҳофизлари, бахшилари билан бевосита ижодий мулоқотда бўлиш жараёнида муайян даражада ортади.

Бинобарин, репертуар фольклор ансамблининг ғоявий-бадий савияси ва унинг профессионал ижодий маҳоратини аниқлаб берадиган кўзгу ҳисобланади. Шунинг учун репертуарга киритиладиган фольклор асарининг бадий жиҳати ва ғоявий мазмунига, кўшиқларни танлашга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Куйидагилар: репертуарнинг гоаявий-бадий нуфузи, унинг ижодий жамоадаги тарбиявий салоҳияти; ижрочиларининг маҳорати ва улар санъатидан баҳраманд бўлувчи аудитория репертуар шаклланишининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Шунинг учун репертуарга ўзбек фольклорининг хилма-хил жанрларидан дилига яқин рақсбop асарларни, айниқса, маросим фольклори намуналарини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ижрочилик ранг-баранг усулларининг энг мақбулларидан самарали фойдаланиш, уларни умумлаштириш жамоа ижодий салоҳиятини оширади. Айтиш ўринлики, ҳаваскорлик ансамбллари тажрибасида бир услубда ижро этиладиган кўшиқларга таяниш, шунингдек, турли вилоятлардаги кўшиқларни ижро этиш усулларини уйғунлаштириш анъанаси кўзга ташланади. Назаримизда бу услуб, анъанавий фольклорни ривожлантиришда истиқболроқдек кўринади. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази фольклор ансамбллари ижроларини хато камчиликларини таҳлил қилиб, уларга тўғри йўналиш кўрсатишга ҳақлидир. Шундагина улар халқ кўшиқларини ижро этишда Фарғона, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятлардаги мавжуд услублар асосида ўзбек миллий маданиятининг ниҳоятда бой серқирра ижодий имкониятларини намойиш эта оладилар.

Фольклор ансамбли репертуарида айниқса ижро услубининг муайян томонлари шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ансамбль репертуарига қайта ишланган ёки мустақил яратилган ананавий халқ намуналари билан бирга, муаллифлар асарларининг киритилиши замонавий оҳангларни кучайтириш, шунингдек, миллий қадриятлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Бундай янги кўшиқлар ва муаллифлар асарлари ватанпарварлик, Ватан истиқболи туйғуси билан тўлиб-тошган ҳозирги кунимиз қаҳрамонларининг қалб истакларини акс эттирувчи асарлар бўлиб, ёшлар тарбиясига алоҳида таъсир кўрсатади. Унутмаслик керакки, кўпинча халқ кўшиқларнинг қайта ишланган ва бадий сайқал берилган намуналарига хос эстетик дид ва бадий сўзни ҳис қилиш кўникмасига, кўҳна мусиқа фольклори нисбатан кўпроқ маъкул ва мос бўлади. Шунинг учун фольклор-этнография репертуари

шакланишининг дастлабки босқичларида қайта ишланган қўшиқларга, шунингдек, қўшиқ муаллифларининг фольклор услубида халқ руҳиятига мос киритган муаллифлар асарларини пухта ўйлаб, асарга танқидий ёндашиб саралаш ниҳоятда муҳим. Айниқса, танлаб олинган материаллар ансамбль ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бўлиши, ижро этиладиган асар ансамблда шакланган ижро услубига мос келиши лозим. Эсдан чиқармаслик лозимки, муаллиф асарлари анъанавий халқ қўшиқларида асрлар давомида шакланган халқона руҳни ўзига тўла сингдирган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ансамбль у ёки бу вилоятнинг қўшиқчиликка хос бой меросидан фойдаланишда ҳамиша унга ижодий ёндашиши лозим, чунки, муайян ҳудудда шакланган миллий анъаналарнинг хусусиятлари, бадий ифоданинг сеvimли воситалари мавжудлиги, қўшиқни ижро этишнинг локал ҳудуд фарқлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, Хоразм халқ қўшиқлари шўх-шодон ва ўйноқи бўлса, фарғоналикларники залворли ва вазминроқ бўлади. Самарқандга оид халқ қўшиқларида шиддатли исёнкор рух уфуриб турса, бухороликларда дардчил ва нафислик яққол билиниб туради. Халқ қўшиқларининг ижро усули ва матни тузилишига кўра ҳар бир вилоятники ўзига хос, бир-бириникидан фарқланади. Аммо уларнинг мақсади битта – халқ орзу-умидлари, армон-истакларини изор этишдир.

Ансамбль репертуарини бадий жиҳатдан мукаммаллаштиришда фольклор санъатининг бадиҳагўйлик, ҳозиржавоблик, вариантлик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

**Импровизация** – ҳозиржавоблик ва бадиҳагўйлик санъати халқ оғзаки ижоди бадий хазинасини шакллантирувчи асосий омиллардир. Бадиҳагўйликни ривожлантиришда фольклор ансамблининг ўрни катта. Бадиҳагўйлик бўйича махсус услубий иш олиб бориш, турли тавсияномалар яратиш, кенг қамровли илмий-ижодий изланишлар асосида иш кўриш талаб қилинади.

Маълумки, халқ қўшиқлари ижрочилигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – қўшиқнинг, хусусан лапарларнинг рақс-ўйин санъати билан бевосита боғлиқлиги ва уйғунлашиб кетганлигидир. Фольклор ансамблининг раҳбари тўй-маросим қўшиғи ҳисобланган лапар жанрининг ўзига хос томонларини ҳамиша эътиборга олиш, унинг матнларига замонавий руҳни сингдириб бориши зарур. Бироқ бу уйғунликда ҳам ҳар бир вилоятнинг ҳудудий ўзига хослиги, бадий хусусиятлари, жўшқинлиги, рақс ҳаракатининг залворлилиги кескин фарқланиб туради. Ҳатто саҳнада кийиб чиқиладиган либосларнинг ўша ансамбль фаолият кўрсатадиган жойга хос бичимга эга бўлиши ҳам аҳамият касб этади. Масалан, бухороча рақсда зардори камзул кийилса, фарғонача рақсда олди очиқ, бели хипча беқасам беш-бел чопон, Наманганда бели ихчам нимча-ю ҳарир кўйлак кийилади. Борди-ю, рақс гуруҳи алоҳида бўлса, янада яхши. Чунки қўшиқчилар билан раққосаларнинг вазифаси ва жамоадаги вазифаси аниқ бўлиб, уларнинг ижодий фаолияти мазмунан теран бўлади.

Фольклор-этнографик ансамблларнинг муҳим, ўзига хос хусусиятларидан яна бири фольклор асарларининг саҳнавий талқинларини яратишдир. Бу иш анчайин қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, ансамбль раҳбари ва иштирокчилари ананавий ижрочилик хусусиятлари ва саҳна санъати қонуниятларидан боҳабар бўлишлари лозим

бўлади. Шунинг учун ансамблнинг саҳнавий чиқишларини пухта тайёрлаш, концерт дастури қисмларининг ўзаро минтақавий муаносиблигига эришиш лозимдир. Ансамбль дастурини тузишда гуруҳ раҳбари қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозим:

- Жўшқин ва вазмин, турли-туман бўлган қўшиқларнинг навбатма-навбат ижро этилишини таъминлаш керак. Ижро этиладиган қўшиқларнинг оҳанги ё бир-бирига жуда яқин, ё бир-биридан жуда узоқ бўлгани яхши. Бу эса қўшиқларнинг бир меъёрга, равон янграшига ҳамда дастурнинг қизиқарли чиқишига имкон беради;

- Концерт дастурида айрим хонандалар, лапарчи, раққос ва рақосаларнинг алоҳида-алоҳида чиқишларидан фойдаланиб, ижро шаклининг услуби ранг-баранг бўлишига эришиш мумкин. Бу концертнинг томошабинбоп ва жонли чиқишини таъминлайди. Бундан ташқари, ансамбль дастури мураккаб сюжет унсурларидан тузилиши, яъни таркибиди сьюита, шунингдек, халқнинг бирор-бир ананавий урф-одатлари (Ҳосил байрами, Наврўз, тўй, келин ва куёв томонларнинг арқон тортиб беллашуви) асосидаги маросим фольклори жанрлари бўлиши ҳам мумкин;

- Дастурнинг авж нуқтаси, яъни кульминацияси бўлиши;

- Саҳна либослари ансамблларнинг ижро услубига, дастур моҳияти ва мазмунига, иштирокчилар жинси ва ёшига туғри келиши керак.

Фольклор-этнографик ансамбллар халқнинг миллий анъаналарини, оғзаки ижоднинг ноёб намуналарини сақлаш, унга сайқал бериб яна халқнинг ўзига қайтаришда жонбоздик кўрсатувчи ижодий марказдир. Бир-бирига қўшни, урф-одатлари муштарак бўлган Марказий Осиё республикаларида фольклор-этнографик ансамбллар бир-бирини такрорламай, аксинча, бири иккинчисини тўлдиришга муносиб хизмат қилмоқда. Масалан, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қирғизистондаги фольклор-этнографик ансамблларнинг ўзаро алоқа ва муносабатлари бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда, хусусан Хоразмда ташкил этилган "Оразбон", "Авазхон", "Достон" каби ансамбллар Туркменистондаги фольклор ансамбллари билан яқин ижодий алоқада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда маданият марказлари қошида фаолият кўрсатиб келаётган 142 та фольклор-этнографик халқ ансамблларида 2700 га яқин иштирокчилар ва 430 нафарга яқин соҳа мутахассислари меҳнат фаолиятини олиб бориб, ижод қилиб келмоқда. Намуна кўрсатадиган фольклор жамоаларимиз ҳам талайгина. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида **“Бес перде”**, Андижон вилоятида **“Зилол”**, Бухоро вилоятида **“Мохи-ситора”**, Жиззах вилоятида **“Боғдон гуллари”**, Навоий вилоятидан **“Нуржаҳон”**, Наманган вилоятидан **“Ёр-ёр”**, Самарқанд вилоятидан **“Бешқарсақ”** ва **“Чавқи”**, Сирдарё вилоятида **“Сайхун йигитлари”**, Сурхондарё вилоятида **“Бойсун”**, Тошкент шаҳрида **“Нодирабегим”**, Тошкент вилоятида **“Тўрғай”**, Фарғона вилоятида **“Чодир-жамол”** ва Хоразм вилоятида **“Оразибон”** фольклор-этнографик халқ ансамбллари дур.

Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг асосий мақсади ҳар бир худуднинг ўзига хос санъати, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, фольклори, хусусан, халқ ижодиёти санъатининг бахшичилик, катта ашула,

ўлан, лапар, ёр-ёр каби йўналишлари, чанқовуз, сибизға, кўшнай, бўламон ва дўмбира каби қадимий чолғуларни тарғиб қилишдан иборатдир.

**СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент, “Фан”, 1995;
2. Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дарахти. – Тошкент, “Фан”, 2010;
3. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент, “Фан”, 1981;
4. Эшонқул Ж. Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент, “Фан”, 2006. Биринчи китоб;
5. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. – Тошкент, “Фан”. 2006.

**СЕКЦИЯ: МЕДИЦИНСКИЕ НАУКИ****G'aniyev Mirvorisjon Tulqunjon o'g'li**  
**(Toshkent, Uzbekistan)****UMURTQA POG'ONASI BEL QISMI POLISEGMENTAR DISK CHURRALARI FONIDAGI  
DEGENERATIV SPONDILOLISTEZDA JARROHLIK DAVOLASH TAKTIKASINI TANLASH**

Odamda Umurtqa pog'onasi bo'yin, ko'krak, bel, dumg'aza va dum suyaklari umurtqalarning ustma-ust qo'shiluvidan tashkil topadi. Umurtqa pog'onasi shu umurtqa tanalarining orasida joylashgan tog'ay disklar hisobiga uzayadi. Umurtqalar bir-biriga ulanib borishi natijasida umurtqa kanali hosil bo'lib, unda orqa miya yotadi. Odam Umurtqa pog'onasi kishining tik yurishiga moslashgan bo'lib, pastga qarab kengayib boradi. Umurtqa pog'onasining bo'yin, bel, ko'krak va dumg'aza qismlarida fiziologik bukilmalar bor. Bo'yin va bel qismidagi bukilmalar lordoz (fiziologik lordoz), ko'krak va dumg'aza qismidagi bukilmalar kifoz (fiziologik kifoz) deb ataladi. Bo'yin va bel qismlari oldinga, ko'krak va dumg'aza qismlari orqaga qarab bukilgan bo'ladi. Bu bukilmalar bola boshini mustaqil ko'tarib turishi, o'tira boshlashi va tik yurishidan boshlab shakllanadi.

Umurtqalararo disk churrasi kasalligi umurtqaning harakatchan bo'lgan bo'yin va bel qismlarida ko'proq uchraydi. Churraning kimda, qachon va qanday paydo bo'lishi mumkinligini oldindan aytish qiyin. Kasallikni keltirib chiqaruvchi omillar: qorin ichki bosimining oshishi; og'ir jismoniy mehnat; tana vazniga nisbatan muntazam og'ir yuk ko'tarish; peshob ajralishining qiyinlashuvi; qabziyat; uzoq vaqt bezovta qilgan yo'tal; umurtqa ostreoxondrozi; shikastlanish; ayollarda tug'ruq vaqtidagi zo'riqishlar churra hosil bo'lishiga ta'sir etuvchi omillar hisoblanadi.

Bel umurtqasining degenerativ stenoz vertebrologiyaning dolzarb muammolaridan biri bo'lib, so'nggi 10 yil ichida ushbu mavzu bo'yicha nashrlar soni va xitrolarning ko'payishi shundan dalolat beradi. Degenerativ stenoz - bu jiddiy kasallik bo'lib, u neyrogen intervalgacha klaukatsiya, pastki ekstremitalarda va belning og'rig'i bilan o'zini namoyon qiladi. Belgilangan stenozning chastotasi har 1000 tekshiruvda 5 ta holatni tashkil qiladi. Og'riq va davriy klaukatsiya ko'pincha pastki ekstremitalarning pareziyasi yoki plegiyasi bilan birga og'ir sezgir buzilishlar bilan kechadi, bu esa bemorni nogironlikka olib keladi. Lomber stenozni konservativ davolash bugungi kunda keng tarqalgan va faqat kasallikning dastlabki bosqichlarida ijobiy natijalar beradi. Ammo, bir necha yillik dori terapiyasidan so'ng, bemorlar ko'pincha ortoped yoki neyroxirurgdan yordam so'rashlari kerak.

Degenerativ Spondilolistezni davolash. Orqa miya jarrohlari sifatida duch keladigan eng keng tarqalgan shartlardan biri bu degenerativ spondilolistezdir. Spondilo umurtqa pog'onasini, listez esa siljishni anglatadi. Boshqacha qilib aytganda, bu bir umurtqaning boshqasiga siljishi. Eng keng tarqalgan daraja L4-5, ammo har qanday lomber darajaga ta'sir qilishi mumkin. Spondilolistez negizida beqarorlik borligini va ko'pincha nervlar o'tishining torayishini bildiradi. Orqa miya kanalining bu torayishiga umurtqa stenoz deyiladi. Ushbu turdagi spondilolistezning sababi - bu orqa miya orqa miya diskida va orqa miyaning bo'g'imlarida. Oddiy qilib aytganda, bu umurtqa artrit bilan bog'liq. Og'riq belning bel qismida

bo'lishi mumkin, bu esa eksenel bel og'rig'i deb ataladi. Nervlar uchun o'tish yo'lining torayishi asabni siqib chiqishiga va oyoqlarda turli og'riqlarga olib kelishi mumkin, bular siyatik deb ham ataladi. Kuchli torayish yurish yoki turish paytida oyoqlarda zaiflik, og'irlik yoki uyqusizlikka olib kelishi mumkin. Ushbu turdagi asab belgilarining tibbiy atamasi neyrogen klauzikatsiya hisoblanadi. Shunday qilib, degenerativ spondilolistez bilan og'riq bemorga bel og'rig'i, siyatik og'riqlar, oyoqlarning zaiflashishi yoki og'irligi yoki uyquchanligi yoki yuqoridagi alomatlar kombinatsiyasi shikoyatlari bo'lishi mumkin. Ko'pincha, alomatlar yurish va tik turish orqali paydo bo'ladi va dam olish yoki egilish tufayli engillashadi, masalan, xarid qilish vositasida yurish.

Degenerativ spondilolistezni davolash usullari orasida kuzatuv, yallig'lanishga qarshi dorilar, yengil og'riq qoldiruvchi vositalar, jismoniy terapiya va jismoniy mashqlar dasturlari, umurtqa pog'onasiga in'ektsiya qilish va jarrohlik amaliyoti mavjud. Biz odatda simptomlarni nazorat qilishga urinish uchun operatsiyadan tashqari muolajalardan boshlaymiz. Ko'pincha beqarorlik va stenoz juda og'ir bo'lib, operatsiyasiz davolanish vaqtincha yordam beradi. Bunday vaziyatda uzoq muddatli yagona yechim - bu asabni bosimini kamaytirish va jarrohlik amaliyoti orqali umurtqani barqarorlashtirishdir.

Degenerativ spondilolistez odatda umurtqaning tarkibiy qismlarini buzadigan umurtqaning yoshi va "eskirishi" natijasidir. Bu suyak nuqsoni yo'qligi bilan istmotik spondilolistezdan farq qiladi. Orqa miya stenozini degenerativ spondilolistezning dastlabki bosqichlarida yuzaga keladi

Umuman olganda degenerativ spondilolistezni davolash uchun tegishli protsedura ta'sirlangan darajadagi laminektomiya va termoyadroviy hisoblanadi. Laminektomiya - bu orqa miya orqa qopqog'ini yoki laminani olib tashlash. Jarayonning ushbu qismini dekompressiya deb atash mumkin. Birlashma vintlardek va tayoqchalarni umurtqa pog'onasiga joylashtirishni va umurtqa pog'onasi bo'ylab suyak payvandini yotqizishni o'z ichiga oladi. Suyak grefti oxir-oqibat umurtqa pog'onasiga qo'shilib, bitta qattiq suyak bo'lagiga aylanadi.

Jarroh yoki jarrohni tanlayotganda, umurtqa pog'onasi operatsiyasining muvaffaqiyatini aniqlashning eng muhim omili bu texnika emas, balki operatsiya uchun ko'rsatma ekanligini unutmang. Boshqacha qilib aytganda, biz buni qanday qilayotganimiz emas, balki nima uchun qilganimiz. Degenerativ spondilolistezni davolash uchun standart ochiq usullar juda yuqori muvaffaqiyat ko'rsatkichlariga ega. Barcha protseduralar samaradorligi, asoratlari va xavfsizligi jihatidan ushbu standart bilan taqqoslanishi kerak<sup>15</sup>.

Jarrohlik bo'lmagan davolanish ko'pincha muvaffaqiyatli bo'lishiga qaramay, ba'zida spondilolistez alomatlarini yo'qotish va holatning yomonlashishini oldini olish uchun jarrohlik amaliyoti talab etiladi. NYU Langonening mutaxassislari spondilolistez bilan og'riq odamlarga jarrohlik amaliyotini tavsiya qilishlari mumkin, ularning orqa miya og'rig'i jarrohlik usullari bilan bartaraf etiladi. Agar umurtqa pog'onasi shunchalik oldinga siljib, odamning holatiga ta'sir etsa, jarrohsiz davolanishga qaramay, umurtqa pog'onasi oldinga siljishda davom etsa yoki umurtqa pog'onasi tekislashidagi o'zgarishlar funksiyaga ta'sir etsa, jarrohlik usuli ham eng samarali yechim bo'lishi mumkin.

<sup>15</sup> © 2017 Kristofer J. Bergin, tibbiyot fanlari va umurtqa pog'onasi markazi, SC



Spondilolistezni davolashda ishlatiladigan eng keng tarqalgan jarrohlik amaliyotiga laminektomiya va termoyadroviy deyiladi. Ushbu protsedurada o'murtqa kanal umurtqaning laminalarini (tomini) olib tashlash yoki kesish orqali kengaytiriladi. Bu asab uchun ko'proq joy yaratish va orqa miyadagi bosimni yumshatish uchun qilingan. Jarroh, shuningdek, umurtqalarni birlashtirishi kerak bo'lishi mumkin. Agar termoyadroviy amalga oshirilsa, termoyadroviyni kuchaytirish va beqaror umurtqa pog'onasini qo'llab-quvvatlash uchun turli xil moslamalar (vintlardek yoki tanadagi kataklar singari) joylashtirilishi mumkin.

Mo'ydinov Doniyorjon  
(Farg'ona, Uzbekistan)

## ARXIV SOHASI BILAN BOG'LIQ KAPITAL QURILISH VA TA'MIRLASH ISHLARI

**Anotatsiya.** Ushbu maqolada mustaqillik yillarida arxiv ishi sohasida olib borilgan kapital qurilish va ta'mirlash ishlariga oid ilmiy va asoslangan fikrlarni o'qish mumkin.

Mazkur maqola arxiv binolarining holati, ular qachon qurilganligi va rekonstruksiya ishlari qachon olib borilganligi to'g'risida. Mustaqillik sharoitida barcha sohalar qatori arxiv sohasi ham jadallik bilan rivojlanib bordi. Buni yangi arxiv binolarining qurilishi eskilarini tezlik bilan kapital ta'mirdan chiqarilishida guvoh bo'lishimiz mumkin.

**Tayanch iboralar:** "O'zarxiv" agentligi, MAF, "Xalqaro arxivlar kuni", davlat arxivlari, idoraviy arxivlar, saqlovxonalar, yig'majild.

Mustaqillik davrida davlat arxivlariga qabul qilinayotgan hujjatlarning miqdori sezilarli darajada ortdi. Natijada arxivlar uchun yangi binolar yoki qo'shimcha saqlovxonalar qurish zarur bo'lib qoldi.

Davlat arxivlarida saqlanishi lozim bo'lgan hujjatlar saqlovini ta'minlashning ishonchli garovi, bu idoraviy arxivlarda saqlanayotgan hujjatli materiallarni tartibga solish va ularni davlat arxivlariga qabul qilish hisoblanadi. Lekin 1996-yil 1-yanvarda idoraviy arxivlarda 1 milliondan ortiq doimiy muddatda saqlanadigan va 0,5 millionga yaqin idoraviy arxivda saqlash muddati tugagan, ya'ni davlat arxiviga qabul qilinadigan hujjatlar saqlanardi. Davlat arxivlarida bo'sh joy bo'lmaganligi uchun idoraviy arxivlardagi hujjatlarni qabul qilish imkoniyati bo'lmagan.

Davlat arxiv fondi hujjatlari saqlovini ta'minlashning jiddiy muammosi davlat va idoraviy arxivlarda hujjatlar saqlaydigan joylarning etishmasligi edi. 1996- yil 1- yanvarda respublikada faqat 9 ta davlat arxivlari uchun qurilgan bino mavjud bo'lgan.<sup>22</sup> 68 ta davlat arxivlarining binolari hujjatlar saqlash uchun moslashtirilgan binolar bo'lib, ularni ko'pchiligi hujjatlar bilan to'lgan va idoraviy arxivlardan davlat saqlovi uchun hujjatlar qabul qila olmas edi. Arxivlarning rejali jamlashni ta'minlash uchun respublika bo'yicha 1,5 milliondan ortiq yig'majildlar saqlanadigan joylar qurib foydalanishga topshirish lozim edi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008-yil 21-avgustda "Koreya Respublikasi hukumatining grant mablag'larini jalb etgan holda O'zbekiston Respublikasi markaziy davlat arxivlarini rekonstruksiya qilish hamda ularni texnik modemizatsiyalash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaror qabul qildi. Qarorini amalga oshirish maqsadida "O'zarxiv" agentligi respublika davlat arxivlari binolarini rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash, arxivlarni o'z balansidagi binolar bilan ta'minlash yoki shu maqsadda bosqichma-bosqich qurilish ishlarini tashkil etishga doir umumlashgan takliflarni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar

<sup>22</sup> Infolib: axbobrot-kutubxona xabarnomasi. 2016, 2017.

Mahkamasiga berdi. Yuqoridagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori hamda 2009-yil 27 aprelda O'zbekiston Respublikasi hukumati bilan Koreya Respublikasi hukumating " O'zbekiston Respublikasi markaziy davlat arxivlarini axborotlashtirish" loyihasi amalga oshirish to'g'risida imzolangan kelishuvi doirasida belgilangan vazifalar bajarilib, O'zbekiston Respublikasi markaziy davlat arxivi, O'zbekiston Respublikasi kino, surat va ovozi hujjatlar markaziy davlat arxivi, O'zbekiston Respublikasi ilmiy-texnikaviy va tibbiyot hujjatlari markaziy

davlat arxivi binosini kapital ta'mirlash ishlari 2011- yilda mantiqiy yakuniga yetdi va foydalanishga topshirildi. 2010- yilda O'zbekiston Respublikasi markaziy davlat arxivida Koreya Respublikasidan keltirilgan havo sovutish tizimi qurilmalarini ishga tushirilishi arxiv xujjatlari saqlovxonalarida xarorat-namlikni mo'tadillash muhim ahamiyat kasb etdi. Davlat arxivlarini idoraviy arxivlardan MAF tarkibiga kiritilgan arxiv hujjatlarini qabul qilish imkoniyatini kengaytirish, bu hujjatlar yaxshi sharoitlarda saqlovini, foydalanishini ta'minlash maqsadida respublika hukumati 2008-yil 26- avgustda " O'zbekiston respublikasida arxiv ishini yanada rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi<sup>23</sup> qaroriga asosan viloyatlarda maxsus arxiv binolari qurila boshlandi. 2011- yili Andijon viloyati davlat arxivi va Asaka filialining qo'shimcha saqlovxonasi. Samarqand viloyati davlat arxivining Samarqand tuman filialining va Kattaqo'rg'on shahar filialining qo'shimcha saqlovxonasi, Farg'ona viloyat davlat arxivining qo'shimcha saqlovxonasi. Sirdaryo viloyati Guliston tuman filialining qo'shimcha saqlovxonasi, Xorazm viloyati davlat arxivi Xiva tumani, Xorazm viloyati davlat arxivi Yangibozor filiallarining qo'shimcha saqlovxonalarimng qurilish ishlari yakunlanib foydalanishga topshirilgan. 2012-yilda Toshkent shahar davlat arxivining Uchtepa tumanidagi 430 ming saqlov birligiga mo'ljallangan hujjatxonasini rekonstruksiya qilish, Toshkent viloyati davlat arxivining qo'shimcha arxiv saqlovxonasi, Xorazm viloyati davlat arxivi Xonqa tuman filialining qo'shimcha saqlovxonasi, Buxoro viloyati davlat arxivining qo'shimcha arxiv saqlovxonasi qurilish ishlari yakunlanib ishga topshirildi.

Shuningdek, 2011-yilda Samarqand viloyati arxiviga qo'shimcha saqlovxonani jixozlash ishlari yakuniga yetkazilib 9-iyun "Xalqaro arxivlar kuni" doirasida ochilish marosimi o'tkazildi. Qashqadaryo viloyati davlat arxivining G'uzor filiali yangi binosi ham foydalanishga topshirildi.

"O'zarxiv" agentligi tizimidagi davlat arxivlarida xizmat ko'rsatish sifatini takomillashtirish, moddiy-texnik bazani yangilash va mustaxkamlash bo'yicha keng ko'lami ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Investisiya dasturi doirasida 2009 -2016 yillarda respublikamizning barcha xududlarida 22 ta yangi, zamonaviy tipdagi davlat arxivi binolari qurib, foydalanishga topshirildi. Bundan tashqari, 5 ta davlat arxiv binosi to'liq, rekonstruksiyadan chiqarildi.<sup>24</sup> Natijada, arxivlar balansida bo'lgan binolar 2016-yilda qariyb 98 foizga yetdi.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 август қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 35-36 (327-328)-сон. 2008, август-сентябрь. – Т.: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, 2008. – Б. 12-20.

<sup>24</sup> Isakova M.S., Iofe V.G. Arxivshunoslik (O'quv qo'llanma). – Т.: Cho'pon, 2007.В-138.

Ayni paytda mamlakatimizda arxiv tizimi yangi bosqichda rivojlanib, xizmat ko'rsatish sifati va samaradorligi tubdan yaxshilanyapti. Arxiv inshootlari axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlanmoqda. Sohaga innovatsion yangiliklar kiritilmoqda.

**FOYDALANILGAN MANBALAR VA ADABIYOTLAR:**

1. Infolib: axbobrot-kutubxona xabarnomasi. 2016.
2. Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008- йил 26-август қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 35-36 (327-328)-сон. 2008, август-сентябрь. – Т.: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, 2008.
3. Isakova M.S., Iofe V.G. Arxivshunoslik (O'quv qo'llanma). – Т.: Cho'lpon, 2007

Rahimova Munisa Bahodir qizi, Xadjjayeва Muhabbat Akmal qizi,  
Axmedxodjayeва Aqida Nabixon qizi  
(Toshkent, O'zbekiston)

## TEKTONIKA QOIDALARINI HISOBGA OLGAN HOLDA AYOLLAR LIBOSINI LOYIHALASH

**Annotatsiya.** Ushbu maqola tektonika qoidalarini hisobga olgan holda zamonaviy ayollar liboslarini loyihalash haqida bo'lib, unda arxitektura va libos elementlarining o'zaro bog'liqligi va bugungi kunda libos dizaynerlari uchun yangi obraz yaratishda me'moriy elementlarni o'zni naqadar muhimligi xususida so'z boradi. Bundan tashqari maqola orqali tektonik liboslarni yaratishda qo'llaniladigan mato turlarini tanlash va yangi mahsulotni loyihalashdagi asosiy vazifalar haqida tushunchaga ega bo'lish mumkin.

**Kalit so'zlar:** Tektonika, libos, uslub, moda, kiyim.

Раҳимова Муниса Баҳодир қизи, Хаджаева Муҳаббат Акмал қизи,  
Ахмедходжаева Ақида Набихон қизи  
(Ташкент, Узбекистан)

## УЧИТЫВАЯ ТЕКТОНИЧЕСКИЕ ПРАВИЛА ДИЗАЙН ЖЕНСКОЙ ОДЕЖДЫ

**Аннотация.** Эта статья посвящена дизайну современной женской одежды с учетом правил тектоники, в которой рассматривается взаимосвязь между архитектурой и элементами одежды и важность роли архитектурных элементов в создании нового образа для современных модельеров. Кроме того, в статье дается представление о типах тканей, используемых при создании тектонической одежды, и основных задачах при проектировании нового изделия.

**Ключевые слова:** тектоника, одежда, стиль, мода, одежда

## TAKING INTO ACCOUNT THE TECTONIC RULES DESIGNING WOMEN'S CLOTHES

**Annotation.** This article focuses on tectonic design for contemporary women's clothing, examining the relationship between architecture and garments and the importance of the role of architectural elements in creating a new look for modern fashion designers. In addition, the article gives an idea of the types of fabrics used in the creation of tectonic clothing, and the main tasks in the design of a new product.

**Keywords:** tectonics, clothing, style, fashion, clothing.

### Asosiy qism

Moda ancha murakkab hodisa bo'lib, u jamiyat hayotining qator omillariga bog'liq va inson faoliyatining ko'p sohalariga yoyiladi. Moda ostida hayot va madaniyatning biron-bir sohasida ma'lum didlarning uzoq davom etmaydigan hukmronligini tushunish lozim. U odamlar ijtimoiy xulqini tartibga solish tizimi bilan bog'liq bo'lgan uslubning shartli u yoki bu darajada o'zgarishini tavsiflaydi. Ijtimoiy xulq tizimi o'zgarishlarining qisqa muddatligi bilan farq qiladi

va boshqa qator tizimlar bilan bog'liq bo'lib, ular orasidan etiket, axloq, huquq, odat va hozirgi kunda ajratib ko'rsatish mumkin [8, 14].

Moda doimo uning yorqin namoyon bo'lishi sifatida kostyum bilan bog'liq bo'lgan. Jamiyatning turli qatlamlari unga turlicha qarashadi. Kishilarning ma'lum guruhi modaga nisbatan yuqori ta'sirchan, ular odatda hammadan tezroq eng o'tkir yangiliklarni qabul qiladi. Yangi modaga juda ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'ladigan kishilar ham bor, ular modani qabul qilishi va uning qonunlariga rioya qilgunlaricha ma'lum vaqt o'tadi, chunki moda ijtimoiy xulq me'yorlarini taklif qiladi.

Modaning boshlanishini ba'zi mualliflar o'rta asrlarga, boshqalari ancha ertaroq davrlarga tegishli deb hisoblashadi. Biroq to'liq asos bilan aytish mumkinki, moda – XX asrda kiyimni tayyorlashning industrial-uslubiy paydo bo'lishidan boshlab juda muhim rol o'ynaydi. Moda markazi uzoq vaqt Parij bo'lgan va bo'lib qolmoqda [2, 134]. Fransuz modasining ustuvorlik sabablaridan biri shuki, u fransuz iqtisodiyotida juda muhim rol o'ynaydi. Moda xalqaro maydonida o'z o'rnini egallagan «Nina Richchi», «Iv Sen Loran», «Pyer Karden», «Andre Kurrej», «Jak Geym», «Madlen Vone», «Lui Bulanj» kabi firmalar bilan bir qatorda keyingi yillarda shuhrat qozongan qator yangi firmalar paydo bo'ldi. Bu «Jan Pol Gaty», «Karolin Milbani», «Lagerfeld», «Klod», «Montana», «Yamolota», «Alayya» va boshqalar.

20-yillardan buyon mavjud bo'lgan eng mashhur firmalardan biri «Shanel» hisoblanadi. Firma asoschisi Gabriel Shanel XX asr ishbilarmon elegant ayoli timsolini tushuna oldi va buni o'z modellarida ifodaladi. U mavsumiy yarimpalto-kostyumlar, yubkalar va bluzkalar, ko'ylak, kostyum modellarini ishlab chiqdi. Modaning tez-tez almashinuviga qaramay, uning mahsulotlari bir xil uzunlik – tizzadan pastligi bilan farqlangan. Gazlamalar rangini u jon tabiat koloritida topgan – bug'doy dalasi, arpa noni, smorodina, atirgul, siren ranglari va ularga qo'shimcha qora va oq ranglar. Gazlama fakturalari me'moriy obidalardan olingan elementlar bilan boyitilgan, g'ovak, yo'l-yo'l yoki katakcha rasmlilari ko'p uchragan.

Iv Sen Loran firmasi 50-yillar ohiridan boshlab mavjud. U mashhur Kristian Dior qo'lida ishlagan va uning o'limidan keyin o'zining shaxsiy Modellar Uyini ochgan. 1961-yilda Iv Sen Loran dengiz motivlari asosida yaratilgan o'zining birinchi modellar to'plami bilan chiqqan. Liboslar yaratishda uning asosiy shiori «ayollar kiyimida erkaklar kiyimi» bo'lgan. U ayollar kostyumida erkaklar kostyumi xususiyatlaridan foydalanishga harakat qilgan (ayollar smokingi, kvadrat yelkalar, platformali oyoq kiyimi). U Rossiya, Afrika, Ispaniya, Xitoy xalq kostyumlaridan ilhomlangan va bu motivlar asosida har yili yangi to'plamlar yaratgan. 1978-yilda kostyumlarda «Brodvey motivlari»ni aks ettiradi, 1979-yili harbiylashtirilgan xarakterdagi jaketlar paydo bo'ladi. 1980-yili u o'z to'plamini shoir va yozuvchilarga, xususan Apoliner, Aragonga bag'ishlaydi, 1981-yilda esa Matis polotnolaridan rang va shakllar oladi.

1982-yil Iv Sen Loran zamonaviy to'plamga hind san'ati motivlarini kiritadi, 1985-yilda esa ayollar kostyumida oq va qora ranglar asimmetriyasi hamda kaltalashtirilgan jaket va shimlarni taklif etadi.

Ko'plab manbaalardan ilhomlanishiga qaramay Iv Sen Loran o'zining mutaxassisligi me'mor bo'lganligi sabab, uning har bir libosida me'moriy obidalarga xoslikni kuzatish mumkin. Libos yaratishda o'zi bilmagan holda arxitektura elementlari unga ilhom baxsh etishini ko'p marta ta'kidlagan.

Mashhur zamonaviy modelerlardan biri Pyer Karden ham ma'lumoti bo'yicha me'mor bo'lib o'zining yaxlitlikni ko'ra olish, uyg'unlashuvchi hajmlarni yasay olish malakasini kiyimda namoyon etdi. U kiyim «yaratish» bino yoki mebel yasashdek oson, deb aytadi. Pyer Karden – nafaqat kiyim, balki mebel, bolalar o'yinchoqlari, interyer jihozlari, idishlarni loyihalashtirish va hokazolar bilan shug'ullanuvchi modelerlardan biri hisoblanadi. U zamonaviylikni yaxshi aks ettiruvchi o'z uslubini yaratgan.

Modellashtirishdagi asosiy prinsip yelkalar va bel nisbatini topish deb hisoblaydi va buni yangi proporsiyalarda aks ettiradi. Uning modellarida qora va oq tonlar uyg'unlashuvini, kamtarin grim, kostyumning asimmetrik yechimi, olinuvchi detallarni ko'p uchratish mumkin. Uning modellari geometrik shakllarning keskin uyg'unligi bilan farq qiladi [15].

Bugungi kunda moda jadal rivojlanayotgan bir davrda dizaynerlar uchun istalgan tabiat buyumi, biror hodisa, musiqa, san'at, me'morchilik va hokazolar ilhom manbai bo'lib xizmat qilishi mumkin. Eng ko'p san'at ixlosmandlarini e'tiborni jalb etgan ilhom manbasi bu - arxitekturadir. Arxitektura va modani o'zaro uyg'unligini faqatgina bugungi davrga xos desak noto'g'ri fikr bo'ladi. Bunday uyg'unlik juda qadim davrlardan mavjud va hozirgacha shakllanib keladi.

Loyihalananayotgan zamonaviy kostyumda arxitektura elementlarini qo'llashning amaliy ahamiyatini tahlil etish davomida kiyimning jamiyat muhitiga mosligini, matoning xususiyatlarini chuqur o'rganib, unga mos bo'lgan yangi konstruktsiya yaratiladi.

Albatta, bu jarayon dizaynerdan bir qancha mukammallikni, konstruktorlik mahoratini va yuksal ijodiy qobiliyatlarini namoyon qilishni taqazo etadi. Ayniqsa, zamonaviy kostyum loyihasiga mos elementni yaratishda olish muhim ahamiyatga ega.

Arxitektonika qonuniyatlariga tayangan holda kostyum tuzilishini loyihalash usullarini takomillashtirish moda olamida kiyimlarining rivojlanish tendensiyasini belgilovchi asosiy omil hisoblanadi. Bu borada zamonaviy kostyum uchun badiiy konstruktsiya yaratish jarayoni maksimal darajada soddalashtirilgan matolarning tuzilishi, shakliga mos kelishi zarur [8, 100].

Mashhur dizayner Tom Ford "Kiyimlar ham, binolar ham insonni saqlaydigan qobiqdir" deb ta'kidlab o'tgan va bu ko'plab modashunos olimlar tomonidan ma'qullangan. Bundan tashqari, kiyim ham arxitektura ham tabiiy ravishda o'xshash ekspresiv vositalardan foydalanadilar: qaysi davr uslubidagi liboslarga nazar tashlamang, har qanday uslubda me'morchilikning aksini ko'rish mumkin.

Dizayn va arxitekturadagi tushunchalar, shakllantirish tamoyillari o'zaro o'xshashdir, ularning aloqasini ko'plab sohalarida kuzatish mumkin, ayniqsa bu tektonikada yaqqol namoyon bo'ladi. Kiyim va arxitektura o'rtasidagi munosabatlar chuqur ildizlarga ega: me'morchilik ham, kostyum ham funktsional jihatdan belgilanadi. Me'moriy inshoot kostyum singari boshpana vositasi bo'lib xizmat qiladi.

Arxitektura va moda nafaqat bir xil goyalarga asoslangan, balki bir xil professional atamalardan foydalanadilar. Arxitekturada ishlatiladigan asosiy ifoda vositalari: kompozitsiya, tektonika, plastik hajm, mutanosiblik, rang va hokazolar dizaynda ham o'z ifodasini topadi.

Insoniyat rivojlanishining har bir davrida ma'lum bir badiiy uslublar mavjud bo'lib, har bir davr liboslarida o'sha davrning eng ko'zga ko'ringan o'ziga xos bo'lgan me'morchilik binosi elementlarini ko'rishimiz mumkin. Shunga qaramay moda va arxitektura o'rtasidagi muloqot XIX asrning oxiri - XX asrning boshlarida, Art Nouveau davrida kuchli seziladi.



Kiyim konstruksiyasiga tektonik yondoshish mahsulotlarning estetik darajasini va sifatini oshiradi. Tektonika fan sifatida konstruksiya ob'ektlarini loyilashitirishga oid bir nechta yondashuvlarni birlashtiradi:

- loyihalash ob'ektining maqsadini hisobga olgan holda, iste'molchilar va ishlab chiqarish talablarini;
- muhandislik va texnologik konstruksiya xususiyatlarni hisobga olish va ulardan oqilona foydalanishni;
- loyihalashning konstruktiv maqsadga muvofiqligini hisobga olishni;
- uyg'unlik va kompozitsiyaning asosiy tamoyillarini hisobga olish va boshqalarni o'z ichiga oladi. [11, 17].

Tektonika mahsuloti - uning shakli, mazmuni, konstruksiyasi va materialining birlashmasi hisoblanadi. Mahsulot shakli va uning konstruksiyasi bir-biri bilan o'zaro bog'liqdir. Konstruksiya - estetik ma'lumot tashuvchi bo'lib, mahsulotga bog'liq holda bo'ladi. Mahsulotning shakli esa - uning maqsadi va ishlab chiqarilgan materiallarning xususiyatlariga bog'liq.

Yangi mahsulotni loyihalashdagi asosiy vazifa - bu mahsulot tarkibini to'liq ochib beruvchi shaklni yaratishdir. Yaratilayotgan shakl mahsulot konstruksiyasi uchun qo'yiladigan barcha talablarga javob berishi kerak.

Libosning tektonik shaklini loyihalashda birinchi bosqich bu uning funksional ahamiyatini aniqlashdir. Undan so'ng matolarning xususiyatlari aniqlanadi va tektonikaning fazoviy shaklini konstruktiv yechimi izlanadi [3, 201].

Mahsulot konstruksiyasi birdaniga bir nechta funksiyalarni bajaradi, kerakli mustahkamlikni berish bilan birga umuman mahsulotning barqarorligi va qat'iyligini ta'minlaydi. Zamonaviy ma'noda konstruksiya nafaqat texnik shakl vositasi, balki birinchi o'rinda funksional va estetik element shakli hisoblanadi. Ehtiyotkorlik bilan tayyorlangan original qurilgan konstruksiya badiiy ahamiyatga ega bo'lib, badiiy ta'sirchan mahsulotni shakllantiradi.

Matolarning tasnifi bo'yicha konstruksiya maqsadlari uchun quyidagi algoritm tavsiya etiladi:

1. kiyim turiga qarab material tanlash (palto, kostyum va boshqalar);
2. material ko'rinishi (mato, trikotaj mato, charm va boshqalar);
3. xomashyo tarkibi;
4. yosh belgisini hisobga olish (ayolar uchun, bolalar uchun va hokazo).

Ma'lumki, kiyimlar har xil matolardan tikiladi: trikotaj, shoyi, charm va hokazo. Bunda aynan mato libosning ko'rinishi, shakli va mustahkamligiga katta ta'sir o'tkazadi. Materiallarni tanlashda ikkita asosiy yondashuv mavjud. Dizaynerlar yondashuvi bo'yicha, avval ma'lum bir xususiyatlarga mos keladigan mato tanlanadi, so'ng tanlangan matodan libos loyilashitirish ishlarida foydalaniladi. Sanoat yondashuvi bo'yicha esa, birinchi navbatda iste'molchilarning mahsulotga bo'lgan talabi, potentsialning xususiyatlari tahlil qilinadi, undan so'ng zarur bo'lgan mato tanlanadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, libos shakliga tektonik yondashuv nafaqat kostyumni kompozitsion asosini, balki libosning ergonomik, estetik va sifat darajasini oshirib beruvchi mato xususiyatini ham hisobga olishni talab etadi.

Arxitektura va kostyum dizaynida bugungi kunda assortimentning kengayishi kuzatilmoqda, ishlatiladigan materiallar va ijod doirasi rivojlanmoqda.

#### ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Иванцова А.А. Параллельные практики в моде и архитектуре // Молодой ученый. – 2017. – С.495-497. - URL
2. Abdullayeva Q.M., Gaipova N.S., Gafurova M.A. O'quv buyumlarini loyihalash, modellash va badiiy bezash. Oquv qo'llanma – T.: Noshir, 2010. – 134 b.
3. Волкотруб И.Т. Основы художественного конструирования. Вища школа, Киев, 1988, 201 с.
4. Abdullayeva Q.M., Majidova D. Liboslar davr ruhini ifodalaydi //J. Pedagogik mahorat. – T.: 2003.
5. Козлова Т. В. Основы теории проектирования костюма. Легпромбытиздат, Москва, 1988, 352 с.
6. Abdullayeva Q.M., Nigmatova F.U., Gaipova N.S. Tikuvchilik buyumlarini loyihalash va texnologiya asoslari. Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. - T.: TDPU. 2007.
7. Hasanbayeva G.K. Kiyim modelini ishlash va loyihalashini tayyorlash. - T.: O'qituvchi. 1990.
8. Данилова О.Н., Шеромова И.А., Еремина А.А. Архитектоника объемных форм. Изд-во ВГУЭС, Владивосток, 2005, 100 с.
9. Sara Pendergast, Tom Pendergast, Sarah Hermsen Fashion, Costume, Culture: clothing, headwear, body decorations, footwear through the ages. Australiya.: General Collection. 2004, - 312 p.
10. Zuparova D. D., Karimova N.N. Dizayn tarixi: o'quv qo'llanma. – T.: 2014. – 14 b.
11. Колосниченко М.В., Пашкевич К.Л., Малинская А.Н. Основные факторы проектирования тектоничных форм одежды. III Международный симпозиум «Creativitate. Tehnologie. Marketing», (Кишинев, Молдова, Технический университет Молдовы, октябрь 31 – ноябрь 1, 2014).

#### INTERNET SAYTLARI:

12. <http://www.ziyonet.uz>
13. <http://www.google.uz>
14. <http://www.novate.ru>
15. <http://www.moda.uz>
16. <http://www.kulturologiya.ru>
17. <http://www.Wikipedia>

**Rasulov Azizjon Rustamovich, Fayzullayev Ubaydulla Sagdullayevich,  
Imamova Gulchekhra Zoirovna  
(Tashkent, O'zbekiston)**

### **QUYOSH PANELLARINI TOZALASH QURILMASI**

**Annotatsiya.** *Ushbu maqola quyosh panellarini tozalash qurilmasi haqida bo'lib, quyosh panellarini samarali elektr tok manbai va uni kamchiliklaridan biri panellarning yuza qismi ifloslansa, elektir energiyasini kamroq o'tkazishlari haqida so'z boradi. Biz quyosh panellarini doimiy tozalab turishimiz lozim. Bu jarayonda qanday maxsus qurilmalardan foydalanishlar haqida so'z boradi.*

**Kalit so'zlar:** *Quyosh paneli, bachokli suv sistemasi, qurilma, panel yuzasi, shotka, avtomatik boshqaruv.*

Quyosh batareyasi hozirda turli xil energiyalarini hosil qilish dolzarib mavzuga aylangan. Odatda energiya olinadigan manbalarning zahiralari 50 yillardan keyin tugab qoladi degan ma'lumotlarga egamiz [1]. Shuning uchun ham odamzod energiyani yangi usul bilan olish usullarini izlab topmoqdalar, bunga Quyosh nurlaridan olinayotgan Quyosh energiasi misolidir.

The solar battery has now become an actual subject of generating different energies. We usually have information that the reserves of energy sources are depleted after 50 years [1]. Therefore, human beings are looking for ways to obtain energy in a new way, the solar energy extracted from The Sun's Rays is an example of that process.

O'zbekistonda noana'anaviy energiya manbalari, birinchi navbatda, quyosh energiyasidan foydalanishni kengaytirishga katta e'tibor. Birinchi prezidentimiz Islom Karimovning 2013-yil 1- martda qabul qilingan – Muqobil energiya manbalarini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi farmonida muqobil energetika sohasidagi ilmiy salohiyatni yanada rivojlantirish, malakali kadrlar tayyorlash, bu boradagi qonunchilikni takomillashtirish, muqobil energiya manbalarini ishlab chiqaruvchilar va foydalanuvchilarni rag'batlantirish, ularga soliq va bojxona imtiyozlari berish, – Muqobil energiya manbalari to'g'risidagi qonun loyihasini ishlab chiqish vazifalari belgilangan. Va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2018 yil 23 oktyabrdagi – Elektr energetikasi tarmog'ini jadal rivojlantirish va moliyaviy barqarorligini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risidagi qarorida belgilandi. Bu farmon va qarorlardan ko'rinib turibdiki, O'zbekiston alternative energiya manbalariga befarq emas hamda bu sohadagi har qanday ishlar va izlanishlar davlat tomonidan qo'llab quvvatlanadi [3].

2030-yilga qadar 3500 ming megavatt quvvatga ega bo'lgan quyosh va shamol elektr stansiyalari ishga tushirish rejalashtirilgan. Shu bilan birga joylarda sharoitga qarab kichik GESlar va mobil IESlar ishga tushirish rejalashtirilgan. Umumiy hisobda kelayotgan 10 yil ichida O'zbekistonda 25 ta quyosh elektr stansiyasi, 10 ta shamol elektr stansiyasi ishgan tushirish maqsad qilib qo'yilgan. Birinchi quyosh elektr stansiyasi qurish Navoiy viloyatida boshlanadi. Energetika vazirligi Navoiy viloyatida 2019 yilda 100 megavattli quyosh elektr

stansiyasi qurildi. Va yana Samarqand, Surxondaryo, va Namangan viloyatlarida ham quvvati 100 mVtli quyosh elektr stansiyalarini 2030 yilgacha barpo etish rejalashtirilgan [3].

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Markaziy Osiyo davlatlari orasida birinchilardan bo'lib quyosh energetikasi bo'yicha o'z ilmiy ishlanmalariga asoslangan yangi taraqqiyot bosqichiga ko'tarilgan mamlakatdir. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining –Fizika-Quyosh ilmiy- ishlab chiqarish birlashmasi Fizika-texnika institutining xizmati katta. Institut olimlari mamlakatimizdagi ulkan gelioenergetika salohiyatidan oqilona foydalanish bo'yicha samarali tadqiqotlar olib bormoqda.

Butun dunyoda qayta tiklanadigan energiya manbalarining yangi va yangi turlari faol izlanmoqda. O'zbekiston uchun shamol parraklaridan energiya olish mumkin bo'lgan joylar kam hisoblanadi [2]. Bir yilning 365 kunida O'zbekistonda quyoshli kunlarning soni 300 kundan ziyodni tashkil etadi va shuning uchun ham mamlakatda quyosh elektr stansiyalariga e'tibor qaratilmoqda. Jahon tajribasidan bilimimizki, Quyosh panellari samarali elektr tok manbayi hisoblangani bilan lekin uning ham kamchiliklar bor. Bu kamchiliklardan biri panellarning yuza qismlari ifloslansa elektr energiyasini kamroq chiqazishi. Misol uchun: chang, qor va barg va shunga o'xshash narsalarning panel yuzasiga tushishi. Bunday holatlar nafaqat elektr energiyasini ishlab chiqarish balki panelgaham o'zining ta'sirini o'tkazadi. Buning uchun biz quyosh panellarini doimiy ravishda tozalab turishimiz kerak bo'ladi. Quyosh elektr stansiyalarini tozalash jarayonida bizga ko'p ishchi kuchini jalb qilmasdan, tozalash uchun foydalaniladigan maxsulotlardan minimum hisobda foydalanib ish samaradorligini oshirishimiz zarur.

Mu'ammoni yechish uchun biz maxsus qurilmadan foydalanamiz [4]. Qurilmaning foydali jihati shundayki: panel sirtidagi changlarni, yomgirdan kegin loy va barglarni, qorlarni tozalaydi.

Ish jarayonida esa:

1. Inson omilini keskin kamaytiradi.
2. Bachokli suv sistemasi mavjud bu tozalash uchun ketadigan suv hajmini kamaytiradi.
3. Qushosh panelidan elektr energiyasini olgan holatda ishlaydi.
4. Bir necha turdagi panellarga moslasha oladi.
5. Avtomatik boshqaruv orqali boshqariladi.
6. Hajmi uncha katta bo'lmagan va yengil.



1-rasm. Qurilmaning taxminiy ko'rinishi.

Bu moslama orqali biz, Quyosh panellarini tez va oson tozalashimiz mumkin bo'ladi. Hamda foydalanish ish koifisientini oshiramiz[5]. Qurilmadan foydalanishimizda albatta texnika xavsizligiga rioya qilgan holatda ishlatishimiz zarur.

Qurilmaning ham kamchiliklari mavjud:

1. Panel yuzasi yahlagan bo'lsa tozalay olmasligi.
2. Shotkalarining yedirilib ketishi.
3. Doimiy suv zaxirasiga ega emasligi.



**2-rasm. Qurilmaning taxminiy ko'rinishi.**

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, vaqt o'tishi bilan O'zbekistonda quyosh panellarida foydalanish ko'payib bormoqda. Bu esa o'z-o'zida panellarni tozalash qurilmasiga bo'lgan talab xam oshib borishini bildiradi. Bunday qurilmalar xorijiy mamlakatlarda ishlab chiqariladi. Bunday qurilmalarni import qilish o'zimizda ishlab chiqarilgan qurilmadan 1.5-2 barobar qimmatga tushadi. Bunday qurilmalarni ishlab chiqarish orqali biz ham ortiqcha xarajatdan qutilamiz, ham qurilmani mahalliyashtiramiz va eng muhimi qo'shimcha ish o'rinlarini xosil qilamiz.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO,,YXATI:**

1. <https://ru.bluesunpv.com/blog/how-to-maintain-and-clean-your-solar-panels>
2. O'.H. Qurbonova. – Elektron texnika materiallari va elementlari – Darslik. 2018 yil.
3. X.K. Aripov, A.M. Abdullayev, N.B. Alimova, X.X. Bustanov, YE.V. Obyedkov, SH.T. Toshmatov. «Elektronika» – 2011 yil.

**Shomirzayev Boburjon Urinbayevich, Xamrakulov Xotambek Hakimjon o'g'li  
(Andijon, O'zbekiston)**

## **TABIY GAZLARNI TASHISHGA TAYYORLASHDA GAZ SIFATINI OSHIRISH USULLARI**

**Annatsiya.** Ushbu maqolada tabiiy gazlarni tashishga tayyorlashda tabiiy gaz komponentlari, gaz sifatini oshirish usullari va ularning samaradorligi haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Tabiiy gaz, gaz quvuri, gaz sifati, tashish, uglevodorod.

*Шомирзаев Бобуржон Уринбаевич, Хамракулов Хотамбека Хахимжон угли  
(Андижан, Узбекистан)*

### **МЕТОДЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ГАЗА ПРИ ПОДГОТОВКЕ ПРИРОДНОГО ГАЗА К ТРАНСПОРТИРОВКЕ**


**Аннотация.** В статье рассматриваются компоненты природного газа при подготовке природного газа к транспортировке, методы повышения качества газа и их эффективность.

**Ключевые слова:** природный газ, газопровод, качество газа, транспортировка, углеводороды.

### **Asosiy qism**

Yer qaridan qazib olinayotgan tabiiy va neft gazlari metan qatoridagi uglevodorodli aralashmalardan iborat bo'lganligi uchun turli xildagi yonilg'ilar, kimyo va neftkimyo xom ashyolarini olish uchun asosiy manba bo'lib xizmat qiladi. Lekin qazib olinayotgan mahsulot suv bug'leri va turli xildagi uglevodorod gazlar bilan to'yinganligi uchun bosim, harorat va gazning kimyoviy tarkibi o'zgarishi bilan fazaviy o'zgarishlarni hosil qiladi. Sodir bo'ladigan fazaviy o'zgarishlar gazni tashish tizimida suyuq fazalarning texnologik tizimlarda kondensasiyalanishiga va natijada tashish jarayoni ko'rsatkichlariga salbiy ta'sir qiladi. Quvurlar orqali gazni tashishda eng xavfli gaz gidrat kristallari hosil bo'lishidir. Ular tashqi ko'rinish bo'yicha qor yoki muzni eslatib, odatda suv va uglevodorodlarning molekullari aralashmalari assotsiatsiyalanishi natijasida hosil bo'ladi. Kon amaliyotida gidratlarning metanli, etanli, propanli, butanli, shuningdek azotli, vodorod sulfidli, uglerod oksidli turlari uchraydi. Naften qatorli uglevodorodlardan faqat etilen va propilenlar gidratlar hosil qiladi. Yuqorida keltirilgan uglevodorodlarning gidratlari metanga nisbatan bir xil bosimda yuqori haroratlarda gidratlar va kritik gidrat hosil qilish haroratlari bilan farq qiladi (1.1 -jadval).

Tabiiy gazlar komponentlari gidratlari umuiy formulalari quyidagicha:



Metan gidrati  $\text{CH}_4 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  boshqa turdagi uglevodorodlar gidratlariga nisbatan eng noturg'un gidrat hisoblanadi. Tabiiy gaz ko'p komponentli tizimdan tashkil topganligi uchun

gidratlar ham aralashma ko'rinishida hosil bo'lishi kuzatiladi. Shuning uchun aralashma gidratlarning turg'unligi individual gidratlar turg'unligiga nisbatan eng yuqori bo'ladi. Shuningdek aralashma gidratlar hosil bo'lishi sharoitlari individual gidratlar hosil bo'lishi sharoitlaridan ham farq qiladi. Gaz zichligi oshsa gidratlar hosil bo'lishi harorati ham oshib boradi.

2.1 - jadval

Individual uglevodorodlarning gidratlari parchalanishi sharoitlari

№	Gaz	Gidrat parchalanishi harorati, 0°S	Gidrat parchalanish kritik nuqtasi	
			Harorat, °S	Bosim, MPa
1	Metan	- 84,4	-	-
2	Etan	-28,8	14,8	3,4
3	Propan	+5,5	5,5	),56
4	Izobutan	-	2,6	0,17
5	N-Butan	-	1,5	-
6	Uglerod oksidi	-24,0	10,0	4,5
7	Vodorod sulfid	+0,35	29,0	2,3

Gidratlarning eng noqulay xususiyatlaridan biri ularning noldan kichik haroratlarda ham hosil bo'lishidir. Gidratlar gazning butun oqim harakati mobaynida quduq zaboyidan to yig'ish punktlari oraliqlarida, magistral gaz quvurlarida hosil bo'lishi mumkin. Bunday hollarda gidrat tiqinlari hosil bo'lib, quvurlar kesim yuzasini qisman yoki butunlay qurshab oladi va gazni qazib olish va tashish tizimida qo'llaniladigan jihozlarda jiddiy qiyinchiliklar to'g'iradi.

Tabiiy gaz zichligi oshishi bilan har qanday hollarda ham gidratlar hosil bo'lishi ehtimolligi oshmaydi. Ayrim hollarda gaz zichligi kamayganda va haroratning oshishi natijasida kristalgidratlar hosil bo'lishi kuzatiladi. Agar gazning zichligi gidratlar hosil qilmaydigan komponentlar hisobiga oshirilgan taqdirda gidratlar hosil bo'lishi harorati pasayadi. Tabiiy gaz tarkibida gidratlar hosil bo'lishining asosiy sharoitlari gazning suv bo'g'li bilan mos haroratlarda va bosimlarda to'liq to'yinganlik holati hisoblanadi. Asosiy shartlardan tashqari tashilayotgan mahsulot tarkibida gidratlar hosil bo'lishining oqimning yuqori tezligi va turbulentligi, pulsatsiyalanish, quvurlarning keskin 24 burilishlari va gaz oqimida ularning aralashuvlariga sabab bo'ladigan barcha omillar ham ta'sir qiladi. Tabiiy gaz tarkibida vodorod sulfid va uglerod oksidlarining bo'lishi gidratlar hosil bo'lishining turg'un bosimlarini kamaytiradi. Bunda uglerod oksidiga ko'ra vodorod sulfidning ta'siri kuchliroq seziladi. Gaz tarkibida gidratlar hosil bo'lishning asosiy omillariga bosim, harorat va gaz tarkibidagi namliklarning miqdorlari kiradi. Shuning uchun gazni quritish jarayonida uning tarkibidan namliklarni ajratib olish tashilayotgan gazning keyingi bosqichda foydalanish darajasi ko'rsatkichlari bilan belgilanadi. Qazib olinayotgan gazni magistral quvurlarda tashish uchun tayyorlash uning tarkibidagi namlik, suyuq uglevodorodlar, nordon komponentlar va mexanik qo'shimchalardan tozalash jarayonlarini o'z ichiga olib, quvurlarda termobarik parametrlar o'zgarishlari hamda ularning korroziyasiga qarshi himoyasini ta'minlovchi kimyoviy texnologik usul hisoblanadi. Gazni tayyorlashda absorpsion usullar nam gazlarni suv bo'g'laridan quritish hamda gazlar tarkibidan nordon gazlarni ajratib olingandan so'ng uning tarkibidagi suv bug'larini ajratib

olish uchun qo'llanilsa, adsorbsion usullar esa nam gazlarni keyingi bosqichlarda past haroratlarda qayta ishlash maqsadida quritish uchun qo'llaniladi.

Kon quduqlaridan qazib olinayotgan gazkondensat mahsuloti tarkibidan namliklar va suyuq uglevodorodlarni bir vaqtning o'zida ajratib olish uchun amaliyotda sun'iy va tabiiy sovutish yordamida amalga oshiriladigan gazni past haroratli separsiyalash keng qo'llaniladi. Respublikamizning asosiy gakondensatli konlarida gazni kon sharoitida tayyorlash jarayoni past haroratli separasiyalash qurilmalarida tabiiy sovutish qo'llanilgan holda amalga oshiriladi. Bunda gazni tayyorlashning quyidagi o'ziga xos xususiyatlari mavjud:

- qazib olinayotgan mahsulotning tarkibiy va fazaviy o'zgarishlari;
- kon quduqlaridan foydalanish davrida vaqt o'tishi bilan mahsulot tarkibida yengil uglevodorodlar miqdorining ko'payishi va og'ir uglevodorodlar ulushining kamayishi;
- quduq mahsulotlari va hom aшыosi tarkibiy ko'rsatkichlari keng oraliqlarda o'zgarishi natijasida gazga kon va zavod sharoitlarida ishlov berish qurilmalarining ishlash rejimlari o'zgarishi;
- yil mavsumlariga bog'liq ravishda gaz sifat ko'rsatkichlari o'zgarishi;
- kondan foydalanish davrida yetarli darajadagi termodinamik sharoitlar va mahsuldorlik ko'rsatkichlari;
- quduqlarning gaz bera olishligi miqdori kattaligi va ortiqcha bosim hisobiga gazni sovutish imkoniyatlari mavjudligi, kondensat omilining yuqoriligi va boshqalar.

Konlardan foydalanishning oxirgi bosqichlarida korxonalarining texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari kamayib borishi, xom-ashyo bosimining pasayishi, kondensat omilining kamayishi, yangi quduqlarni burg'ilab ishga tushirish zarurati, siquv kompressor stansiyalarini va sovutish qurilmalarini ishga tushirish zarurati to'g'iladi. Ayniqsa, hozirgi jahon iqtisodiy-moliyaviy inqirozi davrida ishlab chiqarishni va qo'llanilayotgan jihozlarni modernizatsiya qilish zarurati to'g'iladi.


Drosellash effekti 100 atm bosimda va normal haroratda eng yaxshi samara beradi. Qatlam bosimi 75 atm gacha kamaygan taqdirda samaradorlik ko'rsatkichlarini saqlab qolish mumkin. Lekin bosim qiymati keltirilgan miqdordan pasaysa gaz tarkibidan kondensatni ajratib olish miqdori mos ravishda kamayib ketadi. Gazni past haroratli ajratish qurilmalaridan foydalanish davrida yuqorida keltirilgan omillar ta'sirida ularning samaradorligi kamayib boradi. Ayniqsa bu ta'sir separatsiya harorati va gazning tarkibiy qismlariga sezilarli bo'lib, qabul qilingan separatsiya haroratlarida gaz tarkibidan kondensat hosil qiluvchi komponentlarni ajratib olish miqdori kamayishiga olib keladi. Tabiiy gaz tarkibidan kondensatning to'liq ajratib olinmasligi gazni magistrallor quvvurlar orqali tashishda uglevodorodli fazalarning kondensatsiyalanishi va quvur pastki qismlarida to'palandir qolishiga sabab bo'ladi. Shuning uchun qatlam bosimi va gazni qazib olish miqdori kamayishi sharoitlarida qurilmalarni rekonstruksiya qilish zarurati to'g'iladi. Bu holat hozirgi paytda viloyatimizdagi foydalanilayotgan barcha yirik konlarda kuzatilmoqda. Gazkondensatli konlar mahsuloti tarkibida suyuq uglevodorodli faza bilan birgalikda og'ir fraksiyalarning oz miqdorda bo'lishi yuqori molekulyar uglevodorodli birikmalarning gaz tarkibidan past haroratli separatsiya usulida ajratib (PHSA) olishning samaradorligini belgilaydi. PHSA ning asosiy mazmuni past haroratlarda va yuqori bosimlarda gaz tarkibidagi suyuq va og'ir fraksiyalarning kondensatsiyalanishiga asoslangan. Bunda retrograd kondensatsiyalanish hodisasini sun'iy



yaratish, ya'ni bosqichma bosqich separasiyalash bilan kondensat gaz tarkibidan ajratib olinadi. Gazni past haroratli ajratish jarayonida kondensatni ajratib olish jarayonini odatda past haroratlarda minus 10 o S dan minus 20 o S oraliglarida olib borilishi gaz tarkibidagi kondensatlarni to'liq darajada ajratib olish imkonini beradi. Past haroratlarga erishish yuqori bosimli gazning kengayishi natijasida va sun'iy ravishda sovutish qurilmalari va usullaridan foydalanilgan hollarda olib boriladi. Yuqori bosimdagi gazning kengayish jarayoni foydali ish bajarilmasdan qaytmas adiabat kengayish – drossellash, hamda foydali ish bajarilishi bilan qaytar adiabat kengayish – detander va turbodetanderlar ishlash prinsipiga asoslangan.

Gazni drossellash gazning shtuser orqali oqib o'tishi jarayonida bosimining pasayishi effektiga asoslanadi. Adiabat oqim sharoitida oqim tezligi shtuserda va undan keyin sezilarli darajada o'zgarmaydi. Gaz entalpiyasi drossellanish va undan keyingi davrlarda bir xil qiymatlarga ega bo'ladi. Haqiqiy sharoitlardagina drossellanishgacha va undan keyin gaz oqimi tezligi farqlari hisobiga va atrof muxit bilan issiqlik almashinuvi hisobiga gaz entalpiyasida biroz o'zgarishlar bo'ladi. Drossellanish jarayonida entalpiya o'zgarishi nolga teng bo'lib izoentalpiya sharoiti deb hisoblash mumkin. Gazning drossellanishi davomida haroratning o'zgarishi Joule – Tomson differensial effekti bilan:  $\alpha \dot{\epsilon} = (dT/dr)\dot{\epsilon}$  (2.1) yoki Joule – Tomson integral effekti  $\Delta T = T_2 - T_1$  (2.2) bilan tavsiflanadi. bu yerda:  $T_1$  va  $T_2$  lar mos ravishda drossellanish jarayonigacha va undan keyingi haroratlar.

Amaliyotda asosan integral drossellanish effektidan foydalaniladi. Chunki integral drossel effekti yordamida katta qiymatlarga erishish imkoniyati to'g'iladi. 1.1-rasmda tabiiy gaz integral drossel effektining boshlang'ich bosim va bosim kamayishiga bog'liq ravishdagi bog'liklari keltirilgan.



1.1-rasm.

Entalpiyasida biroz o'zgarishlar bo'ladi. Drossellanish jarayonida entalpiya o'zgarishi nolga teng bo'lib izoentalpiya sharoiti deb hisoblash mumkin.

Gazning drossellanishi davomida haroratning o'zgarishi Joule – Tomson differensial effekti bilan:  $\alpha \dot{\epsilon} = (dT/dr)\dot{\epsilon}$  (2.1) yoki Joule – Tomson integral effekti  $\Delta T = T_2 - T_1$  (2.2) bilan tavsiflanadi.

bu yerda: T 1 va T 2 lar mos ravishda drossellanish jarayonigacha va undan keyingi haroratlari.

Gazni drossellash yordamida past haroratlarni olish o'zining oddiyligi va oz kapital harajatlari talab qilishi bilan farq qilib lekin uning gazni sovutish jarayonidagi samaradorlik ko'rsatkichlari gaz kengayib ish bajarishdagi past haroratlari olish samaradorligidan kichik.

Gaz kondensatli konlardan foydalanishning dastlabki bosqichlari qatlam bosimining yuqori bo'lganligi bilan tavsiflanib, shtuserda yetarli darajada bosimning kamayishini ta'minlab beradi va buning bilan haroratning zaruriy pasayishiga erishiladi. Quduqlardan foydalanishning keyingi bosqichlarida qatlam bosimining kamayishi natijasida gazni drossellash jarayonida talab qilingan haroratning pasayishiga erishishni ta'minlab bera olmaydi. Bunday hollarda gazni past haroratli ajratish qurilmalarida zaruriy haroratlarni olish uchun sun'iy sovutish qurilmalaridan foydalanish xitoyji to'g'iladi. Gazni adiabatik yoki politropik kengayishini ta'minlash uchun qullaniladigan porshenli yoki turbinali detanderlarning qo'llanilishi foydalanilib kelinayotgan qurilmalarning sun'iy sovutish qurilmalarini qo'llanilmasdan ishlash muddatini uzaytirish imkonini beradi.

Ko'kdumaloq neftgazkondensatli konida gazni past haroratli ajratish qurilmalaridan foydalanish tajribasi shuni ko'rsatadiki, neft va gazni birgalikda tayyorlash va ularning tarkibidan kondensatni ajratib olish jarayoni o'zaro bir biri bilan bog'langan. Konda qo'llanilayotgan past haroratli ajratish qurilmasiga kelayotgan neft tarkibidan olinayotgan yo'lovchi gazlar tayyorlanayotgan tabiiy gaz tarkibiga salbiy ta'sir qiladi. Gazni kompleks tayyorlash qurilmasiga kirayotgan gaz tarkibida yengil neft fraksiyalarining bo'lishi va quduqlar mahsuloti tarkibidagi og'ir fraksiyalar butun kondensat tayyorlash tizimida aralashmalar hosil bo'lishiga sabab bo'lmoqda. Drossellash jarayoni yordamida gazni sovutish bilan tayyorlash qurilmalarining qo'llanilishi qatlam energiyasidan rasional foydalanish nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega. Qo'llanilayotgan qurilmalar ish samaradorligini ta'minlash uchun esa yangi yechimlarning gazni tayyorlash jarayonida qo'llanilishi qurilmadan uzoq vaqt foydalanish imkonini beradi. Bugungi kunda respublikamizdagi gazkondensatli konlarning asosiy qismi qatlam bosimining pasayishi bilan bog'liq bo'lgan ravishda gaz qazib olish davrining kamayishi bosqichiga kirib bormoqda. Bu holat esa gaz tayyorlashning texnik talablar va standart ko'rsatkichlarini ta'minlashning kon sharoitlarida amalga oshirilayotgan texnologiyalarini doimiy ravishda nazorat qilish va takomillashtirib turish imkoniyatlarining mavjudligidan kelib chiqadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Yusupbekov N.R., Nurmuxamedov X.S., Zokirov S.G. Kimyoviy texnologiya asosiy jarayon va qurilmalari. –T.:, Sharq, 2003. - 644 b.
2. Nurmuhamedov H.S., Nig'madjonov S.K., Abdullayev A.SH. va boshqalar. Neft va kimyo sanoatlari mashina va qurilmalarini hisoblash va loyihalash. – T.: Fan va texnologiya, 2008. - 356 b.
3. Лутошкин. Г.С. Сбор и подготовка нефти, газа и воды к транспорту. -М.: Недра, 1972, 324 с.
4. Каплан Л.С. Оператор по добыче нефти и попутного газа. Учебное пособие. Уфа, 2005 г.

5. ОТУ 3-01. Сосуды и аппараты. Общие технические условия на ремонт корпусов.
6. Машины и аппараты химических производств: Примеры и задачи. /И.В. Доманский, В.П. Исаков, Г.М. Островский и др.; Под общ.ред.
7. В.Н. Соколова. – Л.: Машиностроение, 1982, 384 с.

To'laboyeva Shaxlo Sobirjon qizi, Xoliqov Qurbonali Madaminovich  
(Namangan, O'zbekiston)

### KIYIM TIKISH TEXNOLOGIK KETMA-KETLIGINI ISHLAB CHIQRISH

**Annotsiya.** Kiyimga tanlangan ishlov berish usullari asosida uni tikish texnologik tartibi tuzildi, texnologik tartib bo'linmas operatsiyalardan iborat. Texnologik jihatdan bo'linmaydigan operatsiyalar tanlangan eng maqbul tikish usullari asosida tuzildi va adras nusxali trikotaj to'qimasidan yangi model ishlab chiqarildi.

**Keywords:** Dress, figure, seamstress, equipment, sewing machine, iron, detail, tailor, stitch.

**Аннотация.** На основе выбранных методов обработки был создан технологический порядок пошива одежды, который состоит из неделимых операций. Технологически неделимые операции были основаны на выбранных оптимальных методах шитья, и была разработана новая модель из трикотажного полотна с узором адрас.

Одежда, фигура, швея, оборудование, швейная машина, утюг, деталь, портной, погавиться.

**Annotation.** On the basis of the selected processing methods, a technological order was created for sewing clothes, which consists of indivisible operations. Technologically indivisible operations were based on the selected optimal sewing methods, and a new model was developed from adras knitted fabric.

**Kalit so'zlar:** Kiyim, shakl, tikuvchi, asbob-uskunalar, mashina, dazmol, detal, bichuv, chok.

Xar bir tur kiyimni ishlab chiqarish jarayonidagi texnologik jihatdan bo'linmas operatsiyalarning mazmuni va miqdori jarayonini tashkiliy shakllariga bog'liq, emas. Kiyim tikish usuli o'zgarishi bilan birga texnologik jihatdan bo'linmaydigan operatsiyalarning soni va mazmuni ham o'zgaradi [1]. Kiyimlarni tikilish qanchalik murakkab, undagi detal va uzellar qanchalik ko'p, mehnat sarfi qanchalik yuqori bo'lsa, texnologik jihatdan bo'linmas operatsiyalar shunchalik ko'p bo'ladi.

Texnologik jihatdan bo'linmaydigan operatsiyalarni tikish usullari va tanlangan asbob-uskunalar asosida tanlagan buyumimizni tikish bo'linmas operatsiyalarining texnologik tartibini jadvalda tuzamiz.

Bo'linmas operatsiya- bu tikish jarayoning texnologik hisobdan maydaroq ishlarga ajratish mumkin bo'lmagan yaxlit bir elementidir [2].

Ishchining ixtisosi (3-ustunga) ish turiga bog'liq bo'lib, quyidagicha belgilanadi:

Mashina- M

Maxsus mashina- MM

Press-PR

Dazmol- D

Avtomat- A

Yarimavtomat- YA/A

Qo'lishi- q

Bo'linmas operatsiyaning sarf vaqti asosiy (mashina) yordamchi vaqtlarning yig'indisidan hosil bo'ladi. Yordamchi vaqtlarga detallarni ish o'rniga keltirish, ularni tahlash va tepki ostiga qo'yish, burchak joylarida detallarni burish, detal qirqimlarini tekislab borish uchun to'xtash kabi operatsiyalar kiradi.

$$t_0 = t_{yo} + t_m$$

$t_0$ - bo'linmas operatsiyalarning sarf vaqti;

$t_{yo}$ - yordamchi vaqt sarfi;

$t_m$ -asosiy mashina vaqti.

Asosiy (mashina) vaqti quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$t_m = \frac{l \cdot m \cdot 60}{n}$$

$l$ - chok uzunligi

$m$ - chok zichligi(10 mm dagi baxyalar soni);

60- 1 daqiqani sekundga aylantirilgani;

$n$ - mashinalar salt yurishdagi tezligi.

### Yordamchi ishlarning sarf vaqti

Yordamchi ishning normativi

Yordamchi ish turi Vaqti, sek

Bichiqni olish, ish joyiga yetkazish 2,0

Detal qirqimlarini juftlab tepki ostiga qo'yish 2,0

Burchak joylarida detallarni burish 2,0

Detal qirqimlarini tekislab boorish uchun to'xtash Har bir to'xtatishiga

1.5÷2,0

Chok uchlarini puxtalash 2.0÷2.5

Detailarni tepki ostidan olish va ipini qirqish 1.5÷2.0

Detailarni tahlalab olib qo'yish 1.5÷2.0

Ishlov berish texnologik tartibini yakunida shu buyumni tikish uchun umumiy sarflanadigan vaqtni ko'rsatamiz.

## Tanlangan model tikish ketma-ketligi

## 3.3.1-jadval.

T/r	Bajarildigan ishlar	Ishning ixtisosi	Vaqt Sarf (sek)	Asbob uskuna moslama
1	2	3	4	5
Buyum detallarini qabul qilish				
1	Old va ort yelka chokini biriktirib tikish	M	20	ZJ9000D
2	Old va ort yelka chokini yo'rmalash	M	15	ZJC2521-156M-BD-D3
3	Old va ort yelka chokini dazmollash	D	20	UTP-3
4	Yoqa o'miziga manjetni biriktirib tikish	M	40	ZJ9000D
5	Yoqa o'mizi manjet biriktirilgan chok chetlarini yo'rmalash	M	35	ZJC2521-156M-BD-D3
6	Yoqa o'mizi manjet chokini dazmollash	D	25	UTP-3
7	Old bo'lak va ort bo'lak yeng chokini birlashtirib tikish	M	30	ZJ9000D
8	Old va ort yeng birikan choklar chetini yo'rmalash	M	25	ZJC2521-156M-BD-D3
9	Old va ort yelka chokini dazmollash	D	20	UTP-3
10	Old bo'lak va ort bo'lak yeng chokini tikish	M	50	ZJ9000D
11	Old bo'lak va ort bo'lak yeng chokini yo'rmalash	M	50	ZJC2521-156M-BD-D3
12	Old bo'lak va ort bo'lak yeng chokini dazmollash	D	35	UTP-3
13	Ort va old yon etak qismi atrezini yo'rmalash	M	25	ZJC2521-156M-BD-D3
14	Ort va old yon etak qismi atrezini bostirib tikish	M	25	ZJ9000D
15	Ort va old yon etak qismi atrezini dazmollash	D	20	UTP-3
16	Oxirgi namlab -isitib ishlov berish	D	45	UTP-3
17	Buyumni ortiqcha iplardan tozalash	Q	40	Qo'lda
18	Buyumni qadoqlash	Q	20	Qo'lda
19	Sarflangan vaqt sek: 540 jami 9 min			

## ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. M.K. Rasulova. TIKUV BUYUMLARINI ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASI.Toshkent-2016. <http://library.ziyonet.uz/ru/book/download/38533>
2. Arxiv.uz. <https://arxiv.uz/ru/documents/referatlar/to-qimachilik/ustki-kiyim-tikish-texnologiyasi-jarayonlari>

Жураев Мусурмон Авлакулович, Шерматов Сайдullo Салохидин угли,  
Акралов Акмалхон Аббосхонолович  
(Ташкент, Узбекистан)

## УСТРОЙСТВА ДЛЯ РАЗМЕРНОЙ НАСТРОЙКИ РЕЗЦА ТОКАРНЫХ СТАНКОВ

**Аннотация.** В статье рассматриваются факторы влияющие на точность обработки токарных станков, выделены среды них доминирующие факторы оказывающие наибольшее влияние на точность обработки, анализированы возможности повышения точности обработки на существующих токарных станках путем исключения влияния доминирующих факторов на точность обработки, описаны место и значение размерной настройки резца токарных станков при обеспечении точности обработки деталей типа тело вращения, предложен способ и принципиальная схема устройства для прецизионной настройки резцов токарного станка на обрабатываемый размер.

**Ключевые слова:** Статическая точность.

**Аннотация.** Мақолада токарлик станокларига ишлов бериш аниқлигига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган, улар орасига ишлов бериш аниқлигига таъсир кўрсатқвчи асосий омиллар ажратиб кўрсатилган, мавжуд токарлик станокларига ишлов бериш аниқлигига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни йўқотиш асосига ишлов бериш аниқлигини ошириш имкониятлари таҳлил қилинган, кескичларни ўлчамларга созлаш аниқлигининг ишлов бериш аниқлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти баён қилинган ва токарлик станоклари кескичларини ўлчамга прецизион созлаш усули ва қурилмасининг принципиал схемаси кўрилган.

**Калит сўзлар:** Статик аниқлик.

If we look directly at the meaning of the word theolinguistics, it is clear from its form that, like many other linguistic disciplines, it is a two-part "theology" or the first suffix of the theo-, prefix (prefix), which is characteristic of most European languages. linguistics ". In turn, "theo" is derived from the Greek word theos, meaning "god", and linguistics refers to the science of language. Thus, theolinguistics can be defined as a branch of linguistics that studies the linguistic peculiarities, methods, and differences of religious sources, doctrines, scriptures, and commentaries. Explanatory dictionaries in other languages, whether in book form or online, all of them are presented in the form of "learning a religious language."

In fact, the term was first used by the Belgian linguist Jean Pierre van Noppen in 1981 and is widely acknowledged as the father of theolinguistics. It was not until 1995 that the English linguist David Crystal included it in his encyclopedic dictionary as a linguistic term. Hoppen first used the term to describe the development of the human language in the context of known interests, as a science with a long and rich history, encompassing all its means of expression. It is a reflection of man's efforts to study God's language and its units of understanding. As noted above, the different interpretations of texts in religious sources have led to divisions within religions, and religious institutions have come to the conclusion that a deeper approach is needed. At first, the peculiar language of religious sources did not attract the attention of theologians and philosophers. As a result of growing debate and controversy over religious discourse and related issues, linguists, anthropologists, sociologists, and psychologists have also been called upon to find a solution. JP NoppenNING points out that the interest in religious language, which was later regarded as a revolution, was not only positive (one-sided) but also very effective in addressing the fundamental and theological problems of religion that had persisted for many years.

It should be noted that in modern linguistics, theolinguistics is one of the fastest growing branches. According to many experts, the roots of theolinguistics go back many centuries. Only its formation as a branch of linguistics was reflected in the late twentieth century. Despite the fact that the term was first used almost 40 years ago, the basic research in it has been important since the beginning of the century and continues to develop to this day. The significant work of several researchers in this area in our country has been listed above. If we look at the work of many of our great compatriots, who grew up in our country on the basis of modern theolinguistics, the work done in Uzbekistan in this area of linguistics is more distant than in other countries.

**REFERENCES:**

1. Crystal D. The Cambridge Encyclopedia of Language. - Cambridge Univ. Pr., 1995. 11. van Noppen J.-P. (red.), Theolinguistics (= Studiereeks Tijdschnft VUB, Nieuwe Serie Nr.8). VUB, Brussel 1981
2. Галиева М.Р. Теолингвистика: истоки, направления, перспективы / М.Р. Галиева – Ташкент: VneshInvestProm, 2018
3. Ирина Владимировна Бугаева Россия, Российский государственный аграрный университет – МСХА им. К. А. Тимирязева, Москва



Абдуқаҳҳорова Хосият Абдурасул қизи  
(Чирчиқ, Ўзбекистан)

### КУНДАЛИК ҲАЁТДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ЧЕГАРАЛАНГАН ЛЕКСИК ҚАТЛАМ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада ноадабий тил воситаларини умумхалқ тилининг маълум бир қатлами сифатида ўрганиш ҳамда адабий ва ноадабий тилнинг нутқ меъёри ва нутқ маданияти билан чамбарчас боғлиқлиги, шу жумладан, чегараланган лексик қатламлардан бири ҳисобланган арготизмлар ва уларнинг вазифаси ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий диалектлар, жаргонлар, арготизмлар, чегараланган лексик қатлам, профессионализмлар.

Абдуқаҳҳорова Хосият Абдурасул қизи  
(Chirchik, Uzbekistan)

### THE LIMITED LEXICAL LAYER USED IN EVERYDAY LIFE AND ITS FUNCTIONS

**Abstract.** The article discusses the study of non-literary language means as a special layer of the spoken language and the close connection of the literary and non-literary language with speech norms and speech culture, including argotisms and their function as one of the limited lexical layers.

**Key words:** social dialects, jargons, argoisms, limited lexical layer, professionalism.

Абдуқаҳҳорова Хосият Абдурасул қизи  
(Чирчиқ, Ўзбекистан)

### ОГРАНИЧЕННЫЙ ЛЕКСИЧЕСКИЙ СЛОЙ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЙ В ПОВСЕДНЕВНОЙ ЖИЗНИ, И ЕГО ФУНКЦИИ

**Аннотация.** В статье обсуждается изучение нелитературных языковых средств как особого слоя разговорного языка и тесная связь литературного и нелитературного языка с речевыми нормами и речевой культурой, включая арготизмы и их функцию как одного из ограниченных лексических слоев.

**Ключевые слова:** социальные диалекты, жаргоны, аргоизмы, ограниченный лексический слой, профессионализм.

Маълумки, тили чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг лексик сатҳларини тадқиқ қилиш, шубҳасиз, унинг ривожини таъминловчи омиллардандир. Бугунги кунда тилшуносликда ўрганилиши лозим бўлган соҳалар мавжуд. Бу ўзбек тилининг чегараланган лексик қатламларидир. Э.Қиличев ўз илмий қарашларида ноадабий тил воситаларига таъриф берар экан, бу соҳа ҳам тил луғат тизимининг таркибий

қисмларидан бири эканлигини доимо назарда тутмоқ лозим эканлигини айтиб ўтади. “Функционал чегараланган сўзларнинг моҳияти уларнинг тил, лексик системаси элементлари билан бўлган ўзаро муносабатларидан, яъни тил лексикасини бутунлай яхлит бир ҳолда олиб ўрганилгандагина очилиши мумкин”, – деган фикрни билдиради. Тилимиздаги чегараланган лексик қатламлардан бири арготизмлар ҳисобланади. Арголар қизиқишлари, машғулотлари, ёшлари бир хил бўлган жуда тор доира (гуруҳ) кишилари орасидаги шаклланган сўз ва иборалардир. М. Миртожиев маълумотларига кўра, арго – маълум соҳа гуруҳлари томонидан қўлланилиб, бошқалар учун сир тутиладиган терминдир. Улар кенг оммага тушунарли бўлмайди. Ўзининг асосий луғат фондига эга эмас. Арго бир неча тил унсуридан иборат қоришиқ ва кўп ҳолда бошқага тушунарсиз нутқ кўринишида намоён бўлади.

Маълум бир гуруҳ орасидаги “тўқима тил” бўлганлиги учун шу гуруҳ тугаши билан бундай сўзлар тугаб кетади. Арго тили ўз грамматикасига эга эмас. У умумхалқ тили грамматикасига таянлади. Арго нутқ икки мақсаднинг бири учун қўлланилади:

а) фикрни сир тутиш.

б) ўзини ажратиб кўрсатиш.

Масалан: эллик олти (ипак), инхай (чай), тиш (гуруҳ)

Ҳозиргача ўзбек тилида отарчилар, ўғрилар, савдогарлар ва бошқа гуруҳларнинг арголари мавжуд бўлган: лой, якан (пул), деғо (бегона), хитола (ўғирла), мент (милиция), сар ёки сарипиёз (минг сўм).

Ўғрилар аргосида пулни – лой, ўғирлатадиган шахсни – ҳарф, чалғитиб туришини – ўқимок, ўғриламоқни – сотиб олмоқ, ўғирлаб келувчини – ўйинчи термини билан атайдилар.

Пулни отарчилар – якан, поражўрлар – куруғи деб аташади.

Безорилар аргоси: - замри (жим тур), атамри (гапир), хамка (нон), рубай (егин).

Ҳозирги талабалар аргоси: дум (икки), международный (уч), хачча (ёрдам берувчи) каби.

Эҳтиёт натижасида бир хил қасб ёки жамиятдаги инсонларнинг адабий тилдаги сўзларга махсус тушунчалар бериш, баъзи сўзларни ўзгартириш орқали тилнинг лаҳжаларидан, эскирган унсулардан ва четдан кириб келган сўз ўзақларидан фойдаланиб ясалган, ҳамма тушунмайдиган сўз ва иборалардан тузилган, мажозий маъноларда қўллана оладиган махсус тилдир ёки сўзлар бирикмасидир. Арго санъаткор ва ҳунармандлар гаплашадиган тилдир.

“Арго” сўзи француз тилидаги “аргот” сўзидан олинган. Францияда 1690 йилгача ўғрилар орасида қўлланилган сўзлар арго дейилган бўлса, шу йилдан кейин жамиятнинг қуйи табақаси гуруҳларига оид, умумий тилдан айрилган ёлғонга мос сўзлардан ташкил топган тил сифатида қўлланилмоқда. 1740 йилда Француз академияси томонидан қабул қилинган “аргот” сўзининг ўзаги билан боғлиқ турли хил фикрлар мавжуд. Эски юнон афсонасида бу сўзнинг ўзаги “арго” исмли кема номидан олинганлиги илгари сурилган бўлса, шу билан бирга итальянча “ўғри тили” маъносини берадиган “герго” дан келиб чиққан деган фикрлар бор. Аргонинг мақсади – тил қуйи табақасини давом эттириш, яшириш, сирли олам яратиш орқали қуйи маданиятни ривожлантиришдир. Арго луғатларидан жой олган сўзлар кўпчилик тарафидан тушунилса, арго ҳисобланмайди

ҳамда оғзаки сўзлашув услубига хос бўлган сўзга айланади. Қайси давр, замон, тилда, бўлмасин арго саналган сўзлар ўғрилиқ, фирибгарлик, уруш ва бошқа шахс ва жамиятга зарар етказадиган ҳаракатлар асосида юзага чиқмоқда.

Арголар нафақат ўзбек тили, балки қариндош ва қардош тилларда ҳам ривожланиб, ўрганилмоқда. Буни ўзбек тили билан чоғиштириб ўрганиш яхши натижа беради. Ҳозирги турк тилида арго “қўпол” ёки “дағал тил” ўрнига “кайиз дил” термини билан аталмоқда. “Хунук, қўпол, дағал” термини билан аталган сўзлар оғзаки сўзлашув тили маъносини олмоқда ва турк тили жамиятининг 1998 йилда нашр қилинган туркча луғатига киритилган.

Бугун эса бир ерда яшаб, бир маданиятга мансуб миллатлар бир жамиятда истиқомат қилар экан, турли хилдаги ижтимоий гуруҳлар ташкил топмоқда. Улар тилнинг чегараланган лексик қатламларидан турли ўринларда фойдаланишади.

Бу махсус тил ҳамма ўлкада бир хил шаклда юзага келмоқда. Жамиятнинг қуйи табақасида ишлатиладиган тил бўлишига қарамасдан, маданият савияси юксак табақаларда кенг қўлланилмоқда. Чиройли гапириш тарзи бўлган арго сўзларга махсус маънолар юклаб сўзларни ўзгартириш ёки четдан кирган сўзларнинг ўзакларидан ва юқорида ҳам таъкидланганидек, турли хил соҳаларини ўз ичига қамраб оляпти.

Умуман айтганда, жаргонлар айрим гуруҳларгагина оид чегараланган лексика бўлиб, улар кўпинча ўткинчи бўлади, чунки жаргонларни қўлловчи тўда (гуруҳ)ларнинг кўпчилиги асосан вақтинча уюшган гуруҳ бўлади, ана шу гуруҳ тарқалиб кетиши ёки тугаши билан жаргон сўзлар ҳам, асосан, унутилади, қўлланилмай қолади. Масалан, бўғин бошига ч ҳарфи, за кўшиб айтиш ҳозир деярли қўлланилмайди. Шунингдек, турли ерда бир гуруҳда бир сўзнинг турлича қўлланилиши жаргонларга деалектларнинг таъсири борлигини кўрсатади.

Баъзан ана шундай тор гуруҳларгагина қўлланиладиган сўзлар кўпчиликка тушунарли, кўпчилик қўллайдиган сўзларга айланади:

Масалан: “дум” – “2” баҳо, қуён бўлиш – қочиб кетиш каби, жаргон ва арголар моҳиятан профессионализмларга яқин турса ҳам, аммо, улардан кескин фарқ қилади. Профессионал сўзлар тил лексик системасида ўз ўрнига эга. Жаргон ва арготизмлар маълум гуруҳ орасидаги “шартли” сўзлар бўлганлиги учун халқ тилида мустақил ўринга эга эмас.

Улар бадиий адабиётда персонажлар характерини бериш, улар нутқини индивидуаллаштириш учун хизмат қилади. Масалан, –Бу қора ер юткурнинг йўрға чиқаришини етти ухлаб тушимда ким кўрибди. (Ҳамза. “Паранжи сирлари”)

Таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ҳам ўз асарларида жаргон ва арголардан фойдаланиб, асардаги персонажлар нутқини жонли ва жозибали қилиб тасвирлаган:

- Шу ерда гаплашамизми ё, ёруғ жаҳонга чиқамизми? – деб сўради Жамшид.

- Ёруғ жаҳон ҳам гап эканми, -деди Зелихон, – нақ жаннатнинг киндигида отамлашамиз.

- Булар ментларми? – деди Зелихон орқадаги йигитларни кўрсатиб.

- Фу, - деди Валя лабини буриб, – У тикка-ку: қулвачча-ку!

Қамиш ўриб олинаверади, келгуси йили эса илдизидан яна ўшандай қамиш ўсиб чиқаверади. Бечора оқибатда қандай хор бўлишини билмай ғадаяверади. Оёқ остига

ташланмай, томга тўшалса ҳам бари бир башарасига лой чаплайдилар... қисмати офир... аммо у якан бўлмайди. Жаннатнинг киндиги – тунги клуб, мент – милиция, пешка – хуқуқсиз одам, якан – пул каби.

Тилимизнинг чегараланган қисмига хос лексика таркибида жаргон ва арголарнинг ўзига хос ўрни бор. Гарчанд жаргон ва арголардан аҳолининг чегараланган қисми фойдалансада, аммо бир кун келиб улар оддий сўзлашув нутқида, ундан адабий тилга ўтиши ва адабий тилининг бойиши учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, жаргон ва арголардан бадий асарларда фойдаланиш ўқувчига тасвирланган муҳит ҳақида ёрқинроқ, тўлақонли тасаввур бериш имконини яратади.

Ўзбек тилининг луғат таркибида сўзлар ниҳоятда кўп ва турли-туман эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Бу сўзлар ўзининг хилма-хил лексик семантик, грамматик ва услубий хусусиятларига эга. Луғат таркибидаги сўзлар тилнинг яшаш формаларига кўра ажойиб луғавий қатламларни ўз ичига олади. Маълумки, ҳар қандай тил ўз ривожланиш тарихига эга. Тил ривожининг мана шу босқичига унинг луғат таркиби ва грамматикаси, структурасига маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бу ҳол ўз-ўзидан ҳар бир давр тилининг ўзига хос хусусиятлари ва нормаларини юзага келтиради.

Тилнинг шу нормаларига кўра, бир давр адабий тили иккинчи давр адабий тилидан фарқланади. Тил ривожининг муайян даври учун хос лексика, грамматика ўша давр тилининг нормаларидир. Тилнинг луғат таркиби ва унинг луғавий бойликларини умумий норма ва хусусий норма нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш мумкин. Умумтил луғавий нормаси ўзбек тилида умуман қўлланган ва қўлланилаётган сўзларни назарда тутди.

Хусусий луғавий норма эса адабий тилга хос лексикани ҳамда диалект ва шеваларга хос луғавий бойликларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олади. Ўзбек тили хусусий нормаларининг бир бўлаги сифатида ўзбек тилининг ижтимоий коммуникатив тармоқлари лексикаси ҳам киради. Бу тил воситалари ҳам лексик қатламлар бўлиб маълум ижтимоий гуруҳлар ҳамда кишилар нутқини характерловчи луғавий ва грамматик материал сифатида тил луғат таркибига учрайди ва унда махсус луғавий бўлимни ташкил қилади.

Бундай лексик ҳодисалардан айниқса бадий асар тилида кенгроқ фойдаланилади. Ёзма ва оғзаки нутқ, адабий ва ноадабий тил нутқ меъёри, нутқ маданияти муомалалари билан чамбарчарс боғлиқ. Шунинг учун ҳам ноадабий тил лексикаси устида ишлаш муҳим бўлиб мазкур муаммолар келажакда ечимини кутаётган соҳадир.

Йирик рус тилшуноси Р.А.Будагов шундай ёзади: “бундай бадий адабиётда тил фақат коммуникатив восита бўлиб хизмат қилмайди, балки у китобхонга эстетик таъсир кўрсатади. Бунда у оддий бир “белги” эмас, кишиларга таъсир этиш вазифасини бажаришга ҳам интилади”.

Ҳозирги вақтда тил ва бадий адабиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик ва унинг шакллари ҳақида масалалар кенг тарғиб қилинмоқда. Шу сабабли, биз кўриб ўтган лексик воситалар нафақат тилнинг ўрганиш объекти бўлмай, балки адабиётнинг, адабиётшуносларнинг ўрганиш манбаи ҳисобланади. Чунки бу воситалар кўпроқ бадий адабиёт тилида учрайди. Бизнингча, бу лексик қатламларни адабиётшунослик билан

тилшунослик фанларини янада яқинроқ боғловчи бир восита деб қарашимиз лозим. Улар ишлатган бадий, нутқий воситаларнинг ҳаммаси асарларда тасвирланаётган воқеаларнинг моҳиятини, образнинг характерини беришга давр талабини жонли равишда аниқ фактлар асосида гавдалантиришга хизмат қилади.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Бегматов Э. Бобоева. А. Асамиддинова М. Нутқ маданияти ва адабий норма. – Т.: Фан, 1973.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985.
3. Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари, Тошкент, 1963.
4. Менглиев Б, Холиёров У., Ўзбек тилидан универсал қўлланма, - Т.: фан, 2007.
5. Тожиев Ё. Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари - Т 1994.
6. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Т. 1981.
7. Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари, Тошкент, 1963.
8. Турсунов У ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1992

Абраева Шахноза Эсоновна  
(Тошкент, Узбекистан)

## ЛОТИНЧА ВА ЮНОНЧА МОРФЕМАЛАРНИ СОЛИШТИРИШ МАҲСУЛДОРЛИГИДА СТАТИСТИК-КОМБИНАТОР МЕТОДЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШINI АСОСЛАШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада лотинча морфемаларнинг юнонча морфемалар билан солиштирилганда маҳсулдорлигини статистик ўрганиш ҳам морфологик, ҳам семантик аспектларда сўз яшаш характеридаги айрим қонуниятларни очиш имконини беради. Классик тилларнинг морфемалари француз тилининг луғат таркибини фақат миқдор жиҳатидан эмас, сифат жиҳатидан ҳам бойитяпти.

**Калит сўзлар:** семантика, классик, терминология, семантик, морфология, лотин-юнон, синонимия, тиббиёт.

Тилшунослиқда статистик методлар борган сари кўпроқ тан олинмоқда, чунки тилнинг у ёки бу фактларини таҳлил қилишнинг кўплаб масалалари таҳлилнинг анъанавий усулларида яширинлигича қолмоқда. Бевосита синонимлар масаласига тил теккизмасдан, биз классик тилларнинг морфемаларини француз тилида ишлашининг баъзибир қонуниятларини очиб беришимиз, яъни, нутқдаги дифференциал характеристикаларини ва оппозицияни аниқлашимиз керак. Статистик методлар лингвистикада шундай кузатиш ва илмий тажрибаларни ташкил қилиш учун қўлланиладики, бунда тадқиқотчи, олдиндан маълум маълумотнинг тўлиқ бўлмаган шароитларида тадқиқ қилинаётган объектлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида маълум аниқлик ва ишончлилик билан хулосалар чиқариш имкониятини қўлга киритади. Нутқ тизимидаги миқдорий характеристикаларни ва фарқларни тадқиқ қилиш тил тизимидаги сифатий фарқларни топиш ҳамда кўриб чиқиладиган элементларнинг белгиларини ва хусусиятларини ҳар хил лексик даражаларда ва кичик тилларда аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тадқиқотимиз методикасида миқдорий-сифатий оппозиция ишлатилган бўлиб, у таҳлил қилинаётган лексиканинг сифатий омилларини ҳамда ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишга кўмаклашадиган структур-эҳтимоллик таҳлил асосида ётади.

Юнон ва лотин аффиксларининг фарқ қилувчи белгиларини аниқлаш ушбу элементларнинг тил тизимидаги тақсимланишини таҳлил қилишда амалга оширилади. Бундай таҳлил қадқик қилинаётган морфемаларнинг турли аспектларда: танлаш, кичик тил, даражали ва умуман тил тизимида қўлланилиш соҳасини аниқ тавсифлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам такрорланувчанлик элементлар ва тил ҳодисаларининг характерли жиҳати бўлганлиги ва ўхшашликларни ҳамда фарқларни аниқлаш тилнинг миқдорий муносабатдорлиги методикаси ёрдамида амалга оширилганлиги сабабли, лингвистик вазифаларнинг ушбу тури статистик методларга мурожаат қилишни талаб этади. Тез-тез такрорланиш сифат жиҳатидан бир хил ҳодисаларнинг объектив такрорланиш сифатида нутқда аниқланган элементларнинг ва тил ҳодисаларининг статистик қонуниятларини билишнинг универсал категорияси ва зарур поғонаси бўлиб чиқади.

Тилнинг ҳар бир бирлиги миқдорий характеристикасининг тўплами эҳтимоллик билан боғлиқ. Эҳтимоллик рўёбга чиқадиганнинг миқдорий томони деб таърифланади, чунки статистик жараёндаги тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллигини ҳисоблаб чиқиш илгаридан белгиланган қандайдир шароитларда такрорланувчи вазиятларни кузатиш билан боғлиқ.

Эҳтимолликнинг миқдорий аҳамияти, яъни ҳодисанинг “имконият даражаси”, ушбу воқеа бўлган ҳодисаларни кузатишларнинг умумий сонига нисбати билан ифодаланади: у маълум барқарорликка ва арзимас оғишларга ҳамда иккиланишларга эга. “Тил элементларини танлашдаги айнан эҳтимоллик омили тилга мулоқот жараёнида юзага келадиган янги эҳтиёжларга мослашиш имкониятини беради”.

Жамланган тез-тез такрорланиш бир матндан иккинчисига ўзгариб туради, муаллифнинг стилистик ўзига хослигига ҳамда тадқиқ қилинаётган матннинг тематикасига боғлиқ бўлади, айни пайтда морфемаларни тақсимлашда матнларнинг, яъни тадқиқ қилинаётган бирлик учрайдиган термаларнинг сони қайд қилинади. Бундай ҳолларда миқдорни (ўртача киришни) ажратиб кўрсатиш ва кейин уларни нисбатан кириш билан солиштириш ҳамда нисбий миқдор ва лексик бирликнинг ўзига хослиги кўрсаткичи ҳисобланган ҳолда вазифани аниқлаш имконияти бор.

Олинган статистик маълумотлар элементларнинг нутқда учраши ва уларнинг сўз яшаш яширин имкониятлари ўртасидаги мавжуд нисбатни, яъни тез-тез такрорланиш ва сўз яшашнинг қарама-қаршилигида пайдо бўлувчи эҳтимоллик-дифференциал характеристикани аниқлашга ёрдам беради.

Лотинча морфемаларнинг юнонча морфемалар билан солиштирганда маҳсулдорлигини статистик ўрганиш ҳам морфологик, ҳам семантик аспектларда сўз яшаш характеридаги айрим қонуниятларни очиш имконини беради. Асосан биз классик тилларнинг синонимик морфемаларини бир-биридан ажратмасдан, балки тизимда, тилда ва нутқда реал мавжуд бўлган бошқа ҳодисалар ва элементлар билан ўзаро боғланишда тадқиқ қиламиз.

Лингвистикада тил элементлари ва ҳодисаларининг сифатий характеристикаларини ва қонуниятларини аниқлаш учун мўлжалланган кўп самарали методлар мавжуд. Лотинча ва юнонча синонимик элементларни ўрганишда структур-эҳтимоллик таҳлилининг қўлланилиши шу билан боғлиқки, квантитатив характеристикаларни солиштириш тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг нутқда ишлашининг статистик қонуниятларини аниқлаш ва ўхшашлигини ва фарқларини топиши мумкин.

### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. ПАЛАТОВ М. И. Морфологическая структура слов греко-латинского этимона («интернационализм») в современном немецком языке. - В кн.: Иностранный язык. Алма-Ата, 1967, вып.3, с.100-108.
2. ПАЛАТОВ М. И. Семантическая структура интерлингвизмов греко-латинского происхождения в современных европейских языках (опыт синхронно-сопоставительного исследования): Автореф. дис....канд. филол. наук. - Алма-Ата, 1970. - 28 с.

3. BAILLY R. Dictionnaire des synonymes de la langue française. Paris, 1967.
4. Маматов А.Э., Асқаров А.С. “ Роман филологиясига кириш”. Тошкент, 2012.
5. БАЛЛИ Ш. Общая лингвистика к вопросы французского языка. - М.: Изд. иностр. лит., 1955. - 416 с.



Комилова Нилуфар Абдылкадымовна  
(Фергана, Узбекистан)

### “ГЕНДЕР” КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНТИКАСИНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК АППАРАТИ МАСАЛАСИ

**Аннотация.** Ушбу мақолага “гендер” концептуал семантикаси лингвистик нуқтаи назардан таҳлил этилган бўлиб, гендер(gender) ва жинс(sex) тушунчаларини фарқловчи хусусиятлари кўрсатиб берилди. Қолаверса, “гендер” концептининг терминологик аппаратлари тадқиқ этилган ва тил сатҳлари бўйича мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** гендер, жинс, гендерема, фоногендерема, морфогендерема, лексогендерема, синтаксогендерема, фразеогендерема, тектогендерема, парагендерема.

**Annotation.** This article deals with linguistic features of the concept of “gender” and reveals differences between two notions: gender and sex. Furthermore, it is aimed to analyze terminology of the concept “gender” with given examples according to linguistic hierarchy.

**Key words:** gender, sex, gendereme, phonogendereme, morphogendereme, lexogendereme, syntaxogendereme, phraseogendereme, textogendereme, paragendereme.

“Гендер” концепти бугунги кун илм-фанининг кўплаб соҳаларида, жумладан психология, социология, сиёсатшунослик, биология, тилшунослик ва бошқа ўнлаб соҳаларда асосий ўрганиш объекти бўлиб келмоқда. Шу боис ҳам, кўп қиррали “гендер” концептини тармоқлараро, интердисциплинар услубда тадқиқ этиш зарур бўлади. Гендер ҳақида сўз юритишдан аввал, гендер (gender), род ва жинс (sex) каби турли лекин бир-бирини тақазо этувчи тушунчаларни фарқлаб аниқлик киритиб олишимиз зарур. Жуда кўп илмий манбаларда жинс(sex)га қуйидагича таъриф берилди: жинс (sex) – биологик нуқтаи назардан аёллик ёки эркаклик бўлиш ҳолатидир (Oxford Advanced Learner’s Dictionary). Online Lingvo изоҳли луғатида гендер атамасига шундай таъриф берилди: «гендер-аёллик ёки эркаклик бўлиш ҳолатидир (нафақат биологик, балки ижтимоий ва маданий кўрсаткичлар билан бирга ифодаланиши мумкин)». Wikipedia энциклопедиясида келтирилишича, “Гендер бу эркаклик ва аёллик тушунчаларига оид ва уларни фарқловчи хусусиятлар жамланмасидир. Контекстга қараб, бу хусусиятлар биологик жинсни (яъни эркак, аёл ёки интерсекс ўзгарувчанлик ҳолати), жинсга асосланган ижтимоий тузилмаларни (яъни, жинсларнинг жамиятдаги роллари) ёки жинс(секс)ини аниқлашни ўз ичига олиши мумкин. Гендер (gender) кўп қиррали, мураккаб ва бир оз мавҳум тушунча бўлиб, бу тушунчанинг асл моҳияти борасида илмий мунозаралар ва чалкашликлар талайгина. Кўпчилик мутахассислар таъкидлашича, гендер бу ижтимоий ва маданий нуқтаи назардан аёл ёки эркакнинг фарқланишидир, яъни, гендерда социал факторлар муҳим ўрин тутди (Кириллина 1967; Kramer1977; Lakoff 1975; Thorne 1975; Д.И.Рўзиева 2015; Н.З.Насруллаева 2016; Г.И.Эргашева 2018 ва ҳ.к...).

Куйидаги жадвалда ҳам жинс ва гендерни фарқли хусусиятлари ёритилган.

ЖИНС (SEX)	ГЕНДЕР (GENDER)
Биологик хусусиятлар жамланмаси бўлиб, ўзида шахснинг генетик, анатомик ва физиологик аспектларга кўра аёллик ёки эркаклик бўлиш ҳолатидир. Аҳамиятлиси шундаки, биологик аспектлар икки жинс хусусиятларини бир-биридан бутунлай айро этмаслиги мумкин, яъни ҳар икки жинс вакиллари(эркак ва аёл)га хос жихатларга эга шахслар мавжуд.	Ижтимоий конструкция бўлиб, йигит ёки қиз, аёл ёки эркак(баъзи бир жамиятларда уларнинггина маданиятига хос бўлган учинчи ёки бошқа гендер) бўлишлик ҳолати билан ассоциациялашган хулқ-атворлар ва қонун-қоидалар тўпламидир.
<b>Туғма</b>	<b>Ҳаёт давомида ўзлаштирилган</b>
<b>Универсал</b> <b>Антитарихий(А-historical)</b> Замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган.	Гендер роллар <b>замон-макон, жамият, маданиятлар</b> аро ўз хусусиятларини ўзгартириб боради. Қолаверса, социо*иқтисодий, сиёсий вазият, ёш, таълим, этник ва диний факторлар гендерга бевосита ўз таъсирини ўтказида.
<b>Жинс ўзгармас, турғун ҳолат</b> (гиббий муолажалар йўли билангина ўзгартириш киритиш мумкин) масалан: фақат аёлларгина фарзанг дунёга келтира оладилар.	Гендер хусусиятлар мустаҳкам илгизга эга бўлса-га, вақт ўтгани сайин <b>ўзгариб</b> боради. Чунки, ҳеч бир ижтимоий норма ва қадриятлар <b>барқарор</b> эмас.
<b>Амалий аҳамияти шундаки</b> , шахс туғилганда тафовут фақат биологик жинс билан белгиланади. Шахс улғайиши жараёнида жамият унга турли роллар, имкониятлар, ҳуқуқлар берадики, шу боисдан ҳам гендерологик тафовутлар юзага келади ва шаклланади.	

“Гендер” концептини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этиб боргани сари, илм-фаннинг турли соҳаларини қамраб олган “гендер” концептининг терминологик аппаратларини юзага келди ва уларга аниқлик киритиш зарурияти пайдо бўлди. Илмий изланишларимиз жараёнида гендер концептуал семантикасини ифодаловчи лингвистик ва паралингвистик вербализаторларни билдирувчи термин\атаманинг йўқлиги маълум бўлди. Барча инвариант тил бирликлари ҳар бир тилда гендер концептини воқелантириш учун махсуслашган бўлиб, уларни бир умуматама остига бирлаштириган ҳолда “гендерема” деб аташни мақсадга мувофиқ деб топдик.<sup>36</sup> “Гендерема”-бу ўзида гендерологик хусусиятларни ифодаловчи вербал ёки авербал бирликдир. Мазкур гендереманинг тил сатҳларига қатъий алоқадорлигидан келиб чиққан ҳолда уларни куйидаги умуматамалар билан ифодалаш ҳам ўринлидир. (Гендереманинг тилини барча сатҳлари аро таснифи бўйича кенгроқ маълумот олиш ушбу манбаага қаранг: Ғ.М.Хошимов, Н.А.Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиғи., ФарДУ Илмий хабарлар 3-сон, 2020 й. 144-149 бетлар)

<sup>36</sup> Ғ. Хошимов, Н. Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиғи., ФарДУ Илмий хабарлар 3 сон, 2020 й. 144-149 бетлар.

**1) фоногендерема** - фонема, интонема, дикциялар орқали воқелантирилган гендер, яъни аёл ва эркак талаффузидаги овознинг тембри, акустикаси, дикциялар, фонемалар ва интонемалар.

**2) Морфогендерема** - морфемалар орқали воқелантирилган гендер.  
**а) аффиксал морфогендерема** (-хон, -жон, -бек, -биби, -бой, -буви, -бек, -бегим, -ой, -али, -пошша, -улло, -бону, -мирзо, -берди, -берган, -хўжа, мир-, шо-, бобо, -момо, -son, -ella, -ia, ва ҳ.к.; ўзб.: Муслим-Муслима, Азиз-Азиза; Махмудов - Махмудова, шоир-шоира, махбуб-махбуба ва ҳ.к.; инг.: Alexandr-Alexandra, Caxton-Linton, waiter-waitress, actor-actress; **б) лексик морфогендерема** (яъни сўзга тенг морфогендерема), масалан, ўзб.: қайн-ота, қайн-она, қайн-оға, қайни-сингил, падаркуш, онаизор, отажон, онажон, отахон, онахон, отаўғил, онақиз, онаюрт, отаюрт, отатурк, ингл.: father-in-law, mother-in-law, daughter-in law, son-in-law, grandson, granddaughter, grandfather, grandmother ва ҳ.к.

**3) лексогендерема** - лексема орқали воқелантирилган гендер. **а) от орқали ифодаланган лексогендерема**: аёл, эркак, қиз, ўғил, эркак, урғочи, мода, ўғилбола, қизбола, чол, кампир, эр, хотин, заифа, мўйлов, қаламқош, сарвиноз, танноз, пари, париваш, гўзал, санам, ота, она, woman, man, girl, daughter, father, mother, brother, sister, lass, lad, fellow, lady, gentlemen, madam, mister, mistress, granddad, grandma, grandson, granddaughter, mothergrabber, motherhouse, mother-tongue, mother-tree, mother-bee, man, woman, son, daughter, mister, mistress, girl, boy, husband, wife, bride, groom; **б) сифат орқали ифодаланган лексогендерема**: оталарча, оналарча, хотинчалаж, эркаксифат, хотинсифат, manly, womanly, fatherly, motherly, manish, womanish, **в) равиш орқали ифодаланган лексогендерема**: manwise, womanwise, girlishly, boyishly, malewise, femalewise, хотинчасига, эркакчасига, қайнотачасига, қайноначасига, куёвчасиг, келинчасига, **г) феъл орқали ифодаланган лексогендерема**: *а) инфинитив орқали ифодаланган*: уйланмоқ (эркак гендерига хос), турмушга чиқмоқ (аёл гендерига хос), унаштирилмоқ, to divorce, to marry; *б) сифатдош орқали ифодаланган*: уйланган, уйланаётган, уйланувчи, унаштирилаётган, унаштирилувчи, унаштирилган; divorced, divorcing; *в) равишдош орқали ифодаланган* (фақат ўзбек тилида): уйланиб, уйлана-уйлана, уйланганича, унаштирилиб, унаштирилганича, ва ҳ.к.

**4. Синтаксогендерема** – фразегендерема (сўз бирикмаси), сентенсогендерема (содда ва қўшма гаплар орқали воқелантирилган гендерема. **а) фразегендерема** (сўз бирикмаси) орқали ифодаланган гендер, ўзб.: (фақат аёл жинсига хос): турмушга чиқмоқ, эри билан ажрашмоқ, уй тутмоқ, кўзи ёримоқ, боши очиқ, эрга тегмоқ, эр қилмоқ, эрлик бўлмоқ, эрсиз қолмоқ, она алласи, она сути, она қарғиши, қиз тўйи, она назари, она қўйнида, она дуоси, муштипар она, ўзини бахшида қилмоқ ва ҳ.к.; ингл.: motherly conduct, womanly behavior, womanish approach, womanish thinking, mothercraft nurse, mother of the family, mother of ten children, motherly care, motherly, Mothering Sunday, mother's day, mother of states ва ҳ.к.; (фақат эркак жинсига хос): қўйиб юбормоқ, хотини билан ажрашмоқ, жавобини бермоқ, талоқ қилмоқ, икки талоқ, бошини очиб қўймоқ, хотин олмоқ, хотинли бўлмоқ, хотинсиз қолмоқ, ота қаҳри, ота меҳри, ота қўйнида, ота дуоси, ота қарғиши, ота назари, нуруний отахон, ўғил тўйи, хатна тўйи, суннат тўйи ва ҳ.к.; ингл.: fatherly care, manly deed, father of the family, ва ҳ.к.; (иккала гендерга ҳам хос): турмушга чиқмоқ, маҳрамига олмоқ, кўпайишмоқ, турмуш курмоқ,

фарзанд кўрмоқ, қизлик бўлмоқ, ўғиллик бўлмоқ, бир ёстиққа бош қўймоқ, оила қурмоқ, бошини иккита қилмоқ, жуфти ҳалоли, бепушт бўлмоқ, олтин тўй, кумуш тўй, бешик тўйи, никоҳ тўйи, мучал тўйи, тўй қилмоқ, тўй бермоқ, тўй бошламоқ, оила қурмоқ, тўй маросими, тўй эгалари, тўй базми, тўй оқшоми, тўйма-тўй юрмоқ, қўша қаримоқ. to marry, to get married, to get divorced, to make a tie **б) сентенсогендерема** (соцца ва қўшма гаплар) орқали ифодаланган гендер. **соцца сентенсогендерема:** ўзб.: Онанг гиргиттон бўлсин сенга; Хайр энди ота уйим остонаси(қўшиқдан); инг.: My mum is my life; my father is my hero; "A woman's function plainly is – to talk" (Elizabeth Barrett Browning's poem 1856); **қўшма сентенсогендерема** ўзб.: Онанг ўргилсин, кетаман дема!; Дийдоринг ўчкур, нима дейсан!; Отанг бўйингдан, тез-тез келиб тургин, жуда соғинтириб юборма!; Онанг гиргиттон, келдингми, ўтир бирпас дам ол!; Ота рози, худо рози; Отанг бозор, онанг бозор; Қиз сақласанг, туз сақла; Ёмон хотин уйнинг шўри, лимча мулла диннинг шўри; Бир ота боқа олармиш ўнта болани, ўнта бола боқа олмасмиш битта отани ва ҳ.к инг.: If he be a married man, he is his wife's head (Shakespeare W. Measure for Measure); Women on mischief are wiser than men. etc.;

**5) фразеогендерема** - фразеологик бирликлар орқали воқелантирилган гендер. *а) номинатив (фраземалар ва фразеомалар орқали ифодаланган гендеремалар бўлиб, уларни нутқда қўллаш учун таййор шаклда эмас),* ўзб.: оталиққа олмоқ, онасини учқўргонидан кўрсатмоқ, ўзини хотин-халажларча тутмоқ, ҳезалакка ўхшамок, эна хотиндек, онаси ўпмаган қиз ва ҳ.к; инг.: a man of word, mother of long standing, fatherly conduct, motherly care, Mother of Presidents, Mother of God, mother of all bombs mother of battles, Mother Nature, Mother Goose, ва ҳ.к.;*б) коммуникатив (сентенсемалар, текстемалар, мақол ва маталлар, провербемалар воситасида ифодаланади ва нутқда қўллаш учун тайёр шаклда):* ўзб.: Эру-хотиннинг уруши - дока рўмолнинг қуриши; Оталар сўзи - ақлинг кўзи; Ота гўри қозихона; Отанга бор, онангга бор, Жаннат оналар оёғи остиндадур, Эру-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши, ва ҳ.к.; инг.: The way to a man's heart is through his stomach; The mother's heart is the child's schoolroom; A mother's heart is always with her children; As the field, so the crops; as the father, so the sons; A father maintains ten children better than ten children one father; Like father, like son, Like mother, like daughter ва ҳ.к.

**6. Текстогендерема/дискурсогендерема**-текстемалар, дискурсемалар орқали воқелантирилган гендер. ўзб.: "Бу дунёда улуғ зот ким десанг, доим онам дерман, Ҳаётим устуни мунис, мададқорим-эй, онам дерман! Бу умрим машъали ўчмас, ҳаёти сурати кўчмас, дилимга дили пайванд, чаманзорим-эй, онам дерман"(шеърдан парча), "Она, онам дея келди бир садо, она, она бебаҳо!", "Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан? Соғинсам нур жаҳоним, излайин қаерлардан? Қадрдон оталарга куш каби талпинаман, Йиғламай яшайману, аммоки соғинаман, Соғинсам отажоним, излайин қаерлардан?" (шеърдан парча), "Авалло онангга, яна онангга ва яна онангга яхшилик қил, сўнг эса отангга яхшилик қил" (Ҳадисдан); инг.: "A girl without a mother is like a mountain with no paths, a girl without a father is like a mountain with no streams"; "A priest is a man who is called Father by everyone except his own children who are obliged to call him Uncle"; "One of life's greatest mysteries is how the boy who wasn't good enough to marry your daughter can be the father of the smartest grandchild in the world" ва ҳ.к.

**7) парагендеремалар** - паралингвистик воситалар орқали воқелантирилган гендер. мулоқотда аёллар ва эркаклар томонидан фойдаланиладиган турли ёки ўхшаш паралингвистик воситалар (масалан, соқовлар даврасида отани ифодалаш учун мўйловга ишора бор, онани ифодалаш учун қошга ишора бор ва ҳ.к).

Юқоридаги гендеремаларни умумлаштириб “лингвокультурема” деб аташимиз мумкин. Чунки гендерема ўзида аёл ва эркак гендерини турли лингвокультурологик хусусиятини кўрсатиб бермоқда. Бинобарин, турли тизимли икки тил: ўзбек ва инглиз тилларида гендеремаларни қиёсий тадқиқ қилиш натижасида шуни англаш мумкинки, гендерема ўзида муайян тил вакилларининг маданиятини ҳам акс эттиради. Масалан, “онанг гиргиттон”, “онанг айлансин”, “онангни жони қоқиндик” каби лингвокультуремалар айнан ўзбек аёлига хос меҳрни ифодалайди. Ушбу лингвокультуремаларни тўғридан тўғри инглиз тилида ифодамай олимаймиз. Инглиз аёли дискурсида хос бўлган эркалатиш семасига эга лингвокультуремаларни қуйидагича тасвирлаш мумкин: “my honey”, “my sweetie”, “the little tyke” ва ҳ.к.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “гендер” концептининг терминологик аппарати унификацияси муаммоси гендер тилшунослиги ва бошқа бир қанча соҳаларнинг долзарб вазифаси бўлиб келмоқда. Гендерологик метатерминларни амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш учун махсус луғатлар тузилиши ва керак бўлса, ўзбек тилининг изоҳли луғати таркибига киритиш борасида ишлар амалга ошириш замонавий ўзбек тилшунослиги олдида турган улкан вазифалардан биридир.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Кириллина А., Томская М. Лингвистические гендерные исследования М., 1996
2. Хошимов Ғ.М “К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистике”. Фан, 1991.
3. Хошимов Ғ.М., Комилова Н.А. Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиғи., ФарДУ Илмий хабарлар 3-сон, 2020 й. 144-149 б.
4. Kramer Ch. Perceptions of female and male speech, Language and speech, 20, no.2, April/June, 1977
5. Lakoff R. Language and Woman’s Place. Harper&Row, NY-London, 1975
6. Thorne V., Henley N. Difference and dominance: an overview of language, gender and society. Newbury House, Rowley, Mass., 1975

Файзуллаев Холмўмин Намазович  
(Қарши, Ўзбекистан)

### ҲИКОЯДА БОЛА ОБРАЗИ ИМКОНИАТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Нормурод Норқобилов ҳикоялари, уларда тасвир этилган бола образи, бола образининг ҳикоя жанри имкониятларини оширишдаги эстетик вазифаси ҳақида сўз юритилади. Ёзувчининг “Капалак” ҳикояси таҳлили асосида ҳикоя жанрида бола образининг бадиий функциясига доир муайян назарий хулосалар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** Ҳикоя жанри, бола образи, бола психологияси, қишлоқ табиати, сюжет, эпизод, қаҳрамон, наботот, ҳайвонот, жамодот, поэтик имконият, бадиий вазифа, деталь.

Ўз авлоди вакиллари орасида нуфузли ўрин эгаллайдиган, инсон ва табиат муаммосини турли бадиий ракурсларда тасвирлаб келаётган ёзувчи Нормурод Норқобилов асарларида кўп ижодкорларнинг эътиборига тушмаган, реал, натуралистик, шу билан биргаликда, табиат, ҳайвонот, жамодотга хос теран фалсафа оҳанглирига гувоҳ бўламиз. Мағзида инсон ва табиат муаммоси акс этган бундай фалсафий хулосаларни биз ёзувчининг илк тўплами “Зангори кўл”дан (1987) бошлаб, “Унутилган кўшиқ” (1990), “Юзма-юз” (1993), “Сариқ гул” (1996), “Пахмоқ” (1997), “Аразчи чумчуқ” (1999), “Бекатдаги оқ уйча” (2000), “Овул оралаган бўри” (2005), “Жўшқин дарё” (2005), “Бўрон кўпган кун” (2007), “Тоғдаги ёлғиз одам” (2011), “Четдаги одам” (2018) сингари қисса ва ҳикоялар тўпламлари, “Дашту далаларда” (2009), “Қорақуюн” (2016) романларигача изчил тарзда кузатишимиз мумкин.

Н.Норқобилов ижоди учун характерли бўлган бундай жиҳатлар унинг халқ ижодиёти, қишлоқларимиз одамлари турмуш тарзи, Ватанимиз табиати, қолаверса, жаҳон адабиётининг Л.Толстой, Ж.Лондон, Ч.Айтматов, С.Томпсон ижодий анъаналарини чуқур билиши билан боғлиқ. Узоқ йиллар Ўзбекистон телерадиокомпаниясида олиб борган илмий экспедиция ишлари, табиат билан тиллашадиган кўплаб ватандошларимиз билан ўтказган суҳбатлари, табиат сирларини жамият ва табиат билан уйғун кузатишлари, дашту далаларда кечган болалиги, ўсмирлик ҳаёти ёзувчининг она табиат ҳақида шундай оригинал асарлар ёзишига сабаб бўлган, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, ёзувчи ижодий олами биографик, маиший, миллий, ижтимоий ва маданий-эстетик кечмиш билан пайваста шаклланади. Бинобарин, Нормурод Норқобилов насрий ижодининг майдонга келиши ҳам шундай пойдеворий асослар билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзувчи ижодини синчков ўқиб-ўрганиш шуни кўрсатдики, Н.Норқобилов ҳикоя, қисса ва романлари ўзбек фольклори, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”ида жамланган қадим туркий кўшиқлар, Навоий, Бобур, Гулханийлар ижодидан сув ичади. Шунинг билан биргаликда замонавий жаҳон ва ўзбек адабиёти ёзувчи асарлари учун муҳим бадиий восита ролини ўйнаб келяпти. Яна бир муҳим томони ёзувчининг болалиги тоғлар, қирлар, дашту далалардан иборат Қашқадарё

муҳитида кечган. Бунда ёзувчи табиат ҳодисалари, табиий муҳит ва жониворлар ҳаётининг, унда кечаётган биологик, ботаник, зоологик жараёнларнинг шунчаки кузатувчисигина бўлиб қолмаган, балки ушбу жараёнларда ўзи ҳам бевосита иштирок этган. Н. Норқобилов ижодида бу жиҳат муҳим ўрин тутди. Ёзувчи билан бўлган суҳбатларда асарларидаги кўп ҳолатлар ўзининг тоғ ва даштларда кечирган ҳаёти билан боғлиқлигини кўп бора таъкидлаган. Айниқса тоғ ҳаёти унинг асарларида изчил, натуралистик тасвирланганидек, ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Ёзувчи тоғларни фақат бир ижодкор, тафаккур ва тадқиқот кишиси бўлиб кузатмайди, уларни ботиний бир армон ва меҳр билан юрагида сақлайди. Унинг яқинда нашр этилган “Чол ва бола” ҳикояси, шахсан ўз эътирофига кўра, бошидан ўтган воқеага қурилган. Ҳақиқатдан ҳам бола Нормурод тоғ этагида ўйнаб юриб, бўри уясига тушиб кетган. Она бўрининг дарғазаб нигоҳини ўзида ҳис этган<sup>37</sup>. Инсон ва табиат муаммосининг бадий адабиётда намоён бўлиши масалаларини ўрганган тадқиқотчи В.Романенко ўз номзодлик ишида асли тоғлик бўлган ёзувчи ва шоирлар ижодида инсон ва табиат муаммоси кўпроқ қаламга олинishi, аниқроқ тасвирланишини аоҳида таъкидлайди<sup>38</sup>. Бу жиҳат айнан Н. Норқобилов ижодий лабораториясига ҳам хос. У ёзган ҳикояларнинг аксарияти ёзувчи биографиясининг муайян босқичи билан чамбарчас боғланиб кетгани, улардаги натуралистик тасвир фикримизга далил бўлади.

Н. Норқобилов ҳикояларнинг умумий таснифи, мавзулар доираси, маъно-моҳияти ўзида биографик, локал ва ёзувчининг инсон ва табиат ҳақидаги ижтимоий-фалсафий қарашларини ўзида намоён этиши билан характерлидир. Шунингдек, ҳикоя жанри табиат ҳодисаларини кичик парчалар мисолида бўлса ҳам ёрқин акс эттиради. Чунки айнан ҳикоя “ўзига хос имконият ва ҳаётий қамровга эга” жанр<sup>39</sup>. Ҳикоя “одатда қаҳрамон ҳаётдан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир неча) воқеани қаламга олади”<sup>40</sup>. “Ҳикоя латифа мазмунига кирган воқеадан каттароқ, аммо қиссага мазмун берувчи воқеадан кичикроқ саргузаштни, кўпинча киши ҳаётида бўлган бир эпизодни тасвир этиши” билан ҳам характерлидир<sup>41</sup>.

Н. Норқобилов ҳикояларининг китоб ҳолида нашр этила бошлаганига расман ўттиз тўрт йил бўлибди. Биринчи ҳикоялар тўплами “Зангори кўл” 1987 йилда чоп қилинган. Илк тўпландан “Четдаги одам”гача (2018) давом этган ҳикоянавислик йўли – жуда узоқ ва машаққатли йўл. Умуман, ёзувчи ўз ижодий фаолияти давомида 200 дан ортиқ ҳикоя битган. Қолаверса, Н.Норқобилов ҳикоялари орасида шундайлари ҳам борки, уларда соф индивидуал, маиший, ижтимоий, этнографик, психологик воқеа ва

<sup>37</sup> Ёзувчи билан бўлган шахсий суҳбатлардан. 2019 йил, 15 апрель. Суҳбатнинг аудиоёзуви шахсий архивимизда сақланади (Х.Ф.).

<sup>38</sup> Романенко В.П. Человек и природа гор в художественной литературе Северного Кавказа. Эволюция взглядов и нравственный аспект проблемы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Нальчик, 2008. – С. 19.

<sup>39</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 250.

<sup>40</sup> Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010. – Б. 393.

<sup>41</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 245.

ҳолатлар конкрет образ типлари воситасида тасвир ва талқин этилган. Бу эса ёзувчи поэтик қамровининг кенг ва хилма-хиллигидан далолат беради. Шунга қарамасдан таъкидлаш жозики, Н.Норқобилов ҳикояларининг аксариятида инсон ва табиат муаммоси у ёки бу даражада бадий акс эттирилгани кузатилади.

Ёзувчининг шу мавзуда ёзилган ҳикояларини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Марказида инсон турувчи табиатга оид ҳикоялар (“Капалак”, “Бўталок”, “Қашқа”, “Улоқчалар”, “Ваҳима”, “Қўшиқ ёки Мунг”, “Қизча”, “Чол ва бола” ва ҳ.к.).

2. Табиатга хос бирон ўзгариш ёки ҳодиса ҳақидаги ҳикоялар (“Қуёш тутилган кун”, “Булоқ”, “Энатепа”, “Кекса тут” в ҳ.к.).

3. Бевосита наботот, жамодот, ҳайвонот ҳақидаги ҳикоялар (“Оқ бўйин”, “Дўнгалла”, “Аразчи чумчуқ”, “Қора бўри”, “Етим қолган гуллар” ва ҳ.к.).

Шуни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқки, инсон қайси давр, қайси бир манзилда яшамасин, табиатдан буткул ҳоли бўла олмайди. Ҳатто мукамал даражада цивилизациялашган шаҳарда, махсус лаборатория шароитидаги ер ости иншоатида яшаса ҳам. Шунинг учун бизнинг Н.Норқобилов ҳикояларига доир таснифимиз бирмунча умумий ва нисбий моҳиятга эга.

Унинг биринчи ҳикоялар тўплами “Зангори кўл”даёқ бу типдаги ҳикоялар фаол ва изчил кузатилади. Бу жиҳат китобдан жой олган дастлабки ҳикоядаёқ аниқ билинади. Бу ҳикоя “Капалак” деб сарлавҳаланган. “Капалак”нинг бош қаҳрамони Нусрат деган болакай. Ёзувчи феъл-атворига кўра табиатга яқин бўлгани учун, бу ҳикоясида ҳаёти табиий майлларга қурилгучи бола психологиясини теран очади. Уни турли зиддиятлар мередианида кўрсатади. Булардан биринчиси шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги зиддият. Бу зиддият “инсон ва табиат” муаммоси акс эттирилган жаҳон адабиёти намуналарида энг кўп талқин қилинган муаммолардан бири. Айниқса, XVIII Англияда майдонга келган сентиментализм адабиётида шаҳар ва қишлоқ зиддияти ўта кескин тарзда айтилади. Чунки сентиментализмда “сезги”, “қишлоқ ҳаёти”, “табиат қўйнида яшаш” масалари биринчи планга қўйилади<sup>42</sup>. “Капалак” ҳикоясида шаҳарлашган ота қишлоқда бувасининг қўлида ўсаётган ўғлини Тошкентга олиб кетмоқчи бўлади. Аммо боланинг қишлоқча одатларга кўниккани, табиат ҳодисаларидан завқланиши ва улар билан туғишган онасидек мулоқотда бўлиши шаҳарлашган отага эриш туюлади. Боланинг ҳар бир ҳаракати (лолақизғалдоқни кўриб қувнаши, арини кузатиши, хонқизига маҳлиё бўлиши), ҳар бир сўзи (табиат ҳақида берган саволлари) таъқиб этади. Буларнинг барчасида шаҳарлик кишининг қишлоққа хос одату майлларга мурасасиз қарашини кўрсатади. Иккинчиси, ота ва бола зиддияти. Нусрат ёш. У ҳамма нарсадан завқланади. Ҳаётга, табиат ҳодисаларига муҳаббати чексиз. Фасллар, гуллар, қушлар уни ҳаяжонга солади. Дилида қувонч уйғотади. Ота эса шаҳарга хос турмуш ташвишлари билан фикран ва ҳиссий жиҳатдан ториқиб қолган. У табиатга безътибор. Бутун ўй-хаёли боласини тезроқ олиб кетиш, қишлоқдан тезроқ узоқлашиш. Учинчиси инсон ва табиат зиддияти. Бу жиҳат ҳикоянинг капалак билан боғлиқ эпизодиди кульминацион даражага чиқади. Табиат “вакили” бўлган бола капалак чиройига маҳлиё бўлиб, уни тутиб олади.

<sup>42</sup> Қаранг: Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 344-346. <sup>42</sup> Норқобил Н. Заргори кўл. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – Б. 9.



Мақсади яқиндан тамоша қилиб, қўйиб юбориш эди. Аммо ота капалакка эйтибор ҳам қилмайди. Ҳатто капалак тутаман деб эгини кир қилган ўғлининг “айби” учун мурғак капалакни ээгилаб ташлайди. Мана шу жойда табиат ўзига нисбатан қилинган бундай шафқатсиз муносабат учун исён қилади. Буни ёзувчи боланинг ҳатти-ҳаракати мисолида ёрқин тасвирлайди:

“- Нима бало, йилинг чўчқами, аҳмоқ!-у боланинг қўлидаги капалакка чанг солди, қафтида ғижимлаб ерга ташлади. Бу ҳам етмагандек, оёғи билан эзиб, тупроққа қориштирди.”<sup>7</sup>

Болақайнинг ранги оппоқ оқариб, кўзлари катта-катта очилиб кетди. Беихтиёр икки одим ортга чекинди. Баданидан қирқоёқ ўрмалаб ўтгандай қаттиқ сесканди, кўзларида ёш қалқди, пуштиранг лаблари титраб, бир нима демоққа чоғланди-ю, бирдан кескин бурилиб, ҳув узоқда, кўм-кўк дарахтлар оғушида кўриниб турган қишлоқ сари елдай учиб кетди”<sup>43</sup>.

#### **Хулоса:**

1. Аслида сюжет марказида инсон турадиган, табиат, наботот ва жамодотга доир воқеа-ҳодисалар мана шу қахрамон нигоҳи, ҳис-туйғулари призмасида кузатилиб, тасвир этиладиган ҳикоялар Н.Норқобилов ижодида муҳим ўрин тутди.

2. “Капалак” ҳикояси марказига ҳам бола образининг қўйилиши ёзувчи мақсадини тўла очилиши учун қўл келган. Унинг табиати, унга хос исённинг ошкоралиги асар ғоясининг бўртиб кўринишига хизмат қилган.

3. Ҳикоядаги тугун, кульминация ва ечимнинг юқорида саналган уч ракурс доирасида очилиши ҳикоя кўламини кенгайтирган.

4. Аммо асар фақат бола ёки болалар доирасида қолиб кетмаган. Аксинча, кўпроқ катталар дунёсидаги маънавий-ахлоқий муаммоларнинг майдонга чиқишини таъминлаган.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Норқобилов Н. Зангори қўл.-Тошкент: Юлдузча, 1987.-Б-9
2. Романенко В.П. Человек и природа гор в художественной литературе Северного Кавказа. Эволюция взглядов и нравственный аспект проблемы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Нальчик, 2008. – С. 19.
3. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 24
4. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 344-346
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010. – Б. 393.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 250.
7. Ёзувчи билан бўлган шахсий суҳбатлар. 2019 йил, 15 апрель. Суҳбатнинг аудиоёзуви шахсий архивимизда сақланади (Х.Ф.).

<sup>43</sup> Норқобил Н. Зангори қўл. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – Б. 9.

## СЕКЦИЯ: ФИЛОСОФИЯ

**Bogirova Mahfuza Furqatovna**  
(Buhara, Uzbekistan)

### XAYOL DENGIZIDA MAVJLANGAN KEMA

O'tgan asrdagi hukmron mafkura zo'ravonliklariga qarshi, millatni dinidan, tilidan, tarixi va ma'naviyatidan mahrum qilmoqchi bo'lgan mustabid mafkura siyosatiga qarshi fikrlarini shoir o'z vaqtida ochiq-oydin badiiy shaklga sola bilgani ham ulug' adiblarga xos jasoratdir.

Abdulla Oripov ijodiga nazar tashlar ekanmiz uning she'riyat olamining rang-barangligiga:tabiatning ko'z ilg'amastasvirlaridan to ruhiy kechinmalarning sirli torlarigacha tasvirlar ekan, shoirning dunyolararo so'z dunyosiga maftun bo'lamiz, undagi soddalik bilan bir qatorda fikrlashga undovchi falsafiy va ramziy tasvirlarga nazar tashlar ekanmiz, yana bir o'ziga xos ma'nolar dunyosiga, dengiz durlaqri ila boy xazinaga ko'zimiz tushadi.Abdulla Oripovning "Ruhim"she'ri bevosita ruhiy olam bilan o'zaro uyg'nliligiga guvoh bo'lamiz.

Vujud deganlari asli nimadir?

Dayr dengizida yurgan kemadir.

Bir kun bir qoyaga urilgay kema,

Ruhim sen vujudning g'amini yema.

Ushbu misralarda vujudni kemaga qiyos etilishi o'ziga xos bir ramziylik sifatida aks ettirilgan.Kema ikki qirg'oqni birlashtiradigan hamda bir qirg'oqni birlashtiradigan hamda bir qirg'oqdan narigi qirg'oqga o'tishga yordam beradigan vosita ekanligi va bir kun qoyaga urilib yo'q bo'lishi mumkin.Vujud ham xuddi kema singari ma'lum manzilga yetganda ruh unit ark etadi.Lirik qahramon ruhga murojaat qilib vujudning g'amini o'ylamasdan yuksaklarga parvoz qilishi so'raladi.Chunonchi insonning ruhiy olami qay darajada mustahkam bo'lsa vujudga berilgan tashqi ta'sirning zarracha ahamiyati bo'lmas, shu o'rinda Qodiriy bobomizning "Men ma'nan o'ldirildim meni jismonan o'lim men uchun qo'rqinch emas", -deb aytgan so'zlari bevosita yodimizga keladi, shoir ham o'tganlarni eslab quyidagicha yozadi:

Ketganlar yodi bu

Tush ko'rdim

Tushimda bir dengiz emish

To'lqinlar sapchirmish moviy osmonga

Manzil yiroq emish

Ufq so'ngsiz emish

Bir kema borarmish o'sha tomonga

Uning sahnasida jami do'st-yoron Umr bir tushga qiyoslanib bu dunyoni bir dengiz sifat bilib umrni bir tushga qiyos etilmoqda hayotdagi oq-qora kunlar esa to'lqinlar misol moviy osmonga sapchiydi ya'ni:Shoir tush tasvirini keltirish orqali o'tmishni gavdalanitirmoqda.Ana shu tushda ko'rilgan dengiz esa mustamlakachilik davri bo'lib, bu dengizdagi to'lqinlar ko'kka sapchishi, erk va ozodlik yo'lidagi harakatlar hamda izlanishlardir, ammo manzil yiroq.Bu

manzilni ko'zlab bir kema borarmish unda barcha do'st-yoronlar jannat ya'ni ozodlik xayoli bilan safarga otlangan.

Kema bir sohilga yetgani mahal  
 Meni yo'l azobi qo'ymish toldirib.  
 Kema jo'nab ketmish yo'lida jadal,  
 Kema jo'nab ketmish meni qoldirib.  
 Men uning ortidan yugurgan giryon,  
 Nogoh ayriqliqsan ko'zlarim yoshlab.

Vaqt esa oliy hakam u hech kimga shafqat qilmaydi va hech kimni kutib turmaydi. yuqoridakeltirib o'tilgan vaqt kemasi ma'lum manzilga yetganda lirik qahramon yo'l azobidan qiynalganini uzoq safarga tayyor emasligini bayon etadi, ya'ni o'tmishni o'rganish mumkin biroq uni ham bir lahzasini o'zgartirishga imkoni yo'qligidan qiynaladi, hamda so'ngsiz chuvalgan o'ylari lirik qahramonga orom bermay uni toldirib qo'yadi. Vaqt deya atalmish kema esa allaqachon jo'nab ketgan uning ortidan yugurib yelib ham yetib bo'lmasligidan giryon bo'ladi

Chorlash  
 Kel, bir zumga dunyoni unut,  
 Ko'tarayin seni balandga  
 Pastga qolsin nobakor xilqat  
 Pastga qolsin tanbal bulutlar

Shoir "Chorlash" she'rida ham vujudni nobakor xilqat deb ataydi va lirik qahramonni bir lahza dunyoni unutishga chorlar ekan ruhni balandlarga ko'tarib unga qafas bo'lgan tanni esa pastlarga qoldirishni aytadi.

Yuragingda chaqnasin faqat yorug' xayol, samoviy otlar osmonlarda charx urib aylansin

Ruhing mangu tursin yorishib o'lganda ham vujuding bilan ketmagaysan yerga qorishib. Qalb qo'rg'oningda yorug' xayollar chaqnasinki toki charx urib ko'klarga ko'tarsin.

"Avesto" asarida keltirilganiday "ezgu fikr, ezgu so'z, ezgu amal" insonni yaxshilikka undaydi va shundagina ruh mangu yaxshiliklar bilan dunyoni yoritib turishini, o'lgandan keyin ham yerga shunchaki qorishib nom-nishonsiz yo'q bo'lib ketmasligini aytib o'tadi.

Shoir ruh bilan ezgu amallar, o'y-hayollar yuksaklarga parvoz etishi mumkinligini ta'kidlar ekan, vujud bir kema ruhni o'zida olib yurgan bir nobakor hilqat deya ta'riflaydi va uning yerga nom-nishonsiz yo'q bo'lmasligi uchun esa ruhni ezgu ishlar bilan boyitish kerakligini o'z she'rlarida keltirib o'tadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Afoqova N. Abdulla Oripov lirikasida badiiy san'atlar: Filol.fan.nomzodi...dis. – Toshkent: 1997. – B. 142.
2. Ashurova G. Abdulla Oripov she'riyatida an'ana va badiiy mahorat (obraz, g'oya va tasvir). Filol.fanlari nomzodi.....diss. avtoref. - Toshkent: 2008, - B. 26.
3. Aristotel. Poetika. Toshkent: –Adabiyot va san'at nashriyoti, 1980. – B. 149.
4. Begimqulov D. She'riyatimiz yulduzi. // Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. 4 jildlik, 1 jild. – Toshkent: 2000. - B.432.

5. Vohidov R, Hoshimova M. She'riyat - shoir yuragi. Toshkent: – Fan, 1987. - B. 68.
6. Jabborov I. Abdulla Oripov she'riyatida tarixiy shaxs talqini. - Toshkent: Fan, 2008. – B. 100.
7. Yo'ldoshev B. Qashqadaryo badiiyati. Toshkent: Sharq NMK, 1998. - B. 464.
8. Norboyev B. Hayotni poetik talqin etish tamoyillari va mahorat muammolari. Filol. fan. d-ri..dis. avtoref. Toshkent: 1996. - B. 54.
9. Norboyev B. Istiqlol va iste'dod tarbiyasi. Toshkent: – O'qituvchi, 1996. –B. 47

Жумаев Абдимўмин Файзиевич, Холиқулов Аслиддин  
(Денов, Узбекистан)

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Қадриятлар – жамиятга кишилар ўртасида обрўга, эътиборга ҳурматга нуфузга, аҳамиятга эга кишилар муносабатлар, ҳолатлар моддий нарсалар ва маънавий бойликлар йиғиндисиدير. Қадриятлар кишиларнинг моддий турмуш даражаси, шароити, имкониятлари асосида шаклланади ва ривожланади.

**Калит сўзлар:** Қадрият, маънавий бойлик, умуминсоний, минтақавий, фуқаролик жамияти, демократик жараёнлар

Миллий қадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодисалар эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориш, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳар бир қадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан **қадриятларнинг демократик тамойиллар билан қарор топишидаги** ўрнига баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда **икки омилга алоҳида эътибор бериш керак: биринчиси** – қайси бир қадриятларнинг юзага келган аниқ тарихий шароитлар, **иккинчиси** – ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билиш керак. Шунингдек, умумбашарий демократик қадриятларми, минтақавий қадриятларми, миллий қадриятларми унинг қайси замин эҳтиёжи асосида вужудга келганлигини, улар ўртасида қандай уйғунлик мавжуд бўлганлиги, ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур. Айни пайтда, фикримизча, муайян миллий, синфий, минтақавий, шахсий ва бошқа хусусий қадриятлар тизими ҳам умуминсоний қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари нисбий характерга эга бўлиб, унинг бу хусусияти, яъни нисбийлик ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди. Шунга кўра **демократик тамойилларни миллий қадриятлар билан уйғунлаштиришда** унинг қуйидаги **намоён бўлиш шакллари**ни алоҳида таъкидлаш зарур.

а) демократик жараёнларнинг узвийлиги асосида миллий қадрият сифатида шакллантириш;

б) одамларнинг тафаккури ва ижтимоий-сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасини мутаносиб бўлишига эришиш орқали;

в) жамиятдаги турли хил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган миллий ғоя асосида ҳамжиҳатлилик, миллатлараро тотувлик ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида;

г) демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланишини таъминлаш;

д) сиёсий муносабатларда ҳам ахлоқий, маънавий, миллий қадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни мамлакат фуқаросининг турмуш эҳтиёжига айлантириш ва бошқалар.

Демак, **умуминсоний қадрият** деганда жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамиятга эга бўлган ва ҳар бир шахснинг ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таъсир этадиган, кишиларнинг хатти-ҳаракати, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам умуминсоний қадриятларнинг мезони сифатида баҳоланади. Шу билан ҳам умуминсоний қадриятлар тизимида демократик тамойилларнинг ўзи унинг шаклланиши учун кенг майдон очиб беради. Бироқ, бу дегани миллий қадриятларнинг ўрни ана шу тизимда пассив ҳолатда экан-да деган хулосани чиқармаслик керак. Негаки, қадриятлар тизимида миллат, унга хос бўлган белгилар, жиҳатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳудуд, макон ва у билан боғлиқ туйғулар демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Миллий қадриятлар шахс қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғловчи занжирнинг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, миллат ҳар қандай миллий қадриятнинг объекти, уни яратувчиси ва миллий қадриятлар тизимида асосий таянадиган ижтимоий таянч ҳамдир. Миллат бир томондан, ўзининг қадриятларини мутассил вужудга келтириб турганлиги билан ҳам у яшовчанлик хусусиятига эга бўлади. Демак, миллий қадриятлар ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллаштириб янги-янги қирраларини вужудга келтиради. Айнан ана шу жараён адолатли ва демократик жамиятнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Демак, **биринчидан**, миллий қадриятларсиз демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир шахснинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас. Демократия нафақат шахс фаолияти, балки у миллатнинг руҳияти ҳамдир.

**Иккинчидан**, демократик жараёнлар давомида мавжуд қадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб ва ўзгариб боради. **Учинчидан**, миллат миллий қадриятнинг ҳақиқий эгаси. Демак, миллат унинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам, ўтмишдан келажакка томон яшаши ҳам, авлоддан авлодга етказиб берувчиси ҳам, унинг асосий объекти ҳам айнан шу миллатдир. **Тўртинчидан**, миллий қадриятларнинг такомиллашмаганлиги миллатнинг йўқ бўлиб кетишига ва охир оқибатда эгасиз бўлиб қолишининг бошланишидир. Собиқ шўролар даврида миллатга бўлган ҳужум энг аввало, унинг қадриятларига бўлган ҳужумдан бошланганлигини тасодифий ҳол эмас эди. Бунинг бир қатор мисолларини кўҳна тарихдан ҳам, ҳозирги даврдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. **Бешинчидан**, миллий қадриятларнинг сақланиб қолиши, бу фақат уларнинг ўзини ўзи асраб қолишининг асосий масаласи деб қараш керак эмас. Балки ҳар қандай миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши шарт. Ана шу жавобгарлик, масъуллик даражаси миллий ривожланиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда қозоғистонлик профессор, файласуф Ғ. Қодиржонов халқаро конференцияларнинг бирида ўзи тан олиб, шундай фикрни билдирди: “Қозоқ зиёлиларининг ўз она тилларини ўрганишлари, ўзлаштириши ва ўз тилларида илмий фалсафий, сиёсий китобларни ёзиши ўта мушуқ бўлиб қолаётганлигининг сабаби - улар миллий руҳининг эркинлигига нисбатан узоқ йиллар

хукмрон бўлган “қизил империянинг” мафкуравий тазйиқининг натижасидир. Бундай ҳолатни Қирғизистон ва Ўзбекистон зиёлилари ўртасида ҳам кузатиш мумкин”.<sup>44</sup>

Хулоса қилиб айтганда қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган, ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган моддий, маънавий бойликлардир. Шу нуқтаи назардан, тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолиши лозим.

---

<sup>44</sup> 2002 йил 8-май ойида ЖИДУ да бўлган Халқаро конференция баённомасида айтилган фикрдан кўчирма.

Хайдаров Одил  
(Ташкент, Узбекистан)

### ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛЬ-ФАРАБИ

**Аннотация.** В данной статье приведен исторический обзор научного наследия великого энциклопедиста Фараби. Рассматривается мировоззрение Фараби о отражение культуры своей эпохи. Оно формировалось под влиянием естествознания Индии и философии Греции.

**Ключевые слова:** Фараби, исламская философия, метафизика, материя.

Гносеологические взгляды Фараби, то есть учение о знании, занимают особое место в истории развития социально-философской мысли. Идеи этого ученого были проанализированы в его работах «Введение в логику», «Об интеллекте», «Смысл и происхождение философии» и других работах. Поверхностный человек подчеркивает, что он является конечным создателем Земли и оценивает его силу, способность воспринимать вещи и явления.

Фараби выражает свои мысли о формах познания, духовном состоянии человека, отношениях души и тела, в логическом мышлении. Он говорит, что человеческие знания и умственные способности управляются мозгом, а сердце служит центром для обеспечения всех органов кровью, необходимой для жизни.

Природа является источником знаний. Человек известен как невежественный, потому что он знает свою тайну и что он мудрый и невежественный. В книге «Добродетели науки и ремесел» говорится, что знание природы бесконечно. Успех знания происходит по-разному, то есть насколько указывает Фараби, процесс познания вселенной включает в себя четыре вещей:

- предметы;
- человек с различными духовными силами и средствами обучения;
- влияние предметов на обучающихся участников;
- процесс восприятия, его виды, формы и этапы.

В работах Фараби четко и последовательно демонстрируются основные характеристики знания, что еще больше подчеркивает важность его учения о знании. Эмоциональные и умственные силы, которые существуют у человека, находятся в гармонии с сущностью природы и вещей. С рождением людей возникает «питательная сила», благодаря этой силе люди связываются с природными ресурсами, созданными в природе, и имеют возможность выживать.

Постепенно появляются эмоции, восприятие, память, а затем и «умственная сила», и люди с их помощью начинают различать красоту от безобразия, хорошее от плохого, а полезные от вредных. В результате, развития различных способностей, они способны преодолеть науку и искусство.

По мнению Фараби, каждое ощущение неразрывно связано с конкретными членами интуиции. Способность знать психологию - это акт души или ее сила. Поведение души зависит от членов тела. Дух формирует человеческое тело, а тело - его



материальное измерение. Любой сенсационный акт является следствием воздействия внешних компонентов окружающей среды на чувства человека. По словам Фараби, существует определенная функциональная связь между воздействием внешней среды и шоком и беспокойством человеческого организма. Если дремота, вызванная внешними воздействиями, остается ненужной, организм не будет невосприимчив к сенсорному восприятию, его отражение будет продолжаться в непрерывном положении, в противном случае это повредит им, и отношения будут нарушены. Жесткий звук, чрезмерный свет, злоумышленники отвергают отражение.

Идеи любопытства и последовательности также упоминаются в работах Аристотеля, Гиппократ, Галена, а также в индийской медицине. Фараби уделяет особое внимание этому вопросу и пытается обобщить все достижения в этой области. В «Трактате о взглядах жителей добродетельного города» он подробно описывает роль и значение духовных сил и знаний - психических процессов и классифицирует их следующим образом:

1. Питательная сила. Впоследствии образуются внутренние и внешние силы.

2. Внешние духовные силы - это силы, генерируемые, когда на внешние объекты непосредственно воздействуют органы чувств, то есть когда они являются внешними воздействиями. К внешнему силу относятся пять частей чувствительности: 1) ощущение кожи и тела; 2) ощущение удовольствия; 3) ощущение обаяния; 4) слуховое впечатление; 5) зрительная чувствительность. Вместе эти слова, по словам мыслителя, называются силой восприятия.

3. Внутренние духовные силы также делятся на несколько типов, которые находятся в гармонии с конкретными духовными процессами. К ним относятся:

А) любопытство и воображение (память);

Б) эмоция, эмоциональная сила;

В) речевая сила включает в себя силу мысли.

Передняя часть человеческого тела очень похожа на состояние со многими отделами и органами управления. Он отметил, что определенная часть организма может активировать каждое духовное тело. В этом случае участники будут в контакте с другими частями тела. Например, мощность питания состоит из двух частей - компонентов управления и технического обслуживания. Питательная сила лежит в сердце и служит ко рту, желудку, печени, селезенке сердца. В то же время все органы служат к друг другу: от мочи до почек, от почек до печени, и так далее.

Сенсорная сила также состоит из двух частей - контрольной и контролируемой части. Ощущения, которые связывают человека с внешним миром, как уже упоминалось выше, имеют пять типов, соответствующих пяти воспринимаемым членам Фараби. Это доказывает, насколько глубоко он знает свои эмоциональные знания и особенности духовной силы человека.

Согласно Фараби, любой интуитивный объективный материал является результатом внешнего воздействия определенных физических свойств на членов интуиции. Эти физические свойства влияют на членов интуиции, имитируют их, выражают их и дают четкий знак. Как мы уже видели, Фараби пытался определить физическую и биологическую природу ощущения. Он отмечает, что запрещенный

злоумышленник находится в естественном столкновении с определенными функциями и особенностями отдельных участников. Воображение является напоминанием о следах, оставленных ими в результате немедленного принятия и восприятия конкретных вещей.

Фараби основывается на своих собственных учениях о своих чувственных и эмоциональных настроениях, а также достижениях естественно научной мысли своего времени и идеях древней Греции, особенно Аристотеля, Гиппократ и Галена.

Процесс познания, согласно учению Фараби, «внешних восприятий» не заканчивается ощущениями, это только первая стадия их познания. В книге «Фусус ал-хикам» ученый отмечает, что у ряда животных, которые являются общими для животных и людей, встречаются внешние чувства или духовные силы, а также память и воображение.

Фараби отмечает, что человек отличается от животных прежде всего своим внутренним духовным силам - речью и мышлением. Как вы знаете, речь и мысль необходимы для познания предмета. Две основные формы знания, стадия и их взаимосвязь, отражены в следующих высказываниях Фараби: «Человек может приобретать знания с помощью интеллекта и чувств... чувственные образы можно изучать с помощью восприятий и воображаемых образов (эмоций).

Согласно Фараби, разница между умом заключается в том, что они, наряду с укреплением зеркала и отражающих образов, также помогают понять. «Понимание, суть вещей, общее правило - это акт изучения законов». Когда человеческий разум начинает осознавать реальные процессы на земле, он начинает покорять пространственные явления, объединяясь со вселенной, космическим разумом. Кроме того, человек может использовать активный ум для познания реальности. Он передает на более высокий уровень сенсорного восприятия, который тесно связан с веществом и информацией, которую он передает, что делает его «пищеварительным». «В результате процессы мышления будут иметь более глубокий и всеобъемлющий характер».

Сомнительно, что мыслители имели респектабельный и тонкий вкус, чем наука. Неважно, пища это или богатство - что бы ни случилось с человеком, он не сможет подняться на большие высоты, потому что через определенный промежуток времени его желудок пострадает, и вы не сможете перейти в будущую жизнь. Вкус знания вечен, это статуя вечности. Вы не можете отобрать это у вас. В этом секрет вечности великих личностей, дух знаменитых персонажей.

Фарабический актив основан на мыслях Аристотеля при описании ума. Ученый указывает «первому учителю», что активный интеллект не связан с материей, он выражается в виде абстрактной формы. Активный разум превращает разум в реальность. Активный ум неразличим, и его сущность выражается в неотчуждаемых объектах.

Преподавание эффективного мышления связано с идеями философа об отношениях между телом и духом, смертью, философией, религией и теологией. Гносеологические взгляды Фараби отличаются от взглядов древнегреческого философа Платона, и в своих работах Платон цитировал идею «мира идей», согласно которому объективный мир является тенью реальности, реального мира. Фараби не согласен с этой идеей. Раньше существуют предметы, а потом они влияют на чувства людей. В

результате человек является воплощением субъекта. Таким образом, первый средневековый философ признает объективность предметов и придает большое значение духовной силе человека. Эти духовные силы включают силу речи, силу мысли, эмоциональную силу, воображение и так далее. Они играют важную роль в процессе обучения.

Ученый на стороне Аристотеля эмоционального интеллекта. Анализируя эту проблему, по его словам, тот, кто лишен эмоциональной расплаты, менее чем осведомлен. В духе знание получается только через эмоциональную восприимчивость. Фарабическая гносеология основана на наблюдении способностей и человеческого разума. Он записывает, но не объясняет, глубоко, по существу, духовные силы. Теоретическое понимание запретного разума не имеет отношения к материи, его теория познания сыграла большую роль в развитии естественно-научных знаний.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Аль-Фараби. Научное творчество. М., Наука, 1975.
2. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата, Наука, 1975.
3. Аль-Фараби. Философские трактаты. -Алма-Ата, «Наука», 1975. – 468 с.
4. Гуревич П.. Философия. – М.: ЮНИТА-ДАНА, 2005. -397 с.
5. Фараби. Фусус ал-хикам. // Мажму ал-Форобий. 152-б.
6. Хайруллаев М.М. Философские и социологические взгляды Фараби // Очерки истории общественно-философских мыслей в Узбекистане. -Т.: Фан, 1977.
7. Аль-Фараби. О разуме и науке. Алма – Ата: Наука. 1975.

## СЕКЦИЯ: ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

**Halimov Jovlon Halilovich, Bozarov Elyor Boboqulovich  
(Qarshi, O'zbekiston)**

### **INSON KAPITALINI IQTISODIYOTNING BARQAROR O'SISH SUR'ATLARINI TA'MINLASHDAGI O'RNI**

O'zbekistonda iqtisodiyotni modernizatsiyalash, uning barqaror o'sishini ta'minlashda inson omili alohida o'rin tutadi. Mamlakatimizning mustaqillikka erishgan kunidan hozirgi kungacha inson omili O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadiga aylanganligiga hech qanday shubha yo'q.

Bugungi kunda mamlakatimizda inson omilining hal qiluvchi kuch sifatida amal qilishi va izchil ravishda rivojlanib borishi uchun real shart – sharoitlarni yaratuvchi ijtimoiy – iqtisodiy islohotlar, ahamiyatga molik o'zgarishlar amalga oshirilmogda.

Makroiqtisodiy barqarorlik – iqtisodiy islohotlarning mustahkam poydevoridir.

Yangi yilda iqtisodiy islohotlarning pirovard maqsadi kambag'allikni qisqartirish va aholi farovonligini oshirishdan iborat bo'ladi. Ushbu strategik maqsadlarga hamma uchun teng imkoniyat yaratadigan yuqori iqtisodiy o'sish hisobiga erishiladi. So'nggi 4 yilda iqtisodiyotimizning barcha jabhalariga bozor mexanizmlarini joriy etish borasida jiddiy qadamlar tashlandi. Endigi vazifa – chuqur tarkibiy islohotlar orqali uzoq muddatli barqaror o'sishning poydevorini yaratishdan iborat.

Barqaror iqtisodiy o'sish konsepsiyasiga muvofiq, mamlakatimizda samarali va ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini yaratish uchun qulay shart – sharoitlarni yaratishga asosiy e'tibor qaratilmogda.

Inson omili o'zaro bir – biri bilan munosabatda bo'ladigan, turli mavqeni egallagan sinflar va guruhlar tizimidan tashkil topadi.

Inson omili va mehnat resurslarining yuqori sifat ko'rsatkichlariga ega bo'lishi hamda uning takomillashuvi natijasida mamlakat mehnat salohiyati boyib boradi va kapital ko'rinishiga ega bo'ladi.

Inson kapitali – ta'lim, sog'liqni saqlash sohalariga shaxsiy investitsiyalar kiritish imkonini beradi.

Inson kapitali – eng zaruriy resurs, uning ahamiyati tabiiy resurslar yoki moddiy boyliklardan balandroq. Inson kapitalarining yig'indisi mehnat salohiyatini tashkil etadi. Bozor islohotlari sharoitida inson kapitali iqtisodiy o'sish va samaradorlikning asosiy omili hisoblanadi.

Inson kapitalini shakllantirish esa iqtisodiyot uchun investitsiya kiritish demakdir.

Inson kapitalini ifodalashda quyidagi xususiyatlarni inobatga olish kerak:

- inson kapitalini shakllantirish shaxs, korxonalar, jamiyat va davlatdan salmoqli xarajatlar talab etadi;

- inson kapitaliga kiritiladigan investitsiyalar uning egasiga kelajakda ko'proq ijtimoiy - iqtisodiy samara va daromad olish imkonini yaratadi;

- inson kapitali ko'nikmalar va layoqat sifatida muayyan zahira hisoblanadi, ya'ni uni jamg'arish mumkin;

- iqtisodiy qo'yilmalar kiritish qancha erta boshlansa, u shuncha erta unum bera boshlaydi. Shuningdek, sarmoya qancha salmoqli va davomiy bo'lsa, u shuncha yuqori va uzoq vaqt naf keltiradi;

- inson kapitalini shakllantirishda «ikkiyoqlama ko'payuvchi samara» o'z o'rniga ega. Uning mohiyati shundaki, ta'lim jarayonida o'rganuvchidan tashqari o'rgatuvchining ham qobiliyati va mahorati o'sib boradi, natijada har ikkisining ham daromadlari oshadi;

- insonga kiritiladigan qo'yilmalarning xarakteri va turi tarixiy, milliy, madaniy va an'anaviy xususiyatlar bilan bog'liq;

- inson kapitalining moddiy kapitaldan farqi shundaki, u o'z egasi, ya'ni tirik inson shaxsidan ajralmasdir;

- shakllanish manbalaridan qat'iy nazar inson kapitalini qo'llash va bevosita daromadlar olish insonning o'zi tomonidan nazorat qilinadi;

- inson kapitali jismoniy va ruhiy jihatdan yemirilib boradi. Inson kapitalining yemirilishi birinchidan, inson organizmi va unga xos bo'lgan psixofiziologik funksiyalarning tabiiy yemirilishi (keksayish), ikkinchidan, bilimlarning ma'naviy yemirilishi (eskirish) darajasi bilan aniqlanadi.

Inson kapitaliga kiritiladigan investitsiyalar sog'liqni saqlash, umumiy va maxsus ma'lumot olish, malaka oshirish, kasbiy tayyorgarlikdan o'tish, turli axborot va ma'lumotlarga ega bo'lish, ish qidirish, migratsiya, oila qurish, farzand ko'rish va uni tarbiyalash bilan bog'liq xarajatlar ko'rinishida bo'lishi mumkin. Ushbu xarajatlardan eng muhimlari salomatlik va ta'lim uchun xarajatlardir. Salomatlikka, uni saqlashga yo'naltiriladigan investitsiyalar kasallik va o'limning oldini olib, insonning mehnatga layoqatli umrini, inson kapitalining ishlash davrini uzaytiradi. Inson salomatligining ahvoli uning tabiiy kapitali bo'lib, butun umr davomida u yemirilib boradi. Sog'liqni saqlash bilan bog'liq investitsiyalar esa mazkur jarayonni sekinlashtiradi.

Umumiy va maxsus ta'lim insondagi bilimlar sifatini yaxshilaydi, inson kapitalining sifati darajasi o'sishiga xizmat qiladi. Ta'lim tizimiga kiritiladigan investitsiyalar yuqori malakali mutaxassislar, yuqori mehnat unumdorligining yuzaga kelishiga sharoit yaratadi, ular esa o'z navbatida iqtisodiy taraqqiyot sur'atining jadallashuviga turtki bo'ladi.

Inson kapitaliga kiritilgan investitsiyalar darajasining quyidagi ko'rsatkichlarini ajratib ko'rsatish mumkin:

- avanslangan inson kapitali – uning shakllanishi uchun dastlabki investitsiyalar (salomatlik, tarbiya, umumiy va maxsus ta'limga, shuningdek, shaxsning meyoriy turmush tarzini ta'minlovchi investitsiyalar) yig'indisini o'zida mujassamlashtiradi;

- qo'shimcha inson kapitali – uning sifat va miqdor ko'rsatkichlarini tiklash hamda yaxshilashga xizmat qiluvchi investitsiyalarni o'z ichiga oladi;

- qoldiq inson kapitali – uning tabiiy aylanmasi (oboroti) yakunlangandan so'ng daromaddan chegirib boriladigan (amortizatsiyalanadigan) investitsiyalar;

- iste'molinson kapitali – xodim hayotining o'tgan davrida (baholashga qadar) amortizatsiyalangan investitsiyalar;

- potensial inson kapitali – hayot faoliyatining keyingi davrida (baholashdan so'ng) amortizatsiyalangan investitsiyalar;

- foydalanilgan inson kapitali – uning tabiiy aylanmasi mobaynida amortizatsiyalangan investitsiyalar.

Avanslangan, qo'shimcha, iste'mol va potensial inson kapitallarini baholash va amortizatsiyaning tegishli meyorlarini hisoblash turli davrlar hamda xodimlarning turli toifalari uchun amalga oshirilishi lozim.

Inson kapitali – bu iqtisodiy dinamika nuqtai nazaridan, ya'ni ijtimoiy takror ishlab chiqarish kategoriyasi sifatida ham ifodalanishi lozim bo'lgan kategoriyadir. Inson kapitalini takror ishlab chiqarish kategoriyasi siklik shaklga ega bo'lgan ko'p bosqichli jarayondir. Bunda inson kapitali o'zining takror ishlab chiqarish harakati jarayonida tabiiy, iqtisodiy va innovatsion aylanmani bajaradi.

1. Tabiiy aylanma, xodimlarni mehnat faoliyati tugashi bilan almashtirish yoki pensiyaga chiqishi natijasida ro'y beradi.

2. Iqtisodiy aylanma, texnologiya, texnika ishlab chiqarish turining o'zgarishi bilan bog'liq bo'lib, ishchilarni qayta tayyorlash va ular tomonidan yangi kasblarni o'zlashtirishga olib keladi.

